
У32
Б46

Мирзо Абдулқодир Бедил

ШАВҚИНГНИ ЁД ЭТИБ

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori_____	



Мирзо Абдулқодир Бедил

ШАВҚИНГНИ ЁД ЭТИБ ...

Ғазаллар, рубоийлар ва достон



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2005

84(0)9
В46

Таҳрир ҳайъати: **Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмиддин Комилов, Абдурашид Абдуғафуров, Ваҳоб Раҳмонов**

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Жонибек Субҳон

Масъул муҳаррир: **Ваҳоб Раҳмонов**

Б $\frac{4702620102-24}{М352(04)-2005}$ – 2005

ISBN 5-635-02331-2

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 й.

ДЕБОЧА

Мирзо Абдулқодир Бедил — қиёси йўқ шоир, мутафаккир ва жамиятшунос олим, ўзига хос файласуфона қарашлар соҳиби бўлган инсондир. Асли Шаҳрисабзнинг барлос уруғидан бўлган шоирнинг ота-боболари Ҳиндистонга кўчиб бориб, ўша ерда турғун яшаб қолишган. Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳри яқинидаги Патнада 1644 йилда ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган Бедил 1720 йилнинг 5 декабрида Деҳлида вафот этади.

Отасидан етим қолган Абдулқодир онасининг қўлида тарбияланади. Унинг билим олишга бўлган чанқоқлигини сезган амакиси Мирзо Қаландар билан тоғаси Мирзо Зарифнинг яқиндан ёрдами туфайли саводини оширади, араб тили грамматикасини, ҳинд ва урду тилларини, сўфиёна қарашларни ўзлаштиради. Унинг тинимсиз интилишлари ва изланишлари ҳатто ўн ёшида ёзган илк рубоийларида яққол сезилиб, атрофидагиларни ҳайратга солади. Олтмиш ёшга борганида ёзган «Чор унсур» асарида ўзининг ҳаётига, таржимаи ҳолига ва дунёқарашига оид фикрларини баён қилган.

Йигирма ёшида биринчи марта шеърларини жамлаган Бедил умри давомида кўп йўлларни босиб ўтди. Халқ ҳаётини яқиндан ўрганди, замон эврилишлари ва мунофиқликларини кўрди, буларни ўз ижодида акс эттиришга, инсонларни доимо юксакликда, иттифоқлик ва меҳр-мурувватлиликда бўлишга чақирди, бу туйғуларни гоҳ ошкор, гоҳ киноялы, гоҳ ташбеҳлар воситасида қалбларга етказишга ҳаракат қилди...

Ниҳоятда сермаҳсул, тинмас ва изланувчан шоир бўлган Бедил катта мерос қолдирди. Унинг «Куллиёт»ига киритилган асарларининг ўзи 130 минг мисра шеър ва 50 босма тобоқдан ортиқ насрни ташкил этади. «Тилсими ҳайрат», «Таркибот ва таржеот», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Ишорат ва ҳикоят», «Руқаъот», «Чор унсур», «Ирфон», «Нукот», «Ғазалиёт», «Рубоиёт» каби бир қанча асарлари мавжуд.

Энг долзарб жанр ҳисобланган рубоийлар ёзишда ҳам Мирзо Бедил катта меҳнат қилди. Унинг 3861 рубоий ёзиб қолдирганини айтадилар.

Бедил ўзининг олижаноб фикр ва ғояларини, оддий инсонларга бўлган меҳру шафқатини, ва айни пайтда, қабоҳат ва истибдоднинг жирканчлигини, эркин орзу ва хаёллар ошиғи эканлигини ўзининг «Комде ва Мудан» достонида маҳорат билан тасвирлаб беради. Раққоса Комденинг гўзаллигини ва унга ошиқ бўлиб қолган қўшиқчи ва чолғучи ёш Мудан севги-муҳаббатини бутун сеҳру жозибаси билан тараннум этган. Достон ҳақиқий севги, инсон қадри, истеъдоднинг мислсиз қудрати ҳақидаги гўзал асар бўлиб, у ҳар бир авлодни шундай юксак туйғулар, ишққа садоқат ва гўзалликка тан бериш сари илҳомлантираверади. Бедил ижодининг буюк қудрати ва умрбоқийлиги сири ҳам шундан бўлса керак.

Форс-тожик муттоз шеъриятида Бедилнинг ўзигагина хос бўлган, заррада олам маъносини беришга интилган ва бунга кўпинча эришган шоирнинг кўпгина асарлари ҳар ўқилганида янги қирраларини кўрсатаверади, янгидан кашф этилаверади. Халқимизнинг бу буюк ватандошимизга бўлган меҳрини унга берилган «Абулмаоний» — «Маънолар отаси» деган фахрли лақабининг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Муттоз Шарқ шеъриятининг биз катта ифтихор билан атайдиганимиз — Бедил чаманидаги анвойи гуллар дунё тургунича ўзининг тенги йўқ муаттар ҳидини сочиб тураверади, иншоолло!

Жонибек Субҳон

ҒАЗАЛЛАР

* * *

Бўлибдир ғамга ошён маскани дил,
Шу боис ғам келур, сўрсам: қани, дил?

Кўзим мақсуди васлинг-у, қани кўз,
Дилим ёди ғаминг, аммо қани дил?

Адашган корвонга қўнғироқчам,
На куйлар куйламасдан нолани дил?

Киши йўқдир кишига зору муҳтож,
Вале дил тутганидир домани дил.

Қадам қўйганда хоки турбатимга
Бўл огоҳким, оёғинг босгани дил.

Агар-чи сувратим Бедилдир, аммо
Қилур бошдин-оёқ ашким мани дил.

* * *

Заҳм ўлди яна чашми пуроб ўлди, бизим дил,
Рангин қадаҳ ичра қон шароб ўлди, бизим дил.

Гулбоғу чаман фаслида тош ўлса у кўнгил,
Дашт узра ғубор ўлса-да, об ўлди, бизим дил.

Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибдур,
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди, бизим дил.

Не ҳосил, аё нола, бул оташ нафасингдан,
Қон бўл, сени деб бўйла кабоб ўлди, бизим дил.

Бир чашма-ку тўфони хаёл ичра бу олам,
Бедил, на илож, эмди сароб ўлди, бизим дил.

* * *

Паришон хотирим деб ғам яралмиш,
Яна чашмим туфайли нам яралмиш.

Қилур мавж гавҳару оина жавҳар,
Ажаб, беорзу дил кам яралмиш.

Атарлар ғунча поймолини гул деб,
Не ҳол, шодлик аро мотам яралмиш.

Сабо тўзғитгудек бир кафт тупроқ
Қўшилгач қон ила, одам яралмиш.

Қошимга келса гар фармони таслим,
Эгилгум, қошим асли хам яралмиш.

Агар хешлик учун пайдо бу олам,
Менинг кўнглимга кўнглим ҳам яралмиш.

Дилнинг дардига йўқдир чора, Бедил,
Бўлиб соҳибмуҳр Ҳотам яралмиш.

* * *

Ишқ доғи каби нурга ниқобдир, юрагим,
Ойина каби дард ила софдир, юрагим.

Ҳар лаҳза бир ухлаб яна тез уйғонадур,
Ҳар дам иши роҳат ва азобдир, юрагим.

Мавжланганидан ким ани сарчашма демиш,
Сарчашма эмас, асли саробдир, юрагим.

Паймонаси лим тўлди бўлиб пайдо шаҳд,
Мулкингда умрдоши ҳубобдир, юрагим.

Кел!.. Ўт бер, алангамни томоша айла,
Лов ёнмаса, умри не ҳисобдир, юрагим.

Сен сўрадинг, бердим юлиб кўксимдан,
Лаълинг бу савол, унга жавобдир, юрагим.

Шабнам каби сув оламидандир гоҳи,
Гоҳ мисли қадаҳ ичра шаробдир, юрагим.

Умрим неча дам? Тинмай урар билмакка,
Чин касби саноқ, кори ҳисобдир, юрагим.

Умримни хаёл этсам, ҳеч йўқдир самари,
Ёнғин нафасим, шунга кабобдир, юрагим.

Кўз-кўз қиладир дарё пуфакларни неча,
Васл кўзгусиман, аммо ҳижобдир, юрагим.

Тош ойинаву, томчи гуҳар бўлди, бироқ
Афсус, ҳамон хонахаробдир юрагим.

Минг томир ила чирмади ғафлат, гарчи,
Бедил, неча ҳикматга китобдир, юрагим.

* * *

Ёд этиб шавқингни, синган хаста диллар шоддир,
Шиша дилларга бу чил-чиллар муборакбоддир.

Оҳ ва кўз ёшим эгиз, мен бир ажиб миробман,
Шу шамол, бу сув билан дард боғларим ободдир.

Ғафлат ичра мен ҳаётни меҳрибон билдим ғалат,
Ҳар дамим қўш тиғли ханжар, умр эса жаллоддир.

Ҳайратим оғзи метин, юмшоқдир ундан тоштухум,
Фолбоқар ойнам синиб, бунданки у зурёддир.

Умр қушим парвози тинди шиша кўнглим ичра, оҳ,
Тип-тиниқ ушбу қафаснинг соҳиби сайёддир.

Зору муҳтожмиз агар-чи, биз қаноат бир-ла бой,
Ташна дил қонғайму ҳеч, дунё сарободдир.

Бўлди булбул нозга тутқун, ҳолбуки, бир урса пар,
Кўркиданмас гул, ўзидан ҳам ўзи озоддир

Ақлу ҳуш жоми синиқ, ундан саломатлик оқар,
Телбалик роҳат яратмакда ажиб устоддир.

Васл оқшомида исфандлар не хуш чарсиллади,
Ишқни мадҳ айлаб куйибдурман, бу — бир исботдир.

Кўп улуғ тушларга лоқайдмиз, нечунким, ўнгда ҳам
Ухлагудек дамда бир дунё, ахир, бунёддир.

Биз Хито — нақш ўлкасин кезсак, оёқнинг излари
Мўйқаламдир гўиё, сурган ажиб Беҳзоддир.

Сурмалар бахтлар қаросиндан нишон киприкдаги,
Ишқни кокиллар сезиб тўлғанди — жим фарёддир.

Кекса бу жонимни ковлаб, бахт йўлин очдим, не бахт,
Қомати ёй, чунки Бедил, тешаи Фарҳоддир.

* * *

То туғилдим, ҳар қулоғимга мудом афсун керак,
Дил тил олганча чўкиб ётмоқни истар — хун керак.

Ишқ балоси ҳусн бахтига ҳамиша зордир,
Лайлининг ноз базмига албатта бир Мажнун керак.

Эҳтиёж бор этди йўқликдан жаҳонни, дўстлар,
Қилгали жо дилга ҳиммат, янграган қонун керак.

Кетмагай дуд ҳеч ёлингдан, кулга гулхан дўнмайин,
Гўиё ювмоққа уст-бошим кирин, собун керак.

Ваҳмга таслим ақл бор-йўқни фарқлаб билмагай,
Нокераклар кеча ўртаб, бўлдилар бул кун керак.

Тўкмасинларми юлиб маржонларин киприкларим,
Оҳ, ёшурмоққа наҳот шундай гўзал мазмун керак.

Тонг бу — борлиқнинг жаҳонда бир дамидир бедахл,
Бир нафас дийдор учун борликка бул гардун керак.

Эҳтиёж иншо этиб жаъм қилди тарқоқ сўзимиз,
Ҳарфи номавзунимиз, чун бўлмоғи мавзун керак.

Бенафасликка гирифтор Бедилинг қабр аҳлидек,
Чун ўлим занжирдур, занжир учун мажнун керак.

* * *

Ёниқ матлабларим бергай оловга достонларни,
Бўяр қонға мурод-мақсадларим барча баёнларни.

Асл манзилга етмасдан, қолиб кетдинг, бўлиб ман-ман,
Жаранглардан топиб киргай қароқчи корвонларни.

Шовуллаб турган ўрмон сирларинда, айт, не ҳасрат бор
Ки, қушлар кўзёши гирдобға берғай ошёнларни.

Юракдан гардларинг арт, то тириксан, интизом бахш эт,
Ахир, файзи бўлак тартибга солмоқнинг дўконларни.

Лабинг дилни олиб, мендан мийиқлар жон сўрайдирлар,
Ёмон ўргатди ўғринг порага бул посбонларни.

Сен олган ҳар заиф дамдан умр бўйи сўниб келди,
Мозорларга шаъм этма вақт елинда устихонларни.

Ютиб келмоқда сен турган қирғоқни аждаҳо тошқин,
Қайиқни синдиру, соғ кет, йўқотдинг бу маконларни.

Кўзингнинг ёшлари юлдузларин янчиб кунингни кўр,
Тегирмон айлаб айлантирди оҳинг осмонларни.

Ғазаб аҳлин тийиб турғил сеҳрлаб сен одоб бирлан,
Ки, ўқлар қошида кўр таъзим этган бул камонларни.

Жаҳондир хомхаёл ошхонаси, армонни еб тўйдим,
Нечун тинглай совуқ тандирдан оққан бошқа нонларни.

Мен ожиз саждаман, айлаб тавоф, сўнг манглайим бирлан
Нақш қилдим шамолга хоки бирлан остонларни.

Қараб ёр, тинглай бир кун, етар, бас, жим бўл, эй Бедил,
Мен ойна бағрига жо айладим фарёд-фиғонларни.

* * *

Токи чаман томонидан бўйи баҳор, етиб келар,
Ўзни нетиб ёд этайин, номаи ёр, етиб келар.

Икки кўзу битта лабин жуфт этадир қаддима ёр,
Тўрт беадаб рақам билан минг ифтихор, етиб келар.

Шодлигу ғам доғларини масхара қилгали кулиб,
Бағрида доғ, ханда қилиб, у лолазор, етиб келар.

Очдим аза, йўқолди йўл дашти адам қучоғида,
Тонг, ёритиш учун йўлим, сийнафигор, етиб келар.

Куйди юрак сипанд бўлиб, чиқди нафас баланд бўлиб,
Сен йўнилиб, сўнгра қўлим сенга, дутор, етиб келар.

Жим ўқигил бу маърифат китобини, аё, азиз,
Қилсанг овозингни баланд, бошинга дор, етиб келар.

Танг бу тириклик ичра халқ юпанди сўзу соз билан,
Йўқ эса ҳар нафасда бу дилга фишор[1], етиб келар.

Шодлигу бахтимизга қўл етмаги кўп қийин бизим,
Чиқса агар хумордан у, тағин хумор, етиб келар.

Дағдаға қилма қудрату ҳусну тароватингни ҳеч,
Тонггача шаъм сўнар, ахир, фахринга ор, етиб келар.

Синган оёқ қачонгача ҳақ талабин қилар адо,
Икки кўзим юзимга, оҳ, топиб мадор, етиб келар.

Оҳи ҳазини қақратиб қўйса азизлар лабини,
Беринг хабар, ёш тўкибон Бедили зор, етиб келар.

---

[1] Фишор — босим (*физик истилоҳ*).

* * *

Кўзарингга, тенгсизим, бўлсин фидо майхоналар,
Гоҳ қуриб, гоҳ тўлғуси имонг билан паймоналар.

Ошиқ ўз қалбини ёқмоқ пайти чақмоқ олди ўт —
Шаъм аланга олгани пайт куйдилар парвоналар.

Ишқ-жунун саҳросида эсди довуллар айланиб,
Сочларин бир ҳилпиратсинлар дебон девоналар.

Ишқимизнинг қадри йўқ дилдан чиқиб бўлган баён,
Бой бериб ганжин, ҳувиллаб қолдилар вайроналар.

Меҳримиз берди оловга бир тароқ дўконларин,
Сочларин қандоқ тарар энди бизим жононалар?!

Шаъмга дил дардимни айтиб турганим пайт келдию,
Уйқу ухлаб қолди, тинглаб тонггача афсоналар.

Қаҳр қаҳ-қаҳлаб тишин қайрар ҳасадинг бетида,
Сабр этар тишсиз қилич жим-жит, бўлиб мардоналар.

Номувофиқ бўлса аҳли анжуман бўлгай хароб,
Жам эмасликдан сочилгайлар бошоқдан доналар.

Шарми бўлса, бир-бировга кўз олайтирмасди эл,
Суқ кириб, шатранж ўйин майдони бўлди хоналар.

Токи бор имкони, Бедил, қил замон аҳлини тарк,
Тутмагай одамни дўст ҳеч бу ҳаёбегоналар.

* * *

Зор қанот қоқсамки, бехудлик аён, бўлғусидир,
Бу билан исён эмас, ҳолим баён, бўлғусидир.

Бир қадам ҳам беҳуда кетмас агар ҳуш изласак,
Йўқса, тош, ғафлат босиб, биздан нишон, бўлғусидир.

Бўл фақир сен хокисорлик бирла, охир бир куни
Бир ҳовуч хокингга ел тахтиравон, бўлғусидир.

Гар худосизларга қолса ушбу уммонлар куни,
Парчаланган барча елкан, кема қон, бўлғусидир.

Ваҳму туҳмат ғам балоси бирла ҳар кўк барҳаёт,
Болу парнинг кўлкаси тоғ деб гумон, бўлғусидир.

Қанчалик ҳуркитмангиз, бахт қушлари мижжамдадир,
Минг қанот бир кипригим ичра ниҳон, бўлғусидир.

Гар аён айлай десам ожизлигим, ожиз тилим,
Кўзларим фарёд чекар, бу не фиғон, бўлғусидир.

Авжланиб ваҳшатли суҳбат бўлди ҳар тил бир олов,
Аҳли корвон ёққан ўт ҳам корвон бўлғусидир.

Мангу бир роҳат шудир, жаъм бўлса уммид-ихтиёр,
Тўпласа қуш парларин гар, ошён, бўлғусидир.

Ҳар недан кечмакка, Бедил, арзигайдир ҳақ йўли,
Бир юкинг бўлса бу йўлда минг довон, бўлғусидир.

* * *

Эй фазлу камолоти аёнлар ва ниҳонлар,
Мани нафас маҳв этади, сўзни — забонлар.

Тузмакчи эдим шода қилиб гавҳари васлинг,
Шарт узди нафас торини ёнган у фиғонлар.

Хок бўлди, бироқ бўлмади ҳеч маҳрами дийдор,
Кўз кўзгусига тўлди шу боиски тўзонлар.

Ёҳу дея тўкмакчи эдим ўзни қадаҳга,
Лов ёнди нафас, қайнадилар қалбдаги қонлар.

Саждангни кўриб шиддат ила тўхтаган ўқман,
Отган эдилар, ҳолбуки қудратли камонлар.

Ҳар мўй бўлиб тил сенинг васфингни ўқир шод,
Ҳар ҳарфинг ила хатту савод чиққан ҳамонлар.

Йўқлик чангининг тошқинимиз, оби бақомас,
Сув лойқасимиз, бизни дегиш[1] олгани онлар.

Майдон уза не тилни тилиб елди қалам, айт,
Минг йўртса-да у, ноқис эрур барча баёнлар.

Учқун каби осмонга учиб сўндиму билдим,
Кенгликка само зор, фурсатга — замонлар.

Ёнғин нафасинг, Бедил, уни сотса бўлурми,
Ҳайратда қотиб, тахта бўлиб қолди дўконлар.

[1] Дег и ш — кучли сув оқимидан дарё ўнг қирғоғининг муттасил ўпирилиб туриши.

* * *

Ёниқ дил гавҳари ё қатра-қатра ноб, шабнамлар,
Ё кўзёшдек жаҳон сирри ниҳон, ноёб, шабнамлар.

Ки ғафлат зулматин огоҳлик нурига жам қилмас,
Саҳар бедор ёнар милт-милт, ютиб зардоб, шабнамлар.

Қаерга бормайин, кўзёшларим менга ватан бўлди,
Жаҳонни қатралардан айлади селоб, шабнамлар.

Ўзингдан кетма дардингга бўлиб мағрур, кўзим ёши,
Ки сутдек нурларин қилди бу тун маҳтоб, шабнамлар.

Ажабмас кўзёшим бўлса агар жононима манзур,
Не янглиғ, оҳ, чарақлар, кўрса гар офтоб, шабнамлар.

Тизилди минглаган кўз гавҳари рухсори ойимга,
Қаторлашган каби гулбарг уза шаффоф, шабнамлар.

Зулумот пардасин олғай сиғиб ҳадди, улардан тонг,
Мени дилхастани қилғай батар бетоб, шабнамлар.

Юзи гуллар висолида кўринмас бахт нишони ҳеч,
Шу боис лолалар бағридадир хуноб, шабнамлар.

Заифлик тавқи бўйнимда, ки юксакликка дахлим йўқ,
Оёқ остида минг юлдуз каби сероб, шабнамлар.

* * *

Сенсиз ташланса боғга, кўзёшли нигоҳ, сувда,
Мен бир ойина янглиғ... қолган каби боғ, сувда.

Ҳуснингдан ҳижоб айлаб кўзгу бўлмасам бўлмас,
Қуёшга боқиб бўлмас ул бўлмаса, оҳ, сувда.

Инжу-инжу тер терлар баҳор тонги чаманда,
Ютиб барин бош эгган гуллар бегуноҳ, сувда.

Табассум қилганигда ўғрилар кўрди лаълинг,
Лаълинг — Зуҳро, қўл етмас, шундан жигар доғ, сувда.

Эй омонлик истаган, олдингдадир минг офат,
Соҳилда ўт ловуллар, кеманг-чи қироғ — сувда.

Оламнинг ҳар ашёси бир дилга дўнсам дейди,
Ҳар қатра орзу айлар бир кун дур бўлмоғ, сувда.

Дунёдир чексиз уммон, дуррин жунбушда излар,
Билмаски дур ўзинда, билмаски дур, оҳ, сувда.

Истарсан даҳр ичинда лочин мисоли парвоз,
Кеч бу ҳавасдан, ғофил, сен бўккан бир зоғ, сувда.

Шарм аҳлининг фарёди келмакда қулоғингга,
Ниқоблари йиртилган пуфакдир, андоғ, сувда.

Руҳни ўлимдан ўзга поклантиргувчи йўқдир,
Шундан юлдузлар милт-милт, шундандир сабоҳ, сувда.

Надомат бирла терлаб бормоқдадирмиз олдга,
Мисли сувдек гоҳ ерда, мисли тўлқин гоҳ, сувда.

Ғафлат аҳли беқарор, феълинда ҳеч сабот йўқ,
Мисли шаъм толесидек алангада, ёғ, сувда.

Бедил, сени ўйламай ишққа ғарқ икки дунё,
Ким ҳам қайғурар тузни чўкиб борар чоғ, сувда.

* * *

Шарҳ этиб мавж борлиғин, дарёда туғён, ҳар нафас,
Жам руҳим фош, гўиё қўйнимда райҳон, ҳар нафас.

Чиқса гар қандай довон йўлингда, шарт ўтмак ошиб,
Айласин эртангни бу кун, майли, пайҳон, ҳар нафас.

Матлабингга етмаганлик дардидан сен тўкма ёш,
Тўксанг ҳам ҳаттоки тер, хижлатда, ул қон, ҳар нафас.

Ушбу борлиқ бир китоб, сен айла банд шерозасин,
Тонгга боқ, йўқликни жам айлади ҳар он, ҳар нафас.

Дард эрур ишқ, оташинда бир бўлак иксир бор,
Сен бу ўтда, борлиғим, бошдан-оёқ ён, ҳар нафас.

Сенга қурбон хоклар гар чексам оҳ, тўзғиб кетар,
Бир оёқ боссам фиғон тортгувчи минг жон, ҳар нафас.

Ўз-ўзингдин қилмайин ваҳм, журъат эт, ўтгил кечиб,
Сен ўзингга сен ўзингсан мисли уммон, ҳар нафас.

Гулларидан парларимга нусха гар олмас эсам,
Устидан учмоққа қўймас ушбу бўстон, ҳар нафас.

Беватан мажнун эрурман, бўлмишам саҳро аро,
Оҳуларнинг кўзи ичра зору сарсон, ҳар нафас.

Бор назокат, бор сеҳр биллур қадаҳ ичра ниҳон,
Қўй, халал берма тамошоларга, мужтон, ҳар нафас.

Дўндирар ўз кулфатин толега, Бедил, аҳли дард.
Сурма қилгум сенга дилдоғимни, жонон, ҳар нафас.

* * *

Ики кўз ғабҳарингдан ком олурман,
Ики дунёга жуфт бодом олурман.

Гадодирман ғаразсиз, шафқатингдан
Ялинмасдан тилиб, инъом олурман.

Сенинг базмингда ухлабман, бу ҳам бахт,
Оёқ қўй бошима, илҳом олурман.

Бўлиб мажнун машрабларга улфат,
Урарман тошга шиша, жом олурман.

Мусаффолик ҳар қатра теригдан
Саҳар шабнам каби андом олурман.

Айиқ нафсимни боғлаб, овлаб анқо,
Охир мен хомхаёл деб ном олурман.

Садоқат ва меҳр майдони ичра
Шаҳид бўлдим, абад... ором олурман.

Аёнсан, ҳеч қиё боқмайди олам,
Хавотир бундан ҳар айём олурман.

Солиб, Бедил, ўзимни билмаганга,
Ҳама васл истаса, пайғом олурман.

* * *

Ҳақ дебон дил макрин эл боринча имкон тўксалар,
Томчидек гавҳар учун, майлига, уммон тўксалар.

Жилва айлар тўрт фасл гулшан, агар булбуллари
Тинмай ҳар чаҳ-чаҳда бир-бир қатрадан қон тўксалар.

Тўлдириб ташлар тиканга интизорлик боғини
Ёш этиб киприкларинг гар аҳли ҳижрон тўксалар.

Лолалар қотил бўлиб туҳматга қолмай дейдилар,
Ҳар баҳорда сачратиб қонимни ҳар ён тўксалар.

Нега ишқ меъморлари таъмир этар дил қасрини,
Ўзлари қурган заҳот вайрон-вайрон тўксалар.

Аҳли ишқ бўлғай мусаффо ишқ ўти-ла, чўғларин
Гар этакларга ҳайиқмасдан-ки бир он тўксалар.

Айб бўлар айб этсангиз андишаси йўқларни гар
Ўзлари обрўсин айлаб абри найсон, тўксалар.

Саждагоҳдир ҳиммати аҳли фанонинг, бош қўйинг.
Ерга тупроқ айлаб ўзни, ҳар маҳал жон тўксалар.

Шабнамин бермас текин ушбу чаманда кўзларим,
Сарф бўлар минглаб нигоҳ, бир дурри ғалтон тўксалар.

Дард қушинг учди вужуддан, бош-оёқ ёнғин кўриб
Ўт қўйиб мисли қамишзорларга гирён тўксалар.

Қалтирар қўл тийғ тутишга қатл учун, бергай мадад
Қонларимни пирпираб ҳар битта мужгон, тўксалар.

Фахр этиш-чун қайда лойиқ бош, қўйиб остонига,
Ўтганида терларин гул юзли жонон тўксалар.

Фахр этарлар сажда айлаб шундайин остонага
Бош қўйиб манглай терин чин аҳли инсон тўксалар.

Йўқлик ҳамёнидан ҳеч тушмас умр нақди, далил —
Йитмагай, уйдан нени элтиб биёбон, тўксалар.

Чок-чок Бедилнинг ҳар чокин қилиб минг чок, не тонг,
Гулфурушлар субҳидам хандон-хандон тўксалар.

Чин камолот ихтиёр қилмоқчиман,
Яъни йўқлик ошкор қилмоқчиман.

Кўп чигал борлиқ ўриш-арқоқлари,
Мен нафас-ла тор-тор қилмоқчиман.

Ҳам олиб қанча сифр йўқликдан, оҳ,
Бир ўзимни, чун, ҳазор қилмоқчиман.

Ҳеч киши бермас жавоб, сўрсам савол,
Тоғ аро фарёди зор қилмоқчиман.

Дард доғидан баҳор бўлғайму деб
Лолазорга эътибор қилмоқчиман.

Ўтса ўтсин, майлига, гул фасли, ёр,
Бир қадаҳдан минг баҳор қилмоқчиман.

Топмагунча дилда муштоқлик камол,
Мен висолни интизор қилмоқчиман.

Фарқи йўқ, дўзахми-жаннат манзилим,
Ёд Сизни, гулъузор, қилмоқчиман.

Бир гуноҳим афв этишга арзимас,
Арзитай деб, қайта бор қилмоқчиман.

Ўтди юз қат осмондан орзу,
Унга ўзни мен дучор қилмоқчиман.

Бўлмаса ибрат далили даврамиз,
Шаъм ёқиб, сайри мозор қилмоқчиман.

Ўз таним тупроғини йўқликка хат
Битгали мен бир ғубор қилмоқчиман.

Васл йўқ, чун, икки оламдан кечиб,
Энди узлатни қарор қилмоқчиман.

Осмон бир юзтубан бечорадир,
Мен не чора; мен не кор қилмоқчиман.

Етди вақт, Бедил, ўзимдан мен қочиб,
Суҳбатимдан энди ор қилмоқчиман.

* * *

Ғамларимни оҳ, қилиб таъсир, равшан айлагай,
Шаъм торин тунлари тақдир, равшан айлагай.

Тонг шамолидан ёнибдур боғ аро юз минг чароғ,
Ҳар ярони шундайин шамшир, равшан айлагай.

Бу жаҳоннинг назму насрин ёритар тонг шуъласи,
Соч қаросини оқартиб пийр, равшан айлагай.

Мотам аҳлин давраси жим қалдин этган ҳалқадек
Шаъм чекиб дод, кўрсатиб занжир, равшан айлагай.

Аҳли ишқ ғавғо солиб ёққан баланд гулхан билан
Кўзларин ўрмон ичинда шер, равшан айлагай.

Мисли тўлқин йўқлиғимдан борлиғим бунёддир,
Маънилар вайрониман, таъмир, равшан айлагай.

Кечгил овнинг матлабиндан, чун умид саҳросини
Бил, чақин, кезсин дебон, нахжир[1], равшан айлагай.

Чақнашинг, эй учқуним, соғлиқ-омонлиқ жилваси,
Борлиғим, борлиқ толиб тадбир, равшан айлагай.

Бул яро — фонусда йўқ, Бедил, омонлиқ нури ҳеч,
Шаъм — бошоқ ўқин этиб тақрир, равшан айлагай.

[1] Нахжир — қулон, кийикнинг отга ўхшаш бир хили.

Кибр ила мардлик ғурурин юки барҳам бўлғуси,
Токи манманлик зиёд, шарму ҳаё кам бўлғуси.

Хом сут эмган, на илож, эл оғзига тутманг элак,
Мулзам этмак истаганлар элни, мулзам бўлғуси.

Ўтди айём, этмагай ор энди халқ тақлиддан,
Сал қўйиб берсанг-чи, ҳар тош Исо, Марям бўлғуси.

Ниш урар мажнун хаёл, илдиз ёйиб найранг қилар,
Тортса бош буғдой агар жаннатдан, одам бўлғуси.

Шаъм ёниб куймак билан ҳам равшану ҳам доғдир,
Дилда ҳам шодлик ва ғам, тўй ҳамда мотам бўлғуси.

Изламанг ишқни қуруқ гап — сўздан ҳеч, огоҳ бўлинг,
Бирга туғён қилса жуфт дил, икки олам бўлғуси.

Тенг тарозудир адолат, эй фақир, қўл урмағил,
Ҳурматингга оғса бир ён, неъмати кам бўлғуси.

Мисли тасбиҳ шодасиман, кечса бир донам агар,
Бошқа донам ўтмагининг навбати ҳам бўлғуси.

Феъли поклар хислатин ўзгартар, айнитмас фано,
Пахта ҳам куйгач, жароҳатларга марҳам бўлғуси.

Ишқ аро дийдор ҳаёси бунчалар залворлидир,
Кўзлар очилган заҳоти, мижжалар хам бўлғуси.

Кўп ғанимат англабон гул васлини тонг дастидан,
Барча шабнам дод чекиб, кўз ёш каби нам бўлғуси.

Ҳақ-адолатдан кечиб, нафс йўлига кирган киши
Беҳуда ичган қасам бир кун келиб сам[1] бўлғуси.

Тиймасанг тилни, замон маддоҳларининг мадҳидек,
Бир совуқ ел тарзида, Бедил, сўзинг жам бўлғуси.

---

[1] С а м — заҳар.



* * *

Ишқ аҳли агар тасбиҳу зуннор, ёзурлар,
Ҳар дилни дебон дона, гирифтор, ёзурлар.

Ҳақ фаҳмини такрор қилиш шарт эмас асло,
Пуркабки олов сафҳага, якбор, ёзурлар.

Киприклар ила таҳрир этиб, бизга пинакда
Мактубларини, оҳ, неча дилдор, ёзурлар.

Чок-чок бу юрак шарҳини кескир у қаламлар
Бил, зор ёзурлар, ки не миқдор, ёзурлар.

Билмам, шошилиб дўстга не элтгуси чопарлар,
Кўзгумиди мактуб, нега дийдор, ёзурлар!

Минг мўъжизадан дафтар очар умри абадлар,
Ёр, сарви қадингдан токай рафтор, ёзурлар.

Зулфингдан умид мактубидир қон бу юракка
Хатларни тугун бирлаки, гулнор, ёзурлар.

Чун, ажзга паноҳ қанча заиф қомати бирла
Хок узра неча ҳарфни алифвор, ёзурлар.

Саҳфам-ку ғариб, унга шараф нақшини аммо
Ким ёзмадилар ҳам яна бисёр, ёзурлар.

Пештоқи парихонага манглай битигимни
Сир деб кўчириб, бунча улуғвор, ёзурлар.

Фарёди тиниб аҳли қафас учса фалакка
Минқорлар ила шарҳи дилин зор, ёзурлар.

Афв этгучи покиза қаламлар қилибон шарм
Не қилсам агар, они нигунсор, ёзурлар.

Дардимни баён айлагучи, айт бу не ҳужжат,
Қабримга менинг, деб, дили бемор, ёзурлар.

Тош остида миннат чекса ётгум то қиёмат,
Устимга агар сояи девор ёзурлар.

Тун мисли пешонанг қаро, Бедил, ки бу сирни
Бил, кун каби равшан дея, ошкор, ёзурлар.

* * *

Оҳ, жилвасини анинг ниқоб, сотар,
Бир роҳатга ўхшаган минг азоб, сотар.

Кўз-кўзлама кўлмак узра пуфагингни,
Киссамда денгиз бор менинг, ҳубобсотар.

Ҳадиксираб титрар шабнамлар милт-милт,
Боғ, уларни қилиб гулоб, сотар.

Кўзларим гоҳ ғафлат, гоҳ ҳайратдан юмуқ,
Бахт тўласанг, жаҳон изтироб, сотар.

Минг ҳунар бирла тўқиган ипакларимни
Олиб у, бир қатра шароб, обсотар.

Ёниб-ёниб турар ғамсевар бу юрак,
Кўп ташна бўлди харидоринг, обсотар.

Жигарлар доғи қадрини не ердан билурсан,
Бор, дўконингдан қолма, эй кабобсотар.

Мафтун бўлиб эрдим бир қуёшчеҳрага,
Мени ер қилиб ул, офтоб, сотар.

Бахтига қаро ранг сингиди Бедилнинг,
Бўёқфуруш унга сароб, сотар.

* * *

Жунун айт, қайдасан, вайрона қайда,
Қуруқ чўпман, бир оташхона, қайда.

Чарақлатдинг, ки, зорларнинг чароғин,
Қани, кул бўлғучи парвона, қайда.

Уялдинг ўзгадан, қўрқдинг ўзингдан,
Ўзингдан кеч... кейин бегона, қайда.

Қуруқ довруқ таратмиш ваҳм — чўпчак,
Ўзинг афсонасан, афсона, қайда.

Жаҳондир бир юмуртқа, мағз—ўзинда
Ани излашга ўзга хона, қайда.

Қафас кўксимда бир қуш бор, илож не,
Юракдан сув тутарман, дона, қайда.

Ўйингда манзилу, Бедил, йўлинг йўқ.
Хаёл қил, Каъбаю бутхона, қайда.

* * *

Фоний бўлсам-да бақо, шул ердадир,
Бахту кулфат мутлақо, шул ердадир.

Ўз дилимни тарк этиб кетгум қаён,
Бор умид: бор муддао, шул ердадир.

Ғам матоимдир, дўконим саждагоҳ,
Кетма саргардон, зиё, шул ердадир.

Бўлма ғофил йўлларингнинг чангидан,
Кўзларимга тўтиё, шул ердадир.

Ғунча дилни этма тарк, энг хушчирой,
Энг муаттар ошно, шул ердадир.

Покдил, хуррам яша борлиқ аро,
Гарчи ҳусни бевафо, шул ердадир.

Йўқ бунингдек фазлу нуқсон, изла минг,
Минг саодат, минг бало, шул ердадир.

Тонг ели тўзғитди хок... сен беҳуда
Бўлмагил мағрур, ҳаво, шул ердадир.

Зорман, дийдорга элтар корвон,
Қўнғироғидан садо, шул ердадир.

Кетди дўстлар, ўп оёғи изларин,
Ассалому алвидо, шул ердадир.

Етгали васлингга Бедил дод этар,
Додига етгил, нидо, шул ердадир.

* * *

Кўз ёшларимни мижжаларим шитоб, тўкар,
Ҳаё дарди юзимга менинг гулоб, тўкар.

Умр ўткинчидир, қолма бу сабоқдан бехабар,
Ҳар лаҳзада бир варағини бу китоб, тўкар.

Доғ бўлган дилнинг зорларидан ғам ема,
Сувларин нафасинг бу ойинага беҳисоб, тўкар.

Жаҳон жилваларин ғубор билган бир гул
Қонимни ғунча каби, кийиб ниқоб, тўкар.

Чаман гулбунлари уйқу аралаш боқиб гўё,
Хаёлимга нигоҳ — гулларини, бериб азоб, тўкар.

Чақноқ нигоҳу кўзёш ила баён бўлди ёнган дил,
Уммон яшин ҳамда ёмғирлари билан изтироб, тўкар.

Ўздан кетмак ила навбаҳор бўлур ошиқ дили,
Кўринмай, тонг нурларини офтоб, тўкар.

Омонлиқ майини тама қилма фалак шишасидан,
Фитна тошларини ёғдирар, десанг сероб, тўкар.

Беқарорлиғимдан ўз борлиғим селиман ўзим,
Кўз ёш ҳам ўзини ўзи равону пуроб, тўкар.

Пуфакдек ёриларсан ўз нафасингдан ўзинг, Бедил.
Сўз айтмаслик гуноҳингни сенинг, бериб азоб, тўкар.

* * *

Ойина каби неча табу тобдир дилимиз,
Чун доғи жунун шуъланиқобдир, дилимиз.

Кўзгу каби бир умр хаёл базми ичинда
Ҳасрат кўзида бир мижа хобдир, дилимиз.

Бизмиз ва нафас мавжи фирибгардиру ботил,
Сарчашма[1] демангизки саробдир, дилимиз.

Паймонамиз тўлгуси ўшал лаҳзаки шодмиз,
Базмингда бир ҳамзарфи[2] ҳубобдир, дилимиз.

Оташ қўю бетоблигимизни кузатиб тур,
Куймакдин уза охир не бобдир, дилимиз.

Лаълинг чу жон олди, кўнгил кетди иликдан[3],
Яъники саволингга жавобдир, дилимиз.

Саршор[4] олов соғарининг журъакашимиз[5],
Сув оламида шабнаму софдир, дилимиз.

Недур бу нафас сўнги — саранжоми ниҳоят?
Бир умр тамомила ҳисобдир, дилимиз.

Беҳосил уринмак ила ҳасрат самарамиз,
Андоққи нафас куйди кабобдир, дилимиз.

Дарёки ҳубоб[6] бирла неча жилва сотарди,
Васл оинасимиз, ҳижобдир[7], дилимиз.

Юз тош ўлиб ойина — ул юз қатра гуҳардир,
Афсуски ҳамон хонахаробдир, дилимиз.

Афсонанигордир то нафас торида титроқ,
Бедил, бу каманд домида хобдир, дилимиз.

---

[1] Сарчашма — булоқбоши; [2] ҳамзарф — идишдош, ҳамтовоқ; [3] илик — қўл; [4] саршор — лиммо-лим; [5] журъакаш — қултиллатиб ичувчи; [6] ҳубоб — сув юзидаги қўнғироқчалар, пуфакчалар (кўпик); [7] ҳижоб — парда, тўсиқ, чиммат.

* * *

«Ул» демагимиз ҳам, мену ҳам сенга зарурдир,
Андиша қилиб юрма. У бул ўртада йўқдир.

Танҳизу[1] кадар[2] ойинаси, айт, нечук ўй бу?
Қай ерда бутун[3] мунфаил[4] ўлмишки, зуҳурдир[5].

Афсоналаринг тутди ҳақиқатни билишдан,
Ғафлат ва жаҳолат асари — оташи Турдир.

Ёрлар, мени мажҳулнинг[6] талошидан қулингиз,
Ул мен ила, мен — дарбадар, оҳ, бу не шуурдир?

Ижод чамани субҳидами бирла қувонманг,
Зеро бу табассум уйи ҳангомаси шўрдир.

Ёрлар дами совуқлигини неча яширдик,
Дандонники совуқ урадир, ўртаси ўрдир.

Шахсдан неча тимсол ила сен топма тасалли,
Ранж чекмаса сайқалда агар, ойина кўрдир.

Хомуш эса ким — бош ила барг анда саломат,
Ҳар гаҳ агар тил бол ёзадир, ёнида мўрдир[7].

Кўп кибр нечун? Неча бу таҳқиқу бу тақлид?
Бул ҳаммаси ҳеч ҳосили йўқ ишқи ғаюрдир.

Бедил, сенга йўл топмадик ҳеч кавну маконда,
Ойина сароб эрдики, тимсолинг чуқурдир.

---

[1] Танҳиз — поклик, софлик; [2] кадар, кудурат — хиралик, тийралик; [3] бутун — яширин; [4] мунфаил — хижолат, шармисор; [5] зуҳур — ошкора; [6] мажҳул — эътиборсиз; [7] мўр — чумоли.

* * *

Қазо бош хатига уфқнингки қайси кун рақам урди,
Дедим: не манглайимга ёзилибдурки, қалам урди.

Оловдаги тақа нафасидан сиз ғофил ўлмангиз,
Қадамига, ки шамнинг бош то базм ичра қадам урди.

Нигоҳингга сенинг зулф сингари қаттиқ тегиб қайтдим,
Бу боғ фаввораси ғалвирга мисли бир алам урди.

Бу шодлик сози иқбол мажлисида бўлди чилпарчин,
Таниш жомни фалак-да Жам бошига чинданам урди.

Аҳли дарвеш шоҳи бўлган бу хийра бизнинг нигоҳким,
Ҳаққоний кўз ўнги пайдоси — гардларга ҳашам урди.

Ҳеч такаллуфларга мастлар заҳматин бермагил, воиз,
Жом лаби истамас демакники, майдан қасам урди.

Юз шукрки, тонг каби ҳеч қилмадик исрофчилик биз,
Гарчи бизда ҳам нафас бор, лек оинага кам урди.

Жаҳонда бор ажиб уйқу, не ҳосилдир лекин бундан?
Қилди шундай дил жунун, то нафасники адам урди.

Фарёд-эй, бу дилга бир топингани йўл тополмасмиз,
Ҳама кўр эшигида, бошини дайру ҳарам урди.

Сомонидан ҳубобимнинг бўлибди жиққа ҳўл иқбол,
То кўс шуҳрат учун янграрки, бил, уятда нам урди.

Не роҳат деб дамидан пирни киприк боғлайин, ё Раб,
У девор гўшаси бесоядир, қийшайди — хам урди.

Надоматдан, Бедил, мужгонларингдан ўқни ёғдиргил,
Этагингдан тутай деб истаганлар қўлни ҳам урди.

* * *

Амал найранги бир гули бақо бўлди,
Баҳор умидлари чин муддао бўлди.

Эмас бизга эътибор маҳрами у кас,
Оинамиз хаёли бериё бўлди.

Ҳама жойда ҳайрат наво ёндирадир,
Оинамиз ва акси бир наво бўлди.

Шодман, чунки менинг шаҳид ғариблардан
Захмнинг кулгани-ку, хунбаҳо бўлди.

Оёғинг остига шундоқ тўкканим қон —
Ҳайратлардан ўзи поймол хино бўлди.

У рангни мен ошкоро излаган эдим,
Ғунчани пардадек тўсган ҳаё бўлди.

Бўлмади исботи таҳқиқнинг дилим ҳам,
Оина ўз акси билан ошно бўлди.

Бўлиб жилванг маҳрами гар юролмадим,
Нигоҳинг қултуми заифнамо бўлди.

Фарёд, бизнинг бисмилломиз файзи ила
Мавждаги бор интилиш норасо бўлди.

Ашкнинг гул сочишида қон иси мавжуд,
Хоки бу тасбиҳимнинг Карбало бўлди,

Бу ҳавас шарҳининг ҳар ҳарфида бордур,
Нимаки менда йўқ, дахли бажо бўлди.

Дунё муродининг бошидан, эй Бедил,
Киши топгинки, дегил: беасо бўлди.

* * *

Агарки дил маҳви муддао айлар,
Мақсудимизни-чи, дил даво айлар.

Дард тамаъси етса мақсадликка то,
Ҳумоликка ҳар чивин даъво айлар.

Зулфи асрорин унинг маҳв этгани
Гул томири доми муддао айлар.

Гар видо этгум деса ҳирсу ҳавас,
Гавҳарин дил тугуни адо айлар.

Ваҳм занжирин кузатса гар ҳавас,
Ҳама саҳрою тоғни ҳаво айлар.

Касалманд оҳимиз эҳроми бугун
Ҳавомиз гардини асо айлар.

Агар восвос солар бўлса тугунин,
Осуда дил домликни ҳатто, айлар.

Бедилимиз камоли барқ урар гар,
Ой гардишин юлдузга ато айлар.

РУБОИЙЛАР

1

Афв эт халқдан келса яхши-ю ёмон,
Адоватдан қочиб, роҳат қил, инсон!
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қувилди шайтон.

2

Яхшилик, ёмонлик мўлу кўл бунда,
Қилмишинг ҳолидан огоҳ бўл бунда.
Қўлинг олур улким, қўлини олдинг,
Барчанинг фойдаси қўлма-қўл бунда.

3

Юз шукр тилмади ҳақ сийнамизни,
Ошкор этмай шубҳа — дил кинамизни.
Борликдан уялиб сув бўлмагунча
Намоён этмади оина бизни.

4

Соч оқаргач қўйдим дилим ғиш-ғишин,
Ерга отдим ҳаво-ҳавас ташвишин.
Шам равнақ топмагай отганида тонг,
Пилик тортар бунда аланга учин.

5

Ўз шуурингдан бўл бегона, Бедил,
Жаҳолат созин чал девона, Бедил,
Дуд ила ғубордир бу дунё бари,
Кўз юм, сабил қолсин бу хона, Бедил.

6

Мансаб, ҳашам эмас, азобдир бунда,
Айт, нима софликка ҳисобдир бунда?
Эшак, ҳўкиз тагин тозаласинлар,
Мансабдан фаррошлик савобдир бунда.

7

Оина кўрганда ўзин беғубор,
Шодликдан минг рангда бўлур жилвакор.
Инсон мижозида гул очди билим,
Гулласин деб саҳро бағрида баҳор.

8

Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда,
Эркинлик фақат бир эҳтимол бунда.
Нимага боқмайин дил бўлур асир,
Кўнгил узмоқ эса, бўш хаёл бунда.

9

Сўзларингда бўлса юмшоқлик бўёқ,
Ёв ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлоқ,
Қўпол гапдан фитна қўпган чоғида,
Бўйин томирингдур бу жангда таёқ.

10

Бу ақлсизларки, масту беимон,
Сезгисиз, қаттиқ жон, харсанг тошсимон.
Чиғаноқ қуруқлик ва манманликдан
На мағзу на пўст бор, қуруқ устухон.

11

Бедил, ўзни қанча синаб кўрмадим,
Лек камол даъвоси дамин урмадим.
Юз шукрки одоб иқболи кулиб,
Ҳеч кимдан ортиқман дея юрмадим.

12

Бедил, ҳамма вақт ҳам изтироб бунда,
Тинчлик — хаёлу туш ё сароб бунда.
Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чанг пайдо,
Илдиз сувда, тупроқ бир ниқоб бунда.

13

Эй ақл жавҳари, бўл дунё сирига ҳамдам,
Макрпарвоз зуҳдга сен риндона бергил барҳам.
Олам соқолу салла масхарабозлигидир,
Бу хижолатдан қутул, кўнглингни уз, эй одам.

14

Бу бир денгиз, иши бизларни бўғмоқ,
Тиғу шамширингга ишонма ҳар чоқ.
Ҳар тўлқин интиқом камони бунда,
Ундаги ҳар балиқ ўқ тўла садоқ.

15

Мантиқсиз афсона тутмиш оламни,
Фаҳм эту ўйлама ҳеч кўпу камни.
Лаънат тавқин илиб шайтон бўйнига,
Негадир жаннатдан қувмиш Одамни.

16

Зуҳур оинаси жило топгандан бери фақат
Ҳар махлуқ бир-бирига интилар, бўлар улфат.
Ҳеч ким назар ташламас ўзининг аҳволига,
Булбул бўлди гулдан маст, гулга ҳаволаш одат.

17

Тубан табиатингдан чиқ, эй бедор дил,
Лофнинг безак пардасин айлама манзил.
Бахмал тўшак на ҳожат келмаса уйқу,
Тун матосин тўқувчи коргоҳни тарк қил.

18

Ким бойлик фикрига асиру бетоб,
Томчи май ҳидидан хўп масту хароб.
Бедил, мол жамғармоқ заҳматин чекма,
Дур терилган билан ип бўлмас сероб.

19

Ҳар нарсада онг-ла асосу нисбат,
Сўнгра фаҳм эт надур маънию сурат.
Одам ҳўкиз эмиш, балиққа минган,
Балиқ ҳаводамиш... Қани ҳақиқат?!

20

Бу харобазорда истасанг роҳат,
Дўстга қўшилиб топ дилга ҳаловат.
Токи бир-биридан киприклар жудо
Уйқусиз кўзларда изтироб, заҳмат.

21

Беш кунлик умринг бу нотинч оламдан —
Тинч ўтар сен ўзинг қилган малҳамдан.
Мазҳабу миллатдан излагил одоб,
Яхши хулқ излагил ҳар илму фандан.

22

Киприкдан қон тўкиб, лолазор топдинг,
Булутдек ёш тўкиб, чин баҳор топдинг.
Дардсиз кўнгил очмоқ маҳолдир, маҳол,
Оёқ ярасида тикан — хор топдинг.

23

Бу эшак миялар шодонлик созин —
Тушунмай, кўрсатар шоҳона нозин.
Нафрат ноғораси кар қилмагунча,
Фаҳм этмоғи мушкул тараб овозин.

24

Қариликда холи бир гўша топ дилга, Бедил,
Дарё эмди лойқади, қани чиқ топиб соҳил.
Мана оппоқ сочларда кафан инъикоси бор.
Йўлда кўзинг юммасдан ўз манзилинг топа бил.

25

Олам — хароб зимистон, бу зулматда ҳар одам
Ғурури шуъласида куяди мисоли шам.
Беш кундан сўнг талъати сафо нурин сочолмас,
Тундаги йилтироқ қурт бундайларнинг бари ҳам.

26

Эй, инсон дил кабоби тафтига ёпгувчи нон,
Сув қилмасми бу зулминг хижолати шул замон.
Бир ялам асал сенинг оғзингга теккунича,
Юзлаб хоналар вайрон, ҳалокатда минглаб жон.

27

Гоҳ сув ғамидан, гоҳ бир донадан де,
Гоҳида айш ила таронадан де.
Ўлгунча шу гапдан қутулолмайсан,
Уйқу олгунча шу афсонадан де.

28

Эй хожа, ҳашаминг заволи яқин,
Шуъланг асарининг паймоли яқин.
Қанчага етарди бир шамдек зиёнг,
Эй, йилтироқ қурт, тонг жамоли яқин.

29

Ер тинмай тарқатар ғубори ибрат,
Умр ҳангомаси кулфатдир, кулфат,
Ором талаб этмоқ бунда беҳуда,
Оҳулар ортида қуюқ чанг қат-қат.

30

Дилнинг оинаси бор, боқмайин ўтди,
Кўз ўнгида баҳор боқмайин ўтди.
Бу тушуниб бўлмас дашт ғуборидан
Кўплар ўзлари ҳам кўрмайин кетди.

31

Ҳар кўнгилда бордир умр талоши,
Кўнгилдан ишорат томчи кўз ёши.
Кўкламда илдизсиз ўсмас бир дона,
Бил, яранинг ҳам бор илдизи — боши.

32

Мол-дунё ташвишига тўлиқ бу чўл — оламдир,
Бу ташвишлардан озод — шод яшаган одамдир.
Кўнгилга тугун солмай ўтмас ҳеч бир маърака,
Этикнинг торлигидан оёқ қадоқ, кўз намдир.

33

Барча истагингни берса гар тақво,
Қуруқ ток баргидан қайнарди саҳбо.
Бўш хаёлдан ўтса киши рўзгори,
Қарға тухумидан чиқарди анқо.

34

Шом келгач, осмонга чиқди алангам,
Дилим қон бўлди-ю, кўздан оқди нам.
Эрта қандай умид билан яшаймиз,
Бугун ўтди бизга бўлган ваъда ҳам.

35

Маст-аластлигимиз асоси карам,
Баланд-пастлигимиз асоси карам.
Борлиқ ўзгариши дерлар ўлимни,
Йўқламаслигимиз асоси карам.

36

Ҳаётни жон қийноғи, қон ютмоқ деб бил,
Ҳаёт-мамот айшидан қутулмоқ мушкул.
Халқ ичра яшаб ундан ажралмоқ хато,
Одамзод тиригида суҳбатга қобил.

37

Ҳиммат аҳли таъбидан Бедилда ҳам бор,
Сахийлик турли рангда бўлур жилвакор.
Нодонларга панду муҳтожга танга,
Ёшга лутф, каттага хизмати бисёр.

38

Бедил, тун қуртидек билмасман тиним,
Аммо ҳеч тарафга очилмас йўлим.
Каъба тавофидан кишилар хурсанд,
Бу соядан огоҳ эмасдир ҳеч ким.

39

Эй шайх, инсоф берса виждонга пардоз,
Нечун кўзинг тўймас, қаноатинг оз.
Ҳеч ким сендан каммас бу анжуманда,
Кўзинг мол-дунёда, ўлтириш мумтоз.

40

Инсон дафтаридан варақ бу жаҳон,
Одам кабобининг тутуни осмон.
Икки жаҳон унган уруғни билсак,
Киши хаёлидан етишган бир дон.

41

Кетдик, биздан қолди ғамли из боқий,
Қолди парпирамоқ, у ҳаргиз боқий,
Танамиз тупроқда маҳв ўлса ҳамки,
Қаттиқ жондан қабр тошимиз боқий.

42

Ашё—назаримиз олғувчи кўзгу,
Номлар зикри эртак тингламоқдир бу.
Барчаси инсондан қочирар узоқ,
Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку.

43

Киши табиатин фош этса идроқ,
Фақат яхшиликка этар иштирок.
Илмдан бебаҳра қолади таъби
Бадфеълидан кечиб бўлолмаса пок.

44

Бедил, қай мижозда бўлмаса вафо,
Висол топганда ҳам тополмас ҳаё.
Қайдаким манзурдир дўстлик ҳуқуқи,
Жон нисор эт, ўзга шева йўқ асло.

45

Дили ҳасад тўла, ичи қоралар
Доим туҳмат ила покни қоралар.
Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўр,
Шамдондан барча ис шунга ўралар.

46

Бедил, етмоқдадир сўнгига сафар,
Парвозга бемажол эмди болу пар.
Қадамим ҳисоблаб борар кўз ёшим,
Ҳар томчимдан шамга тонг яқинлашар.

47

Пароқандаликдир дунёга асбоб,
Оромга ҳамсабоқ бўлмишдир симоб.
Шу дарё мавжидан паришондирмиз,
Бунда хотиржамлик—гавҳари ноёб.

48

Машҳурлигинг надур? Мастлик кулфати,
Вайронлик не? Баланд-пастлик иллати.
Дилингни куйдирган ноёб орзулар —
Ақл билан боқсанг, ҳаёт рағбати.

49

«Сен, мендан ташқари,—деса,—ҳақиқат»,
Бу сўзга ишонма, бари жаҳолат.
Хоҳ ерда қанот қоқ, хоҳ осмонда уч,
Анқони топурсан эртакда фақат.

50

Бу дунёда кўпдан-кўпдир жаҳолат,
Ким ақлу илм деса, чекар надомат.
Ҳар томонда фақат айиқлар рақси,
Устара бер, олам жун босган ғоят.

51

Бу дунёда ҳар дам янгилик ҳавас,
Эскириб чиқади ҳар янги нафас.
Шу суҳбатдан қизиқ дунё бозори,
Ақл қулоғин тут, олам гапдир, бас.

52

Ишрат тузоғидир шиша касофат,
Қул-қули етказар хабари ишрат.
Махмурлик юлдузи ҳар бир томчиси,
Ҳар мавжи пиёла манглайида хат.

53

Куйук дил тугуни ишқимга тумор,
Ўраб дедим: «Буни ёримга юбор».
Шавқидан ғунчадек очилиб кетди,
Шодликдан қинига сиғмади такрор.

54

Тўлқинмиз мену сен ҳаёт баҳрида,
Ҳавас қайнаб ётар унинг наҳрида.
Кўпикдек фикр этсак, сув ва ҳаводан—
Ўзга на дон бор, на сомон, қаърида.

55

Бетамиз бўлади дарди йўқ одам,
Ундайга ўлимдан ўзга таъсир кам.
Соч ва тирноқларга қараб ибрат ол:
Қон йўқ жойда йўқдир ҳис ҳам, туйғу ҳам.

56

Қай дилга тушмаса ишқдан бир қайнов
Умри куйиб ўтар, жабрга гаров.
Кўзадан ибрат ол, сувга чидолмас,
Аввал куйдирмаса уни то олов.

57

Узлуксиз шодлик ҳам келтиради ғам,
Ҳаддидан ортиқ базм—мисоли мотам.
Ҳар нарса меъёрдан ошмаса яхши,
Бошдан ошса ўтдан баттарроқ сув ҳам.

58

То чарх бисотида собиту сайёр,
Гапнинг марказида хомушлик даркор.
Уруғсиз ҳеч нарса илдиз отмайди,
Яъни нуқтасиз сайр этмайди паргор.

59

Зеру забар қилмоқ, фалак номаси,
Бой берилар охир ер хазонаси.
Жисминг зийнатига бўлма кўп банда,
Уни ечиб от, ул ғафлат жомаси.

60

У дунё деганинг у дунё эмас,
Ҳақ жамоли унда ҳувайдо эмас.
Жаннат таърифидан чиқар хулоса,
Қайда зару гавҳар—бу дунёдир, бас.

61

Бир оламдир куйим сеҳру оҳанги,
Тобора очилур янги ва янги.
Каломим сайрида ғафлатда қолма,
Баҳорман, янги ҳар нафасим ранги.

62

Зоҳид дерки, «тақво манбаи диндир»,
Шайх кўзгу тутиб дер «Сулукдан[1] қидир».
Бу жоҳилларга зид бизнинг девона
Яланғоч бўлиб дер: «Чин мардлик будир».

63

Кимки паст-баландга қарагай ҳушёр,
Иблис малъунлигин тушунар бисёр.
Ким қибла билмаса ҳазрат инсонни
Ўша лаънатланиб бўлур шармисор.

64

Сен рад этган кичик бўлак билан ҳам
Ҳисоблашмай бўлмас бирикса боҳам.
Бир тутам жунни ел элтади осон,
Бирлашса бўлади намат ё гилам.

65

Фарёдки, ҳеч ким йўқ биз билан бул кун,
Хуррамликдан йўқдир ҳатто бир учқун.
Доим бирга бўлган мувофиқ дўстлар,
Борса келмас жойга кетдилар бутун.

---

[1] Сулук — сўфилар жамоаси.

66

Ҳаётдан олмаса ибрат у кўз кўр,
Асалда бўлмаса ширинлик у шўр.
Ўзгариб турмаган либос кафандир,
Ўзгариш билмаган хона — қаро гўр.

67

Ўзбошимчаликдан хуррам бу дунё,
Эрксиз айланмоққа бўлмиш мубтало.
Исо ё Маҳдийнинг қайтиб келмоғи
Тажрибадан узоқ, қуруқ бир даъво.

68

Бедил, қуруқ вақ-вақ бизга шон эмас.
Амир, султон мадҳи бизга жон эмас.
Сўзларим тинглаб кўр, энг яхши оним
Дўстлар хизматидан ўзга он эмас.

69

Ҳиммат ўлчовимас фақат пул-дирҳам,
Пул сочмоқ ҳар кимда бордир кўпу кам.
Мумсикдан ҳеч киши баҳра олмаган,
Ҳасрат-ла жон берса шу ҳам зўр карам.

70

Токи ишқ қиссаси такрорга қобил.
Бу мато бозорин доим қизиқ бил.
Мажнун доим сочар бошига тупроқ,
Фарҳоднинг тешаси тошда муттасил.

71

Ҳаё тухмин қўлдан берса гар одам,
Ғайрат биносининг қалди бўлур хам.
Соқолдан лоф урса ишонма унга,
Номус қўлдан кетгач, қолмас мардлик ҳам.

72

Бедил, бефаҳмлик ўсмиш нақадар,
Аҳмоқлик палоси ёйилмиш магар.
Ошно-бегоналар бутун бир умр
Фақат «тарих» ё «саж» талаб этишар.

73

Бу базм телбалик, йўқ бунда идрок,
Бунда билим сози қилмас иштирок.
«Мен», ё «Биз»ларига тушунмоқ бўлиб,
Қанча қулоқ осма, у бангу тарёк.

74

Нодонлик овининг ўлжаси ҳасрат,
Нодонлик баҳорин ёмғири кулфат.
Соч юлиб додламоқ билимсизликдир,
Огоҳлик кўзгуси эмас надомат.

75

Рухсоринг чақмоғи ниқобга тушди,
Кўзларинг шуъласи шаробга тушди.
Зулфинг қўнғироғи юзинг тўсганда,
Гўёки сояси офтобга тушди.

76

Бизларга ҳаётнинг ҳосили—ҳавас,
Семурғ кўринади ҳар пашша—магас.
Борига қаноат қилмай на чора,
Текин ҳаво бизга анжоми нафас.

77

Борликда кулфатдан аломат бордир,
Яъни унда сози надомат бордир.
Ҳақ-ноҳақ, соз-носоз беҳишту дўзах,
Ўзинг ким? Билолсанг, қиёмат бордир.

78

Дев-жин найрангига тўлмишдир жаҳон,
Ҳис ва ҳаракат-ла қилдик имтиҳон:
Қўрқувдан туғилмиш ажина, пари,
Ваҳимадан таркиб топмишдир инсон.

79

Таҳқиқ йўли жуда нозик, серсабоқ,
Тушуниш қийиндир яқин бўлган чоқ.
Тупроқ не? Билмасанг кечириш мумкин,
Хаёл шамин туби қоронғудир, боқ.

80

Ўз маъно қиссасин очган ул дона,
Илдиз ёриб отди ер ичра шона.
Лек таҳқиқи бирор жойга етмади,
Етилса ҳам ўздан топмай нишона.

81

Қарилик ҳарчандки йўқлик эрса ҳам,
Ҳосили бўлади оқ мўй бир тутам.
Олов ёниб ўтмас кул қолдирмайин,
Кўпиксиз бўлурми қайнаб турган ғам.

82

Эй, Бедил, мақсадинг овламоқ кўнгил,
Аммо дил ороми бўлмайди ҳосил.
Кўзгу тимсолига тушганда йўли,
Одам юз ўгирар, бу эмас манзил.

83

Кўрсатиб ҳунару билим шарарин,
Кимлар кўз-кўз қилар ҳашаматларин.
Охири бир ёниб сўнган чўғ каби
Бош тушар ёстиққа тўзғитиб парин.

84

Йўқдан пайдо бўлмиш мактаби олам,
Ҳар нарса қўзғайди ҳайрат дамо-дам.
Қалам тилида-ку котиб дил рози,
Зеро барчасидан огоҳдир одам.

85

Миркам икки дунё аҳли-ла маош,
Ва ҳисобким тўғри келмай, кўзда ёш.
Бугун шундай, эрта бўлса имконим
«Бедил!» деб, тупроқдан кўтаргайман бош.

86

Эй инсон, кўлингда ҳавас тўла жом,
Васвасадан тинмас, дил бесаранжом.
Сен ўша-ўшасан бешигингда ҳам
Тебратиб турмаса, топмасдинг ором.

87

Бўш калла ўзига қўяди бино,
Юз хил пуч хаёллар унга жо-бажо.
Дардсиз дил ҳавасдан тополмас чора,
Шиша бўшаб қолса бодаси ҳаво.

88

Бойлигин орттирмоқ бўлиб оҳу воҳ —
Қилган бой, билсайди тинчлик йўлин, оҳ.
Шам шодлиги бошда қалпоғидандир,
Билмаски жонининг ёви шу кулоҳ.

89

Поёнсиз билим-ку сенда мужассам,
Анқодан буюкроқ оддий пашшанг ҳам.
Жаҳон таркиботи бирликка эга,
Бу бирлик шубҳасиз, нафасингда жам.

90

Халқда ҳаракатдан ўзга нарса борми? Йўқ.
Дунёдан қўл ювса, фойда унга ёрми? Йўқ.
Хаёл ойнасин юз минг жилваси бордир,
Улардан биттаси унга вафодорми? Йўқ.

91

Бедил, ишоратнинг кўп томони бор,
Унда жуда кўпдир эшигу девор.
Хоҳ «у» дегил, хоҳ «сен» ёки «биз» деб ёз,
Ҳақ маъносин очар иборанг бисёр.

92

Сендан юз ўгирмоқ, қайдадир, жонон,
Сендан кўз узмоқлик қайда бирор он.
«Мени ёд этмайсан», дедингми? Ҳайҳот,
Ҳаётим сен билан, унутай қачон?

93

Бойлик орттирмоққа ҳирс қилур ғавғо,
Ўз куч-қувватига эга ҳар сиймо.
Шайх бўлур салтанат кучи бўлмаса,
Куч етмаган жойда золимлик пайдо.

94

Нимага эҳтиёж таъбда бор экан,
Гул очса, ҳамроҳи бўлади тикан.
Нон емак қуроли бўлган тишларинг
Тушар осон, чиқар қийинлик билан.

95

Илм кўз-кўз қилмаслик камоли ўзга,
Лаб очмай сўзламоқ мақоли ўзга.
Ясанчоқлик, кибру ноз оламида
Оина тутмаслик жамоли ўзга.

96

Бедил, ҳар бир очиқ кўзга мўй йўлдош,
Тўғри пешонада бордир эгри қош.
Тўлин ойга боқсанг ҳилолга мойил,
Тиззасиз эмасдир сен кўрган ҳар бош.

97

Бул кунда азизлар давлат конидан
Сарой қурар, мағрур давлат шонидан,
Кўзинг очиб боқсанг пешонасига,
Ажинлари тимсол бахт нарвонидан.

98

Ҳар илдиз ортида шан чаманзордир,
Ҳар қанотга юксак учмоқлик ёрдир.
Ваҳмдан янги ой мисоли озма,
Эшиклар калиди чўнтакда бордир.

99

Яхшилик қилсанг ўз дилинг бахтга ёр,
Ёмонлик кўргузсанг кўнгилда ғубор.
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор.

100

Токай сўроқлайсан, ул ёр қани деб,
Юзлари ниқобли дилдор қани деб.
Киприклар тўсмаса кўзинг ўнгини,
Офтоб хонасида девор қани деб.

101

Бедил, азиз бўлса осудалик дам,
Ўзгага ёмонлик ўзингга ситам.
Топталган дил кўрдинг, ҳар ён сайр этиб
Оёқ остинг қадоқ, аста бос қадам.

102

Яхши-ёмон деган сўзлардан, қаранг,
Охир ҳақиқат ҳам бўлмишдир беранг.
Қулоғинг динг қилиб ҳайрат сирин топ,
Анқо халқ оғзида пар тўкиб, гаранг.

103

Ҳеч телбалик келмади девонага мос,
Ҳеч бир ақл тадбири фарзонага мос.
Кўзлар тупроққа ботди умр ғуборидан,
Бирор киши келмади бу хонага мос.

104

Ғуборим йўқликка яқин бўлса ҳам,
Жуда тордир билим ва ақл кўчам.
Соч оқим нур берди пиликка, аммо,
Хирадир йўлимни ёритгувчи шам.

105

Шиша қул-қулида ибрат муҳайё,
Гул хандасида бор ноладан имо.
Бу чаманда пайдо ҳар тус ва ҳар ранг
Қадам андозаси, оёқдан садо.

106

Бахмалу мўйналар истасанг, Бедил,
Қаноат соясин оромбахш билгил.
Тубанлар олдида тўкма обрўйинг,
Ҳирс бўлса ташналик, ҳаёни сув бил.

107

Даврим одамларин нафаслари сард[1],
Кўполликда ғайрат кўрсатар бедард.
Бу пастлар тўдасин эътиқодидан
Билдимки тубанлик кўрсатар номард.

[1] Сард — совуқ.

108

Қайда ҳақу ноҳақ ажратилмайди,
Кишилар таъбида софлик бўлмайди.
Бир пастга пастлигин айтсалар деди:
«Ҳар кимга бу давлат насиб қилмайди».

109

Афсус, айшу ишрат замонам ўтди,
Босиб чангу ғурбат, ғам-алам ўтди.
Йўл-йўл оқ сочимдан равшан бўлдики,
Йўқ умрим юз йўлдан еб барҳам, ўтди.

110

Қилмиш-қидирмишдан кимки бохабар,
Заифларга зулм қилмас, алҳазар.
Кескир бир болтага айланур шиша,
Бирдан ўтда эриб кетса у магар.

111

Бедил, дўст-душманни қилсанг имтиҳон,
Таъби оинасин айла намоён.
Бераҳмлик бўлур золим хилватда,
Яланғоч тиғдир пўст ташлаган илон.

112

Қаримлик ғорати айлади шиддат,
Танда тоб қолмади, кўнгилда тоқат.
Бизга ҳасрат бўлди дўстлар дийдори,
Бизни кўрмак эса дўстларга ибрат.

113

Ҳар бино хароби ўз ободлигидир,
Дил навмедлиги ғамдан озодлигидир.
Сенинг қўлинг ичра нақш солган чўғлар,
Ўзга ой шуъласин бунёдлигидир.

114

Сўздир ақёнуслар бекаронаси[1],
Сўздир маъно деган гавҳар хонаси.
Олий назм меҳнату чидам истайди,
Сўзнинг ҳам бор баланд, паст поғонаси.

115

Фақирликда пўстинг етса суякка,
Сир бой берма дўсту душман юракка.
Эҳтиёжинг билсин фақат шул киши,
Ҳожатинг чиқара олса у якка.

116

Эй ғофил зоҳид, ҳеч зикрингда йўқ ҳақ,
Сўзларинг, қўшиғинг маъносиз мутлақ.
Бемаъни зикрингга мос тушса тасбеҳ,
«Ҳай-ҳай» деганинг ҳам маъноси тақ-тақ.

117

Борлиғимдан асар—нафаси сардим,
Кўрай десанг, кўзгу дилдаги дардим.
Мени сўроғласанг ёдимга ташна,
Умримдан қолгани бир ҳовуч гардим.

118

Шаҳидларинг хоки кўз ёшидан нам,
Исириқ дудида бул садодир жам:
«Ишқ даъвоси осон эмас, эй ғофил,
Ҳануз куймоқдамиз ўлган бўлсак ҳам».

119

Мартабанинг бўлса жонга ораси,
Ҳар табиатнинг бор ибрат зиёси.
Ҳушёр бўл, очкўзлар табиатида
Бордир кўз илғамас Шаддод биноси.

---

[1] Бекаронаси — чексиз-чегарасиз.

120

Бу дунёда қандай нақшки жилвагар,
Тасаввур гулзори, беҳишти назар.
Ўзимиздан барча яхши-ёмонлик,
Кўзгуда кўрганинг ўзингдан ахтар.

121

Ким тополса муҳтож бўлмаслик йўлин,
Фуқаро-ю шоҳга чўзмагай қўлин.
Ҳар фурсат ғанимат эканин билар
Кимки қаноатга тўлдирса кўнглин.

122

Ҳирс аҳли васвасадан тиёлса қадам,
Очкўзлик шу ондаёқ топади барҳам.
Яъни тамаъ қўлин тортгани замон,
Илтимосдан юмилар унинг лаби ҳам.

123

Ўз васфида олим гуфтори қизиқ,
Ўз ишқида мажнун ашъори қизиқ.
Бу даштнинг қумлари тўзғиб битгунча,
Лофу ҳангоманинг бозори қизиқ.

124

Танҳо бекасликни кўзлаган одам
Жамлаган нарсаси фақат дарду ғам.
Бизнинг хонамизда сенинг юзингсиз
Тутаб куяр, аммо нур сочмагай шам.

125

Бу боғда ўсмишдир минг тур гул, тикан,
Минг ҳайфки тагига ета олмайсан.
Дин, дунё ишидан эшитганларинг
Яхши-ёмонлигинг таърифи экан.

126

Қисқармоқлик бўлгач ҳаёт ўсмоғи,
На ҳожат ноз ила безак бермоғи.
Бу базмда шамдек ўлтирса ҳамки,
Турмоққа ҳассадир бошдан-оёғи.

127

Яна нигоҳимиз мисоли чаман,
Ёр васли юз кўклам—наврўзча экан.
Бул куни кулбамиз қуёш хонаси,
Кўзимиздан борлиқ чироғи равшан.

128

Истак қўли доим талабда бебок,
Уни қисқартмоққа қистайди идрок.
Ҳар гал енгдан қўлинг чиқарган чоғинг,
Ҳар битта бармоғинг этар ёқанг чок.

129

Фақир хонангда барқ урмаса ҳиммат,
Ҳар қайда ҳамроҳинг хорлик, ҳақорат.
Шоҳга яқинликда ифтихоринг зўр,
Ўз ҳазратларига йўқ-ку ҳеч ҳурмат.

130

Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.
Нотавон, бечора бўлмағил зинҳор,
Ғайратда, ҳиммatда бўл порлоқ, яхши.

131

Рамз гавҳарин пардасиз Бедил термас ҳеч қачон,
Баҳор чечакларидай йиғиб, этмиш у пинҳон.
Раъно гулин минг рангда оча олган бўлса ҳам,
Тушунганлардан бирин айта олмади ҳамон.

132

Фитрат афсунгари кўп ғайрат этди,
Хомлар ишончига нима наф етди?
Юз шукрки Исо, Маҳдий қиссаси
Имонининг сустлигин кўтариб кетди.

133

Қайда мурувватдан сув ичса одам,
Вафодан бошқасин меваси алам.
Фақирликни билма нотавонлик деб,
Лаб қуриб қолса, тил унга берар нам.

134

Илдиз узсанг, уруғ хаёли ватан,
Илдиз пайдо бўлур яна уруғдан.
Янгиланиш эски осориндандир,
Янги равнақига эскиси маскан.

135

Кўк паргорида бош-оёқ бажо—ҳар иккиси бир,
Шоҳларнинг тожи—ҳассойи гадо—ҳар иккиси бир,
Пастлик-баландлик фарқин қилмоғинг бехабарликдан,
Оёқда халхолми[1], бўйинда тавқ ё—ҳар иккиси бир.

136

Кеча чаманим куйи урди бошимга,
Наргис куйи маъқул келди қошимга.
Зар оғиз кўм-кўк най нималар дермиш:
Билолмай кетибман келмай ҳушимга.

137

Роз оламида ҳар ким борар илм йўлидан,
Вазминлиги гувоҳдир унинг илми мўлидан.
Сувдан чиққан ҳар кўза бунга мисол бўлади,
Ҳажмига лойиқ олар оғирлик сув қўлидан.

---

[1] Халхол — раққоса оёғига тақиладиган кумуш ёки олтин ҳалқа.

138

Юз шевадир мен ёзган ашъор,
Ёзмадим уни мен бир кунда, якбор[1].
Таврот эмаски унинг ҳаммаси,
Тушса осмондан бир йўла тайёр.

139

Мардлар «у йўқ, бу йўқ» демаслар асло,
Орзу кўп ғамидан қилишмас ғавғо.
Мард бўлсанг холи бўл бўш фол боқишдан,
Фолга ишонолмас мард ақли расо.

140

Таъбингда бўлса гар шодликдан асар,
Хулқинг яхшилашга енгингни шимар.
Сайқалтошнинг ўзи текис бўлмаса,
Қилолмас ойнани текис, жилвагар.

141

Ҳурлик корхонаси асли бу дунё,
Бунда паст-баландни ажратмоқ хато.
Билсанг агар бой ким, гадо ким бунда,
Ҳеч кимга беодоб бўлмайсан асло.

142

Сакраб бўлмас бўлса оёқда тикан,
Ғам кетмаса айш ҳам етишмас экан.
Таъб эркинлигини истайди олам,
Нодон оёғида мол-дунё кишан.

143

Қай шеърда йиртилса пардайи унвон,
Мактуб рамзи бўлур яланғоч-урён.
Хаёлга не келса ёпиқ қолмагай,
Сир бўлмас, бўлмаса дилингда ниҳон.

---

[1] Якбор — бирданига.

144

Эй мастлар, қувноқлик шаъми ўчмишдир,
Қаро кечада тонг ёддан кўчмишдир.
Қаҳва ичиб, шодлик кетидан йиғланг,
Кайф мотамида май қаро кечмишдир.

145

Гоҳ Каъбада қилдинг тавба-истиғфор,
Гоҳи бутхонада бўлдинг оташкор.
Ҳеч нарсага куйдинг, ўзинг ҳам ҳечсан,
Лаънатлансин бундай тасбеҳу зуннор.

146

Вафоли, маст-аласт кишидек тақдир,
Юмшоқ табиатни кўрсатиб бир-бир,
Зоҳидларга боғлаб зоҳид соқолни,
Риндлар пиёласин риндга бермишдир.

147

Эй вафо ахлоқин асл жавҳари,
Жанг эмас, сулҳ бўлсин ақлинг сарвари.
Дилингда бировга қўзғалса нафрат,
Рангинг ўчмай, ўгир юзинг, кет нари.

148

Хожа ҳирсин ғалаёни доимий бир ҳол.
Хотиржамлик ундан йироқ, тинчимас хаёл.
Кимнинг агар ҳирс-ҳавасга кўзи тўймайди,
Унинг гадо косасини тўлдирмоқ маҳол.

149

Бу ҳаёт гулханин дуди сену биз,
Куймак, қоврилмоқдир ишимиз, эсиз.
Осудалик гумон қилмангиз бунда,
Дилда олов, аммо совуқ оҳимиз.

150

Шоҳ саройидан обрў топмайди одам,
Унда тубанликларнинг ҳисоби йўқ ҳам.
Иззат десанг қаноат бурчагида бўл,
Пастларга тобеликка арзимас одам.

151

Пастда кўк экинзор, устида осмон,
Ҳар кўкат баҳори ўзгадир аён.
—Нега кўзинг юмуқ?—десам буғдойга,
—Жим, кўзим ўнгида, —деди,—тегирмон.

152

Бу дашт қоронғидир, Бедил, сарбасар,
Ҳар ким ҳар ён кетди, қайтмади дигар[1].
Мен, сен ҳам кетамиз, ўзгалар келур,
Кўплар ўтдилару, яна кўп ўтар.

153

Дўстлар ҳавас-ла нафас олдилар бекор,
Не меҳнату заҳматга бўлдилар дучор.
На йўқлик бағрин, на борлиқ осмонин
Тополмай бекор яшаб, ўлдилар бекор.

154

Эдик на динга, на дунёга муҳтож,
На бугун, на эрта — фардога муҳтож.
Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундан,
Бўлдик ўзимиздек аълога муҳтож.

155

Олма ёд шахматдан, эй шоҳ, тахтга минмоқ санъатим,
Бўлма мағрур сен кўриб шахмат сипоҳи савлатин.
Кимки муҳтожларга одоб бирла боқса, шоҳ эрур,
Бул ўйиндан «шаҳ» деганда ол ҳайиқмоқ ибратин.

---

[1] Дигар — бошқа, яна.

156

Эй тахту бахт хаёлидан тутган лиммо-лим қадаҳ,
Ғурурдан тўлдирма ҳеч хунга бетиним қадаҳ.
Бунда кайф бермайдиган майга фақат бўл таслим,
Ерга пешона уриб, кўтаргил таслим қадаҳ.

157

Биздан на ишқ, на ҳавас қолажак,
Оҳимиз тўлган бу қафас қолажак.
Фикримда абадлик лек нафасим дер:
«Умр карвонидан жарас[1] қолажак».

158

Зоҳид табиати совуқ мисли ях,
Уни иситолмас ҳаттоки дўзах.
Шаклга кирмаган она қорнида,
Иссиқда ҳам қотар тухумдек, аблаҳ.

159

Сабримиз ғорати ул шўхи маҳтоб,
Танҳоликда бизни айлади кабоб.
Кўз қорачиғимиз оёғин нақши,
Қадамин гардидан кўзимиз офтоб.

160

Бедил, ишга кишилар бўлсалар яқин,
Соядек оёғингда бўлур сарнигун[2].
Сенинг сўзларингни фаҳм этолсалар,
Ўзлари бўларлар маъно-ю мазмун.

161

Бу жаҳон иқболи ҳашам истайди,
На фазлу, на таълим, чидам истайди.
Ҳўкиз ва эшакдан олингиз сабоқ,
Ҳатто улар шох ҳам, дум ҳам истайди.

---

[1] Жарас — қўнғироқ овози; [2] сарнигун — тескари.

162

Кўплар гердайиб ўз ҳолидан, ўйнар,
Мавж урган кўпик хаёлидан ўйнар.
Ҳаяжонсиз эмас баҳор гул гашти,
Товус ҳам шодланиб болидан[1], ўйнар.

163

Бу ҳаёт майдонида бардошли инсон ўзга,
Ҳавас отига миниб, қилувчи жавлон ўзга.
Текшириб бил маънисин, бўлгил тақлиддан узоқ,
Соқолликлар ўзга-ю одами мардон ўзга.

164

Бу даштда интилиш карвонлари бор,
Йўловчи шиддатин нишонлари бор.
Камолга бир йўла етиб бўлмайди,
Тўлин ой йўлида нарвонлари бор.

165

Нечоғлик бўлмасин инсон камоли,
Кўкда Исо, ерда Илёс мисоли.
Ҳаёл ҳалқасидан ҳеч ким чиқолмас,
Бари сирланган тос ичра чумоли.

166

Кўпиксиз, мавжсиз бу ҳаёт уммони,
Ҳар томонда қайнар кўнгил тўфони,
Фалакнинг авжидан ер қаъригача
Куйдириб қайнайди инсоннинг қони.

167

Минг қатла тўлқинни маҳв этар тўфон,
То бўлгунча дона, бир дур намоён.
Одам умри бўйи ҳавас кетида,
Токи одоб олиб бўлгунча инсон.

---

[1] Болидан — қанотидан.

168

То фазлу ҳунар-ла безанмай инсон,
Бирон бахт эшиги очилмиш қачон?
Жавҳар билан темир бўлади пўлат,
Илмсиз ўз жинсидан чиқмоғи гумон.

169

Дўстлар гар мени сендан жудо кўришар,
Лекин у бехабарлар хато кўришар.
Соя узоқ тушса ҳам ўз эгасидан,
Оёғин остида жо-бажо кўришар.

170

Молу ҳол йўлингга экилган тикан,
Ундан қутулиб тур осонлик билан.
Этакка ёпишиб йиғилиб қолса,
Териб ташламоқлик кўп заҳмат экан.

171

Умрим олиб кетгач йўқлик карвони,
Омон қўйди дунё жанжал-талони.
Шам каби қидирсам тинчлик ковагин
Қадамим тагида экан нишони.

172

Йўлбарс ила шерни енгган мард киши,
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши.
Таёқ урмоқ бўлса агарда мардлик,
Ўтарди савағич чўпин саваши.

173

Дўстлик тушунчадан қолмади асар,
Вафодан нишон йўқ, риё жўш урар.
То яхшилик ҳаққин қилмай муқаррар,
Ифодага қашшоқ ҳар шеърий асар.

174

Бу чаманга кимнинг тушибди йўли,
Бордир бу баҳордан орзулар мўли.
Маъюс дил билан ҳам шодмен ёдингдан,
Синиқ кўзгунинг ҳам бор ўнгу сўли.

175

Қайси бошда бойлик ғурури аён,
Фазлу камол завқи камдир бегумон.
Бундай ақлсизлар маъни англамас,
Зар чизиқни кўрар варақлаб «Қуръон».

176

Шошмоқ, инкор этмоқ худнамога хос.
Тўғрилик, соғломлик бенидога хос.
Жаҳон талаб этган олам хабари,
Пахта тиққан қулоқ бедавога хос.

177

Қарилик гуллайди мисоли баҳор,
Безакка бойдир бу фасли интизор.
Кетмак пайида бўл соқол оқаргач,
Бу пахта тагида учқуни ҳам бор.

178

Қабри тошдан бўлур бой бўлса нобуд,
Мозорин қилишар сийму зарга бут.
Фақирликда ўлса дониш эгаси,
Оддий бир тахтадан ясашар тобут.

179

Карам дастурхони ёйилган нафас,
Бахиллик дилингдан йироқ бўлса бас.
Таъбингда бор эса инсоф жавҳари,
Димоғингда бўлсин ҳасадмас, ҳавас.

180

Ҳар ишда ўзига яраша кўшиш —
Бўлса поёнига етади ҳар иш.
Ғурур ҳаддан ошса ҳис-туйғу қолмас,
Тирноқ ўсса қийин тугунни ечиш.

181

Бу дардисарларки, ғаразга бобо,
Жиннилик жавҳарин қилишар ифшо.
Бадҳазм луқмадек мараздир булар,
Қочиб қутулмасанг, топмассан даво.

182

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди,
Заридан бир табиб қисими тўлди.
Тиллоси сарф бўлиб кетганидан бой
Сиҳат топган чоқда қайтадан ўлди.

183

Қайда қилча зидлик кўрса гар мардум,
Шунда бўлур олам дўстлик ипи гум.
Бир томчи сиркадан ачийди бари,
Агарда тоза сут бўлса ҳам юз хум.

184

Бу дунё заҳматга арзимас бир иш,
У дунё — асоссиз хаёлга юмуш.
Бу икки маъносиз сўз таҳририга
Сиёҳ бўлмасмикин қоронғи бир туш.

185

Қанчалар Симоку[1] самак[2] бўлади,
Ё ул ёқда мулки малак бўлади.
Ҳар қачон ўзингга назар ташласанг,
Жойинг доим зери фалак бўлади.

---

[1] Симоку — Асад буржидаги юлдузнинг номи; [2] самак — балиқ.

186

Зоҳид еру сувга бўлмоқчи ҳоким,
Гаҳ таҳорат нози, гоҳи табассум.
Салласин печи-ю соқолдан ўзга
Бирар нарсаси йўқ, бу эшакка дум.

187

Дейдилар янги соз ва шодлик боҳам,
Тун кетса, тонг отса, келса сафид дам.
Бизга йироқ бундай нозик хаёлот,
Сен келсанг, шу замон биз учун байрам.

188

Ҳар неки тингладим—сенинг баёнинг,
Ҳар нимаки кўрдим—сенинг нишонинг.
Қайда бошим уриб, қилдим саждалар,
Кўзим очиб кўрсам, сенинг остонинг.

189

Токай висолингдан ўзга бўлур шод,
Рақиб вайронаси сен бирла обод.
Муштоқинг жигари «оҳ»дан қоғоздек
Ёнмасин, йўл қўйма, элитмасин бод.

190

Кечаги шоҳ деди: «қирилсин соқол»,
Буниси «қирманг» деб амр этди дарҳол.
Зоҳиран назар қил булар ишига,
Ё бир тук кўпайди, ё топди завол.

191

Қасд айла, ҳеч кимни ранжитма фикран.
Кудурат уруғи бўлмасин хирман.
Агар душманингни дўст қилолмасанг,
Шундай қилки, дўстинг бўлмасин душман.

192

Иш кўнгилдагидек, эй воҳ, бўлмади,
Дил қон бўлди, бахтдан огоҳ бўлмади.
Тасбеҳдан чўзилиб ётар умр иши,
Оёқ қабарди, йўл кўтаҳ[1] бўлмади.

193

Қул бўлайин ул кишига, бўлмаса у гар номард,
Совутмаса ҳаё, одоб ҳангомасин айлаб сард[2].
Ўзи хуноб бўлганда ҳам ёпишмаса бировга,
Ўзи гард-гард тўзганда ҳам юқтирмаса дилга гард.

194

Ҳар юрак тепишин бор ўз навоси,
Ҳар бошнинг шуъладор бордир ҳавоси.
Не сўрайсан нафас асирларидан,
Ҳар занжир ҳалқасин бор ўз садоси.

195

Бу ғамгин нафаснинг таъби хўп мавзун,
Ғунча тўла баҳор бу дили пурхун.
Сўз парисин осон эмас сеҳрлаш,
Фақат куйган нафас кўрсатар афсун.

196

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,
Бошқага ҳам кўнгил қўёлмай ўтар.
Учқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,
Қанча ардоқлама, бари бир ўчар.

197

Ҳез ёнида мард ҳам номард бўлади,
Беҳиммат, беғайрат, бедард бўлади.
Гар оташ юз йилча шуъла сочса ҳам,
Бир дам сувга ботса шул он ўлади.

---

[1] Кўтах — қисқа; [2] сард — совуқ.

198

Бу дўстлар бир-бирига қуллуқ қилишар,
Бир-бирига бош эгар ҳам бўйсунишар.
Бир нафас ажраса бир-бирларидан —
Кесилган бўғиндек хунук кулишар.

199

Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар.
Бедилдек пухта шеър ёзайин десанг,
Пўлат қалам бўлсин, сиёҳ эса зар.

200

Юз ҳайфки мулло шошмоққа мойил ўлди,
Олим бўламан деди-ю, жоҳил ўлди.
Яъни билим лофи орада қўпгач,
Маънавий озуқа беҳосил ўлди.

201

Қайдаки мавжуддир лутф ила карам,
Ул киши таъбига илиқликдир зам.
Яхшилик истаманг совуқ кишидан:
Музлаган чечакнинг иси жуда кам.

202

Хуррамликда қашшоқ бизнинг бу кишвар,
Роҳати ҳам мотам билан баробар.
Янги чақалоққа ичиришар сут,
Ҳаёт ҳавосида бор экан заҳар.

203

Гўзаллар дунёда қулф урган баҳор,
Хоҳ хитойлик бўлсин, чигил ё тотор.
Аммо фарангининг ҳуснидан билдим:
Бу дўзахийларда ўзга жаннат бор.

204

Бу биёбон ичра ҳар туп чакалак,
Мажнунга кўринар Лайло уйидак.
Ишқ аҳли қабрига зиёратда бўл,
Беш кун олдин эди осмону фалак.

205

Сўзинг авжи жунунликка ташлар каманд,
Кўп қизишиб, кишилардан кулма ҳарчанд.
Зинҳор жим бўл, сиқим тупроқ кўкка учса,
Чанг бўлса ҳам чиқа олур жуда баланд.

206

Кўз ёшим киприклар бесабот ўйнар,
Оҳим қоқиб жигардан қўш қанот, ўйнар.
Ёдинг билан рақс тушади дилим,
Номинг билан тилим ғамга ёт, ўйнар.

207

Қариликдан ҳаёт асоси барҳам,
Бўғинлар қуркшади, киприк эса нам.
Қош уюлиб тушди кўзлар устига,
Эски уй пештоқи бўлганидек хам.

208

Шундай рамз борким, доғ бор ойда ҳам,
Бундан ибрат олур ҳақиқий одам.
Оёғи остида қора соя бор,
Ҳатто у фалакка бўлса ҳамки шам.

209

Токай фириби чангу най ғамин ейсан,
Ё ишвайи баҳору дай[1] ғамни ейсан,
Қомат хам бўлди-ю, айшдан дарак йўқ,
Қадаҳ тўнкарилган, май ғамин ейсан.

---

[1] Дай — қиш.

210

Ҳирс юкини қачонгача кўтарар инсон,
Эҳтиёждан фориғ бўлса, соф бўлса виждон,
Жаҳду жадал, ҳиммат, карам кетмас эди ҳайф,
Ҳирс гардини босиб ўтса, супурса осон.

211

Бу кураш олами тажрибасида
Ҳар нарсани ечар ҳиммат аслида.
Бунда инсон жаҳди қўшилмас ҳар он,
Қўшилса осмонни кўр ер остида.

212

Ҳақиқатни тўсса шубҳа, афсона,
Кўнглимиз банд этар дайру бутхона.
Ҳақиқатни сезгач чекинар улар,
Кундузи келарми шамга парвона?!

213

Жавҳари қудрат бор тил-забонингда,
Ҳақиқат, садоқат бор баёнингда.
Минг ҳайфдир хатолар манбаи бўлсанг,
Жаброил парвози ошёнингда.

214

Ким уйқу, овқатга бўларкан банда,
Мардликда сусткашу фақир, шарманда.
Нафсин енгмоқ учун сабот керакдир.
Қилич кесмас даста бўлмаса анда.

215

Табиатингдан ғурур кўтарса гар бош,
Соф кўнгилда ҳам бўлгай надомат йўлдош.
Ғурур офатидан соғ қолмоқ қийин,
Аввал ўзин куйдирар аланга авбош.

216

Фитна қўзғатади кина, адоват,
Оқиллардан чиқса баттар қабоҳат.
Энг равшан чироқдан кўтарилган дуд —
Бошқа ҳамма дуддан қорадир албат.

217

Юз тугун, юз ечим бўлмишдир боҳам,
Токи ўз рангига киргунча олам.
Дилтанг бўлманг, кўкда ҳилол мисоли
Калити осиғлиқ ҳар эшикнинг ҳам.

218

Букун бутун олам суханвар бўлди,
Шеърият фаҳми ҳам мушкултар бўлди.
Шеърият ривождан қолса не ажаб,
Шоирлар товушидан қулоқ кар бўлди.

219

Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё,
Оёқ остингга боқ, бўлма бепарво.
Бунда яланғочдир яхши-ю, ёмон
Кўзгу бўлма, шуни истайди ибо.

220

Қайсар таъбига ранг беролмай ҳайрон,
Тилига зўр берар ақлсиз инсон.
Ёғи тамом бўлган чироқ пилигин
Кўтарилиб турган сингари ҳар он.

221

Паст кишига ёрдам берма, арзимас,
Тарбияга лойиқ эмасдир нокас.
Фақат адоватга хизмат қилса тиғ,
Қилма унга сайқал бермоқни ҳавас.

222

Инсон танасини айлаб имтиҳон,
Қайгаким қарама тугун намоён.
Қазо шунча бўғин-тугун солганким,
Ўлмай қутулмоққа қолмабди имкон.

223

Ранжимни кўзлашар бир тўда бекор,
Умр бўйи ранжда бу дили бемор.
Сендан йироқ дея бу ошиқи зор
Бедилга беришар тинимсиз озор.

224

Фалак гарданимизга ортган юкни боқ,
Ҳимматимиз кўтарар, аммо тоқат тоқ.
Шам шуъласи бошидан тушар оёққа,
Иши хоҳ нур сочмоқлик, хоҳ бўлсин ёнмоқ.

225

Умримга надомат бўлди ҳамоҳанг,
Юз билим, юз жунун менга кўндаланг.
Умр бўйи нолам йиртар нафасим,
Ким ҳаёт либосин тикмиш бунча танг.

226

Неки гўзалликка эгадир жаҳон
Ҳиндустон диёри барига макон.
Қорача жононлар бари марғубмас,
Лек Лайло ватани шаксиз Ҳиндустон.

227

Истак димоғига баҳс олмишдир йўл,
Ҳақиқий бойликдан, деди огоҳ бўл.
Қўл қовуштиргандим талаб шармидан,
Ҳар икки дунёдан бирдан ювдим қўл.

228

Халққа ибрат сози созланмади, оҳ,
Яхши-ю ёмондан бўлмади огоҳ.
Ҳар жойда сўқирлар йиғини экан,
Сурма бўлдик, равшан бўлмади нигоҳ.

229

Бу дунёда не-не фитна сурдилар,
Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар,
Одоб нима билмай бир-бирин сўкиб,
Мазҳаб биносига асос қурдилар.

230

Қачон ахлоқ шармандалик келтирар яланг,
Унда ҳаё қофиясин ҳоли бўлур танг.
Сув ҳам кўрса ҳавонинг совуқлигини,
Нафасини тортиб ичга бўлар муз-харсанг.

231

Ёр келди, афсун-ла олди ҳушимни,
Ҳайронликдан билмай қолдим ишимни.
Ёрга ҳар мўйимнинг арзи бор эди,
Оёғига унсиз урдим бошимни.

232

Қачон дилим илму фанга ёр эмас эди,
Қинғир-қийшиқ юрмак менга ор эмас эди.
Икки жаҳон огаҳлиги солди дилга ғаш,
Қанотим йўқ экан—қафас тор эмас эди.

233

Кимки нокасларга қарам бўлади,
Номард олдида ҳам мулзам бўлади.
Агар шер кучукка бўйсунар экан,
Обрўси мушукдан ҳам кам бўлади.

234

Айбдор ўз айбин қилганда изҳор,
Уятсиз кулгисин бошлар нобакор.
Кишилар айбига камроқ кўз юмиб,
Кўпроқ оғзин очар бундай шармисор.

235

Сени пастга урган ҳирсинг эмасми,
Фолингни бад кўрган ҳирсинг эмасми?
Шоҳ, амир эшигида итоат билан
Қўлинг қовуштирган ҳирсинг эмасми?!

236

Қайси калтабинки, халқидан жудо,
Амал деб бўлганди далқидан[1] жудо.
Оёғи остида не бор кўрмаган —
Ҳавойи бу бошдан бўлди тан жудо.

237

Эй, теракнинг барги каби титраб турган чол,
Ҳам тоқатдан ўзга умид топмоғинг маҳол.
Умр видоси номусини елга учирма,
Эл эшигин супурмасин бу оппоқ соқол.

238

Баланд мартабага минса паст киши,
Фалак ақл бермас, пастлик қилмиши.
Оёқда қабарчиқ улар калласи,
Кўпчиб чиқса фасод йиғмоқдир иши.

239

Ёр суҳбати тун, гул сайри саҳар истайди,
Ҳар соз ўзга таронайи дилбар истайди.
Қарисам-да ажралолмам лаъли лаблардан,
Тишсизлигим оқ сут бирла шакар истайди.

---

[1] Далқи — дарвешларнинг жун кийими.

240

Менга боқиб кимнинг кўзи бўлмас нам,
Ҳолимга, афсуски, кимлар емас ғам?
Дўзахга тушсам гар, мендан уялиб,
Кавсардан ортиқроқ терлар олов ҳам.

241

Қайда иқбол агар офатга ёндаш,
Аввал ақлсизлар дилин босар ғаш.
Давлат чиқишолмас нокаслар билан,
Хору хасга тушса ёндирар оташ.

242

Уят-ку, қалбингдан кетмаса даъво,
Бошингдан чиқмаса ғурур ва савдо.
Нам тупроқни шамол қўзғата олмас,
Ҳаё аҳли бўлмас амалга шайдо.

243

Кимнингки раҳбари бўлибди ҳаё,
Уни маҳв этолмас офат ва бало.
Оёғин остига боққан кўзларга
Бу ҳавас даштида чанг тушмас асло.

244

Дил биносин умр табоҳ[1] қилади,
Бизларни на гадо, на шоҳ қилади.
Олган нафасимиз қўлдан келганча,
Хат тортиб варақни сиёҳ қилади.

245

Бедил, ором ҳаваси берди кўп озор,
Ўзни тияверишқилди кўп безор.
Дилга фароғат ҳам келтирар кулфат,
Умр ипи чувалиб бўлди тугундор.

---

[1] Табоҳ — бузуқ, вайрон.

246

Ёпилмади ҳирснинг ҳаёсиз лаби,
Бедил, йўқолмади унинг талаби.
Орқа-ўнги кўмилиб кетса ҳам донга,
Оғзи ҳеч ёпилмас тегирмон каби.

247

Дўстлар, ибрат гулин этинг этакларга жам,
Ҳар мотамда йиғлайверманг, бўлинг хотиржам.
Мен ёримдан олисдаман, ўлим мана шу,
Гар кўзингиз бўлса менга тутингиз мотам.

248

Эл аро одобдан афсона қолди,
На хешни билиш, на бегона қолди.
Шахмат донасидек бир-бирин қириш,
Охири на бир ғишт, на хона қолди.

249

Агар ишқ табиби тополса дармон,
Қуруқ таскин керак эмас бегумон,
Ҳар куйганга бордир ўзин тузлиғи,
Иссиқ кул тўзғиса чўғ чиқар осон.

250

Дўстлар, на ёру, на ағёрға йиғланг,
На вафот этган, на беморга йиғланг.
Улфатлардан айрилдим, менинг дардим зўр,
Барчани қўйингу, мен зорга йиғланг.

251

Кўзларим йиғларми бирор одамдан,
Ё дилим қуршаган қайғу-аламдан.
Шам каби ҳар нафас кўз ёш тўкаман,
Йиғларман ўзимга тутган мотамдан.

252

Дўстликдир иттифоқ бўлиб йиғилиш,
Бир-бирдан ажралмай соядек юриш.
Бу вафо базмида ундай дўстдан кеч,
Кейин келиб, олдин кетса мисли тиш.

253

Ҳар бир рамз сен билан менда, эй инсон,
Нозик фаҳмларга бу сирлар аён.
Ёқуб димоғидек нигоҳ пайдо қил,
Юсуф ўз кўйлаги бўйида ниҳон.

254

Эшак керилади, тўқими заррин,
Аслида на одоб бор унда, на дин.
Султон амалидан керилган одам
Камолга етказар ўз қабоҳатин.

255

Келганида эрта қиёмат замон,
Осийларга раҳмат ёғилур чандон.
Бедил ҳазил-ҳузул ёзган бўлса-да
Малакларга тасбеҳ бўлур у ҳамон.

256

Чаман шавқи уйдан чиқорди бир кун,
Гулда сеҳр кўрдим, лолада афсун.
Наргис жигаримга ўт ташлаб, қилди
Кўзимни баҳору, ўзимни мажнун.

257

Боғман, юз хил рангу бў кўрсатаман,
Денгизман, юз наҳру сув кўрсатаман.
Эй сир излагувчи, мени унутма!
Охир ундан ҳам белгу кўрсатаман.

258

Денгиз мавжи қатра оддий сув аксар,
Дурга қўшилди-ю бўлди у гавҳар.
Сўз асли шамолу шоир назмида
Мавзун бўлгач ўлди Садди Искандар.

259

Букун ўзгаришга учради замон,
Ҳатто аёлларда мардлик намоён.
Шундай кетаверса бола эмизмоқ
Эркак зотига ҳам бўлади осон.

260

Бу қавмни фалак султон дер экан,
Ҳузурида суринг юмшоқроқ сухан.
Мусо қўрқмаса ҳам ҳеч Фиръавндан,
Ҳақ сўзин етказар хўп одоб билан.

261

Дашту роғ ҳаваси қийнамиш бул кун,
Ё боғ савдосига дил бўлмиш тутқун.
Боғу роғда пароканда дилингни
Жамласанг топурсан фароғат мулкин.

262

Гадо либосида келдингиз, аммо
Асил маконингиз юксак ул само.
Меҳрибонлик қилинг бир-бирингизга,
Осмон эдингиз-ку, бўлманг зери по.

263

Шайху зоҳид ҳаддан ортиқ кўп бўлди,
Камолот вароғи риёга тўлди.
Зуҳду тақво эди инсонлик фахри,
Нодонлар дастидан шарм ила сўлди.

264

Бедил, бу уриниш то абад нима,
Бу ҳавасда айт-чи хубу бад[1] нима?
Қидириб-қидириб кетдилар кўплар,
Ҳеч кимга маълуммас ки мақсад нима?

265

Бу қавмки, бўлмиш мадрасага жам,
Биласанми қайдан бўлмиш мукаррам.
Эгар-тўқим лозим эшаклар учун,
Шуларни топмасдан бўлмишлар одам.

266

Агар қиёматга етолса йўлим,
Кўрардим жаннатнинг гулларин сўлим.
Дўзах оташининг бутун ёлқини
Арзирди бир бора чекмакка чилим.

267

Мардум аро кибру ҳасад кўп экан,
Билмоқ керак барин ким ҳадя этган.
Шайтон мурда эди, эътиқод аҳли
Шам ёқиб мозорин этдилар равшан.

268

Ибрат боғи жисми узра эрталаб
Очилмишди мотам гуллари юзлаб.
Аммо бу табассум ё ёқа йиртиш—
Эканин сўрашга ҳеч ким очмас лаб.

269

Бошимга тош тегди, оёғимга хор,
Юрак хун бўлди-ю, лабларимда зор.
Ҳайҳот, қайга борай, нималар қилай?
Сендан узоқда мен охир бўлдим хор.

---

[1] Хубу бад — яхши-ёмон.

270

Ишимиз ибрати раҳнамо қачон?
Дил нечун беҳуда уринар ҳарён?
Юринг, қайга элтар нафас мазҳаби,
Бу силсила қайда топажак поён?

271

Самимий сўзламоқ бўлди бой бирпас,
Дарвешликсиз кам-кўст ҳеч тўлиқ бўлмас.
Қорин тўлаликдан келур кекирик,
Меъда бўшаганда бир текис нафас.

272

Нафас хун бўлди-ю, лабда йўқ фарёд,
Муродга етмади бу дили ношод.
Умр мавҳум ўтди фаромушликда,
Ҳатто ўзимизни қилолмай кушод.

273

Бедил рубоиётин санъати бордир,
Ҳақу ноҳақ жаҳоннинг сурати бордир.
Баъзан қасру ҳурларга бўлур оина,
Баъзан кишан, занжирда ҳолати бордир.

274

На ёмонлик кўрдинг май, рубобдан, Бедил,
Тавба нечун истадинг меҳробдан, Бедил.
Раҳматимдан юмибсан умид кўзини,
Кўрқибсан-да, гуноҳу азобдан, Бедил.

275

Баланд-пастлар қўшилиб қолсалар агар,
Паст табиати ғолиб келар ҳар сафар.
Тоза сув тиндиролмас лойқа сувни ҳеч,
Лойқа сув тиниқни зумда лойқатар.

276

Кўп ўйин кўргазар бу чарх биноси,
Алвон-алвон издир чаманороси.
Гоҳ ёшлик, йигитлик, гоҳи қарилик...
Умр ўтару бордир хўп тамошоси.

277

Баъзилар келишар деб илму ҳунар,
Баъзилар келишар истаб симу зар.
Хаёл қасри ичра ҳавас нарвонин
Қай поясидалар, шунча олишар.

278

Баъзилар хаёлда толиби жаннат,
Букун ҳалок этар эртанги ишрат.
Табиатларида тамиз бўлмагач,
Бежо хаёлларга асир, беуят.

279

Баски дилим сенинг хаёлингга банд,
Ғам қаноти солмиш соясин ҳарчанд.
Ўлгач, тўзғиб кетса ҳамки, киприклар
Сендан умид узмас чанг бўлса гарчанд.

280

Борлиқнинг таҳлили нақд назар бўлур,
Шубҳа вайрону ҳақ муқаррар бўлур.
Али бундай қилди, Бубакр бундай...
Булар дин, афсона, эртаклар бўлур.

281

Дунё ибратидан дилда ғам бунёд,
Кошки бўлолсак бу ҳасратдан озод.
Ўлдик ҳеч қулоққа етмай оҳимиз.
Фарёд, бу бедаво ғашликдан фарёд.

282

Бир инсонман, дилим тинмас тепишдан,
Қондаги орзу деб тинмам чопишдан.
Шам каби бир жойда турганимда ҳам,
Йўлим ипи аниқ менга кўп ишдан.

283

Гар сатру сўз билан китоб хуш келур,
Ҳарифлар деса: «гул», «шароб», хуш келур.
Бодасиз не фойда фаромушликдан,
Афсона уйқуда савоб, хуш келур.

284

Сахийлик лофини урар бадавлат,
Шайх раҳнамоликни қилар қироат.
Бу боғ ичра бизлар бесамар гулмиз,
Биздан талаб айлар хушбўйлик фақат.

285

Ибрат кўзи бирла кўриб зебони,
Хунук нуқсон, камол, лафзу маънони,
Ғам асири кўриб марду донони,
«Малъун» деб кетишди ушбу дунёни.

286

Билки, тузалмоқчи бўлса ҳам олчоқ,
Макруҳлиги асти бўлмагай адоқ.
Ғусул, таҳоратдан унга не фойда,
Ит ҳўл бўлса тани яна ифлосроқ.

287

Бедилнинг бўлса ҳам кўз ёши равон,
Ҳар қадамига дил-жигари қурбон.
Алам моясидир ҳар бир жудолик,
Видо оҳангини жон сақлагай, жон.

288

Сенингсиз Бедилнинг надомати бор,
Ёлғиз бўлса ҳамки қаноати бор.
Ундай ҳосилдан ҳеч юборма, ё Раб,
Донасида зарра гар миннати бор.

289

Камол аҳли кетди, қадрдон йиғлар,
Ёд этиб файзларин бул замон йиғлар.
Сухандонлар кетди, аммо сўзларин
Мағзин чақиб қалам қора қон йиғлар.

290

Қай дил сезар ожиз тоқат навосин,
Қай ҳуш босар эртак-ибрат ҳавосин.
Кимга етар поймол қумурсқа доди,
Мурувват қўлидан топар давосин.

291

Баъзилар бенишон юртдан жар солди,
«Қайга?» «Қачон?» «Мен...», «Сен...» деб,
шошиб қолди.
Охири билдики, кетар йўқликка,
Уятдан кафанга беркиниб олди.

292

Алам каби босмишлар оқ сочлар бошда,
Ўлим сели бошимдан ошгудек қошда.
Эй нодон, иссиқ жонга умид боғлама,
Тафт бўларми кулдек қор босган оташда.

293

Фазлингдан ўзингга наф тегмаса агар,
Тиришганинг билан ҳеч қилмагай асар.
Кўзларинг оч каттароқ, ҳар томон ибрат,
Илдиздан чиқади-ку ҳар қандай самар.

294

Не келтирар бўлса сенга хижолат,
Ҳеч нарса қолдирма гар ўлим қисмат.
Агар пок, мард бўлсанг бола-чақангга
Мол-дунё қолдирма, қолдиргил исмат.

295

Бунда тикансиз гул топилмас зинҳор,
Ишрат хаёлидан чекма кўп озор.
Машаққатсиз бўлмас мардум ороми,
Бу ганж муҳрида, бил афъи илон бор.

296

Бу ичи қаролар бариси бир тан,
Ўлдилар наф кўрмай дилдаги нурдан.
Кафан ичра ётар гўё қурбондек,
Лекин фарқи йўқ кул босган кўмирдан.

297

Бир хил бўлур имдод, ҳақнинг зуҳури
Турлича тушунар одам шуури.
Ёқуту биллурда ранг истеъдоди,
Қуёш чашмасидан барисин нури.

298

Кимнинг дили топса оромдан хабар,
Киши суҳбатидан айлагай ҳазар.
Нафас тинмай кўнгил роҳати душвор,
Ип ўтсин деб кўксин тешдирди гавҳар.

299

Бедил сирли шеърин ўқи, яхши боқ,
«Бекорчи нукта кўп жуда йилтироқ»,
Деб мени айблама, олий бир вужуд
Инсонда ҳам бордир ҳиссиз мўй, тирноқ.

300

Инсон яралганда лаб, киприк пайдо —
Қилиб, сўз, кўз йўлин ёпибди қазо.
Заруратсиз очма кўзни ё лабни,
Буниси дил ваҳми, у бошга бало.

301

Ҳар ким ўз ризқини теришга тайёр,
Итта ит, харга хар бўлмас хизматкор.
Бу уят иш фақат одамларга хос,
Бор имкондан қилмиш шуни ихтиёр.

302

Ўз лойидан охир бўлсалар мулзам,
Рақиб давосидан ўзга қалқон кам.
Ҳарифи қаноти остига бошин
Яширар жангда лат еган хўроз ҳам.

303

Зоҳид, жаннат, ризвон савдосини қўй,
Куфр таънасин, имон даъвосини қўй.
Халққа эҳсон айла, худо назарда,
Мажҳул тоат — шайтон ғавғосини қўй.

304

Бошга ташвиш тушиб қилса бетоқат,
Қабр аҳлини бориб айла зиёрат.
Сенингдек серташвиш эди улар ҳам,
Охир тупроқ бўлди, ташвиш не ҳожат.

305

Сенга ором, бенишонлик бўлса манзур,
Фақирларга ошноликдан топгил ҳузур.
Димоғингда шуҳрат завқи бўлса пайдо,
Шоҳу амир ошнолиги бўлгай зарур.

306

Халқ ичинда сен золимлик номин олма,
Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма.
Очлигингдан ўлганда ҳам зинҳор, зинҳор,
Чумолининг оғзидаги донин олма.

307

Эй оҳим, дилимдан учдингми охир,
В-эй нолам, кўнгилдан кўчдингми охир?!
Кўзим хонасида тополмай тиним,
Кўз ёшим, тупроққа тушдингми охир?!

308

Серташвиш бу оламда жаҳд айла такрор,
Таъбингда қўполликдан қолмасин осор.
Бир-икки тош бўлса ҳам оёқ остида,
Тойдирар текис йўлдан, унутма зинҳор.

309

Жудо бўлган дўстлар топишиб такрор,
Қонли кўз ёшларин тийса ҳам як бор,
Аммо сирли дўстлик вафо мазмуни
Ҳижрон дамлари, деб йиғлашади зор.

310

Ҳасад гар билинмай кетмиш ногаҳон,
Барибир кишилар таъбида пинҳон.
Тупроқ остида ҳам қайнаб ётади:
Мўйлар бўлиб илон, суяклар чаён.

311

Иззат десанг, пастни йўлдош этмагин.
Жой танла улуғвор сояси тагин.
Дурга етолмассан ариқ сувидан,
Эй қатра, маҳкам тут дарё этагин.

312

Бедил, кимнинг ақли нимага қодир,
Фақат шунча ибрат олади охир.
Ғофил дили жаҳон ғамидан холи,
Уй қоронғи бўлса, кўрга барибир.

313

Дунё ишларидан бўлолсанг огоҳ,
Ранжима гоҳ иззат, хўрлик кўрсанг гоҳ.
Дунё иши худди паргор чизиғи,
Оёқ бош бўлару бош—оёқ, эвоҳ!

314

Бир табиб ёнига келиб бир инсон,
Демиш: «Қорним қур-қур қилади чунон.
Ҳазм бўлмайди ҳеч еган овқатим».
Деди: «Ҳазм қилиб, сўнг е-да, нодон».

315

Кўз ёшим ҳам кетди ожизлик сари,
Ҳеч жойга етмади томчилар бари.
Ипдан нари йўл йўқ тасбеҳ донага,
Ашким чиқолмади киприкдан нари.

316

Букун виқор аҳли беҳаё, бадкор,
Таъбига қолмади номусдан осор.
Шахмат тахтасидек ҳар тараф боқсанг,
Юз хона бор, бари бедару девор.

317

Ўзгарувчан олам, бунда кўп найранг,
Шавкатингдан билма бахтингни башанг.
Бунда пасту баланд тафовути йўқ,
Оёқ остдан чиқиб, бошга қўнар чанг.

318

Қилдим кўп имтиҳон, қарз ола кўрма,
Берсалар сенга жон, қарз ола кўрма.
Қарз адоси маҳол, очдан ўлсанг ўл,
Одамлардан бир нон, қарз ола кўрма.

319

Бедил, сол шикаста созингга қулоқ,
Ҳамда бекас дилинг томирин ушлаб боқ:
Бунда йиқилганлар бисёру бисёр,
Ўзингга раҳм айла, қўлинг тут ҳар чоқ.

320

Воиз, афсун билан дилга берма тоб,
Тоза майга бекор қўшма намакоб.
Мижозим тузалмас совуқ дамингдан,
Иссиқ шишага сен урма совуқ об.

321

Афсус, жаҳон ўзи моясиз, бул кун,
Карам пойдевори поясиз, бул кун.
Ҳиммат ҳам пастликка қараб созланган,
Барчанинг девори соясиз, бул кун.

322

Охир маҳв бўлурмиз, олам фусунсоз,
Оқ сочларда қолмас раънолигу ноз.
Оташ ибратгоҳи кул эмасми, кул,
Қанот сингач ерга кўмилур парвоз.

323

Эй қаср аҳли, кулба аҳлидан кулма,
Бахтинг ёш, чолларни масхара қилма.
Фиръавн нима кўрди охир Мусодан,
Эй бой, йўқсулларни нотавон билма.

324

Ўчмишдир мадраса чироғи, бул кун,
Қайнар бемаънилик булоғи, бул кун.
Беҳислик эшагин қоқмоқда мулло,
Кўп баланд нодонлик думоғи, бул кун.

325

Дилим чаман ичра хуррамдир, бул кун.
Жаннат акси кўзга малҳамдир, бул кун.
Бизнинг кошонага дилдор келадур,
Байрам, қара, қандай байрамдир, бул кун.

326

Токайгача бу ҳирс ўтида ёнмоқ,
Жонинг таҳликада, сен молга иноқ.
Пилигу хашакнинг ҳақиқатин кўр,
Икков ҳам оғочсиз ёнолмас узоқ.

327

Мен кетдим, даврада даврон жом ҳануз,
Бошларда ҳаво-ю ҳавас хом ҳануз.
Қулоқда тош теккан шишам жаранги,
Ўтган ҳаётимдан бўш пайғом ҳануз.

328

Нотавон ғубормен, мисоли нафас,
Фақат лофга бормен, мисоли нафас.
Баду нек заҳмати яғринимда юк,
Ситамдан абгормен, мисоли нафас.

329

Ишқу ҳавас водийсининг тунида, Бедил,
Ҳар кимсанинг шан мақсади бирор-бир манзил.
Маъзур тутинг, менинг йўлим сўз йўли бўлди,
Умрим ундан яхшироққа бўлмади мойил.

330

Киши то тамиздан ажралмаса гар,
Тилло-кумуш кайфи унга беасар.
Одамзод ҳамма вақт қўйганда хино,
Беҳис тирноқларга яхшироқ юқар.

331

Осмон худди найрангбознинг қўлида қафас,
Фақат ғофил қилур ундан тўғрилик ҳавас.
Афсун ила тўлиқ нақши — паргор чизиғи,
Қай бўлагин олиб боқма эгриликдур, бас.

332

Бу ноз оламидур, бунда ҳар бир кас
Бошқани тушунмас, ўзни билса бас.
Анқо маънисига етмайди чибин,
Анқо ҳам пашшага ҳеч яқинлашмас.

333

Байрам келиб, баҳор гул очди қат-қат,
Ишқу ҳавас билан қайнар табиат.
Қай тарафга кўзим очиб боқмайин,
Айланишар сенинг бошингдан фақат.

334

Эй ақлим қўли, сўз деб бало ёзма,
Ҳақиқатсиз бирор-бир наво ёзма.
Агар ҳақшунослик бўлса таъбингда,
Ёркин куёш номин қоп-қаро ёзма.

335

Эй жаҳолат бандаси, турмуши ғафлат,
Камолотдан кўп узоқ ва ноқис фитрат.
Бир умр боқийликдан бемаъни баҳсинг,
Насабномангни энди қилма қироат.

336

Майда ташвишдан кеч, бўлсанг баркамол,
Ақл салладамас, бу фикрдан қол.
Одамликдан бир мўй бўлса кифоят,
Айиқдек бош-оёқ бўлмагил соқол.

337

Эътибор оламида шоҳми ё дарвеш,
Ишлари эҳтиётлик деворин қуриш.
Тадбирсизлар доимо офатга нишон,
Тошга бош урар кимда бўлмаса эс-ҳуш.

338

Сирлар оламида дарвеш, бадавлат,
Қидирмоқчи бўлди қайда ҳақиқат,
Неча вақт ёлқиндек қанот қоқди-ю,
Кул бўлиб нафаси ўчди оқибат.

339

Ўзинг-чун май хумидек қайна ҳамиша,
Ўзгаларга хомушлик айлагил пеша.
Зарар кўрмайин десанг баду нек сўздан,
Қулоқда тиқинли бўл мисоли шиша.

340

Мени доғ айлади борлиқ дард ғаши,
Умр иссиқ-совуғин айқаш-уйқаши.
Субҳи азал чекдим танг дилдан бир оҳ,
Ҳануз ўчмас ўшал оҳим оташи.

341

Эй ҳаёт мазмунини излаган одам,
Ҳар бир китоб сатрин дилга айлама малҳам.
Бедил «Рубоиёт»ин сайр эт, топурсан
Дарду ибрат, тасаввуф, умр тадқиқин ҳам.

342

Ҳинд марказида то хатти Мултон,
Ҳам Ироқдан тортиб то Язду Кошон,
Қай бир шаҳарники, кўриб ўтмадим,
Аввал кўз кўргани—қаро гўристон.

343

Шоҳми, дарвешми бу жаҳон аҳбоби,
Ҳар бирин орзуси—кўнгил сароби.
Искандар истади оби ҳаёт, лек
Топгани оина ва чашма оби.

344

Шоҳу дарвеш тўлиқ бу зери осмон,
Бир ёқда бойлигу фақирлик бир ён.
Қанчалик баландга кўтарилмасин,
У қасрда бўлмас иккита нарвон.

345

Юз шукрки, турли дину турлича миллат —
Одамлари учраганда кўрсатдим ҳурмат.
Соя каби ҳар тарафга бўлсам-да равон,
Йўл озиғим кишиларга бўлди муҳаббат.

346

Ул нусхаки, бошдан-оёқ пурмаъно,
Ҳар хатда нуқталар бирлиги пайдо.
Кўпчилик бирлашиб азим халқ бўлур,
Денгизда саноқсиз томчи муҳайё.

347

Ўз билимсизлигин билсин, деб Оллоҳ,
Юз ҳунарга дилинг айлади ҳамроҳ.
Игна каби юз хил кийимдан ўтсанг,
Яланғочлигингдан бўлурсан огоҳ.

348

Эй ақл, жаҳлга сен боб бўлмагил,
Мол-дунё йиғишга асбоб бўлмагил.
Илдизинг булутдан сероб чоғида,
Сув марказига интил, ҳубоб бўлмагил.

349

Золим устидаги шоҳи, бахмали
Беркита олмайди таъби дағалин.
Синовдан жуда кўп ўтганки шамшир
Уста қўлин кесар сайқал маҳали.

350

Сургалмоқ бўларкан қай ишга йўлдош,
Тартибга солажак сабр ила бардош.
Бино қуриш фикри гул очар экан,
Меъмор қалбин босар аввалги зил тош.

351

Шоҳликдан, бойликдан айлама сўроқ,
Дунё машмашаси қалбида булоқ.
То бошдан кулоҳин учирмаса ел,
Шамдек оташ ичра ул бошдан-оёқ.

352

Бедил, ваҳшатнок дил сочмоқда шарар,
Саргузаштим айтсам денгизга агар,
Балиқлар танаси чўғдек қизигай,
Тангаси ўт тушган қоғоздек ёнар.

353

Эй олам ҳолидан бехабар одам,
Баланд мартабангдан керилма ҳар дам.
Бошинг узра соя солган бу девор,
Эртага топталиб топади барҳам.

354

Ақл мушти ичра калит бор, бироқ
Ўз мушкулларин у ечмоқдин йироқ.
Ҳайронлик енгади бунда тадбирни,
Ўз бармоқ тугунин ечолмас тирноқ.

355

Баъзилар бу дунёда ўзидан масрур,
Таъби ҳавасидан рози-ю мағрур.
Бекор кўтармадик биз ҳам бошимиз,
Фахримиз мояси биздан узоқдур.

356

То чарх айланмоққа бермаса барҳам,
Таъсири тўхталиб қолмағай бир дам.
Жим ётган тошлар ҳам айланур лаълга,
Доим ишдадур тинч кўринган тош ҳам.

357

Бировга бир нарса айласанг эҳсон,
Номини тилингга олмагил осон.
Ул нарсанинг номин тилингга олсанг,
Инъомингни қайтиб олгандан ёмон.

358

Бедил, бандаликда ўйна басма-бас,
Кишиларга қайиш то сўнгги нафас.
Табиатингда бу ожизлик билан,
Худо бўлолмайсан, Одам бўлсанг бас.

359

Бедил, гум бўлганмен пайдолиғимдан,
Куйганман жунуну шайдолиғимдан,
Демаким оҳ-нолам яктолиғимдан.
Йиғлайдурман ҳамон танҳолиғимдан.

360

Яхши кийим-бошинг қилма писанда,
Бўлма фақат томоқ, қорингa банда.
Сенга ўқталмасин барча бармоғи,
Зулм-ку бу шуҳрат, бўлма шарманда.

361

Мард касбу корига бўлса ахлоқ ёр,
Қиндан тиғ чиқармоқ унинг учун ор.
Табассум билан иш топса саранжом,
Тириштира кўрма пешонанг зинҳор.

362

Чанг кўтарган-чун ер босилиб ётар,
Уят, гар димоғинг осмонга етар.
Таъбинг қабул этмас хаёлда борин,
Бу пуч хаёлда на ҳалво, на шакар.

363

Кимдаки дағал феъл бўлмиш намоён,
Билимдон бўлса ҳам, нафратга нишон.
Оламни забт этар гўзаллик, билсанг,
Ахлоқий ҳусндир, шуни де ҳар он.

364

Умринг тўла ҳарён ғараз найранги,
Яхши, ёмони ҳам шу ғараз жанги.
«Куфру дин» деган сўз маъносин чақсанг,
Барча созин куйи ғараз оҳанги.

365

Бедил, бу не ҳарфлару не нуқта изи,
Мутлақ маъни бўлмаса, чирик илдизи.
«У-бу» деб ўйлайвериш дилинг тирнайди,
Хатосиз бўлмас экан ҳеч варақ юзи.

366

Хумор тонгги шароб неъматидан шод,
Зоҳид таяммуму таҳоратдан шод.
Баъзилар изланиш завқидан хурсанд.
Бедил орзулари ғоратидан шод.

367

Бедил, қара, қанчалик куйган бу жон мисли шам,
Куймак шавқида қанот қоқдим ҳар ён мисли шам.
Бунда ўзимни кўриб, тинмай ёш оқизмоққа
Устухон ичра кўзим бўлмиш пинҳон мисли шам.

368

Ким бўлса ҳасадчи, юраги қаро,
Кўрмас яхшиларга яхшилик раво.
Ҳумо ҳолини танг кўрмоқ қасдида
Қарға устухонни кўмар хок аро.

369

Дайру Каъба қайда деб бунда ҳалок
Баъзилар жонидан кечишар бебок.
Ҳар ким пайдо қилди чидам бойлигин,
Бошин тошга уриб, охир бўлди хок.

370

Бедил, имкон боғидан истама роҳат,
Сарву суман оёғи лойдан омонат.
Ҳам лоласи қўлида хун тўла қадаҳ,
Ҳам ғунчаси бағрида алами қат-қат.

371

Ул бадмаст санамнинг ишқида кўнгил,
Ғамин кўтаролмай бўлди-ку чил-чил.
Бир умр ўлтирдик вафо базмида,
Унинг қўлида жом, бизникида дил.

372

Янги ойни томдан қилай истиқбол,
Деб томга чиқди ул баҳори иқбол.
Ҳуони тобонидан шарманда бўлиб,
Қуёш ботиб кетди, хам бўлди ҳилол.

373

Дунё айшин малоли бордур бағрида,
Шўхликнинг бир ишколи бордур бағрида,
Бўлма ғофил хино ранг ҳақиқатидан,
Бул оташнинг зўғоли[1] бордур бағрида.

374

Мансаб, бойлик ғамига тўлиб-тошса дил,
Фақир нотавонларга хизматда бўлгил.
Сенга қиммат бўлган у дурри ятим
Қум ила бир ётар, кезиб боқ соҳил.

375

Умр ўтган жойимиз Каъба, бутхона,
Баъзан обод шаҳар, баъзан вайрона.
Жиннилик тугайди киприк юмилгач,
Ахир минг гажакка урдик бир шона.

376

Гоҳ кумуш-тилло деб, илтижо овоз,
Гоҳи гул, шароб деб ҳаваса пардоз.
Тупроқдан чиқиб, то тупроқ бўлгунча
Тупроқда юз найранг қиламиз оғоз.

377

Мактабда юз сабоқ биз гоҳо кўрдик,
Ҳам яхши-ёмону банд зебо кўрдик.
Охир ҳайрат қилди саводни равшан,
«Оина» ёздик-да, тамошо кўрдик.

---

[1] З ў ғ о л и — кўмир.

378

Майпарастлар сирига маҳрам бўлганим замон,
Куфру дин занжиридан озод бўлдим мен осон.
Идиш рангин олувчи майдек бўлдим яланғоч,
Ҳамсуҳбатларга мойил, майли яхшими, ёмон.

379

Ҳавас ҳам баъзида аттангдан чиқмас,
Барча оина ҳам чанг, зангдан чиқмас.
Ҳар дил ишқ кайфидан хабар беролмас,
Бундай шуъла ҳечам харсангдан чиқмас.

380

Гуллаб турган боғ ҳам ер хазон ғамин,
Шам нур соча тортар куймоқ аламин.
Эътибор гулшани офатсиз эмас,
Бедил, яша кўрмай ҳеч ўлим дамин.

381

Гарчи ақл билан минг маҳфил равшан,
Комил савод топмоқ кўп мушкул, равшан.
Ишқ ёлқини агар бўлса манқалда,
Минг кўзни қиладир битта дил равшан.

382

Қўлингдан чиқса ҳам неъмату матлаб,
Ҳасисдек дод солма, саховат тилаб.
Бу қавмда кумушу зар бўла туриб,
Дод, ҳасрат ила жон бермоғи ажаб.

383

Токай бу олам ё илоҳи ғами,
Қачонгача оқу қора алами.
Қай рангда бўлса ҳам хушвақт бўл бул кун,
Эй борлиқ-йўқликнинг гумроҳ одами.

384

Токай чопиш, эй шўри қиёмат, ўтир,
Қачон тинасан, бир дам эт роҳат, ўтир,
Оёғингга санчилган тикан дейдики:
«Эй беҳуда ҳаракат, бир соат ўтир».

385

Токай паришонлик суради калом,
Ҳавас дарсимизга жавоб нотамом.
Дониш лофи ғафлат оромин бузди,
Сафсата уйқумиз айлади ҳаром.

386

Хулосасиз мендан асло сўз очма,
Шикоят туморим ўзгага ечма.
Номим кўтарилсин ёдингдан, майли,
Ёд этиб, бош оғриқ уруғин сочма.

387

Эй тез пишар мева, бир дам эскирма,
Янгиланиш ўзи карам, эскирма.
Яшнаб турган боғсан, тиканзор эмас,
Эй сен, янги маъно, ҳечам эскирма.

388

Создан овоз чиқмас тегмаса мизроб,
Ишга дур тегилмас берилмаса тоб.
Фонус ё шам бўлмоқ эмасдур осон,
Қонга айланмайин ёқут бўлмас об.

389

Дарё суви боши асли жўйи[1] дил,
Саҳро ғуборининг жойи куйи дил.
Бу тўнган қон қачон ҳушга киради,
Ҳатто Бедилдан ҳам келур бўйи дил.

---

[1] Жўй — ариқча.

390

Ҳар ўрмоннинг бўлса ўз арслони,
Ўз наҳанги макон этса дарёни.
Таслим бўлган бошда қилич ўйнатма,
Эгилган камоннинг бор тир-паррони.

391

То киши лаъл каби дилхун бўлмагай,
Вафо мулкида нархи афзун бўлмагай.
Табиатда ҳар тош ёқут бўлолмас,
Ҳар қатра сув дурри макнун бўлмагай.

392

Бадавлатдан умид қилмагил осон,
Катталикдан ўзга либоси гумдон.
Булардан ҳимоя орзуси пучдир,
Соя бермас томи кўк ўпар айвон.

393

Ўзгалар ҳақида ёмон сўз сўзлаш,
Ҳасад жиловини тутмоқни кўзлаш.
Оғзингга тош сенинг, эй оташзабон,
Бенаво уйига ташлама оташ.

394

Иншо ҳавас қилма, аё пуч одам,
Гоҳ мирзо бўлсанг, гоҳ султони аъзам.
Бир зумлик умрингда қолма уятга,
Эрта не бўлурсан, шу бўл бугун ҳам.

395

Сабабсиз фироқдасен, висол кун аксар,
Маъно кайфидан йироқ, қўлингда соғар.
Ҳам қуёш ҳақиқату ҳам хок зарраси,
Маъзур тутайлик кўзинг кўр бўлса агар.

396

Жунуним созию учқур ҳайъатим[1],
Ошуфта айлади олти жиҳатим.
Оташ кўрган мўйдан қилсин қаламин
Рассом агар чизмоқ бўлса суратим.

397

Эй ашким, дўст кўчасига топа бил йўл,
Эй кўз, нигоҳ ташласанг-чи, ҳасратинг мўл.
Алиф қомат эсга тушса, сийнам оҳи,
Сен ҳам тикка чиқиб кўкка, алифдек бўл.

398

Кеча йўлда кўрдим кўзгу парчаси фаранг,
Ишқ дардида чил-чил ойнинг акси бу, аттанг.
Унинг наво пардасидан чиқадир овоз,
«Эй худбинлар, мен томонга бир бора қаранг!»

399

Мард бўлсанг, ваҳима йўлини қувма,
Кўзгудаги гулнинг исини туйма.
Бунда қанча эртак жам бўлиб ётур,
Кўринмаган сувга қўлингни ювма.

400

Бу мукофот мулкин паст-баланди бор,
Тажриба қилмишлар донолар бисёр.
Дерлар қудрат чоғинг ҳеч кимга зулм —
Қилма, заифликда кўрмайсан озор.

401

Қўлдан кетганинки қайтармоқ осон —
Эмас экан, чекма дўст миннатин, жон.
Адолат чидами камайганда ҳам
Зинҳор қабул этма бировдан эҳсон.

---

[1] Ҳ а й ъ а т и м — киши фолини мунажжимлар айтиб берадиган юлдузлар туркуми.

402

Бедил, оламда бор яхши, ёмон деб,
Миллату мазҳабдан тилга берма зеб.
То қиёмат маълум бўлиб туради
Тухминг шунда ўсиб, топганинг тартиб.

403

Ожизни эзмоққа золими иркит
Қонли либос кияр бир қонхўр тахлит.
Тош юракка даҳшат бўлсин шиоринг,
Қизиган темирни темир-ла ирғит.

404

Турар жойинг Совий ва ёки Ганжа,
Таваккалдан берма ўзингга ранжа.
Панд ема, сабабсиз бўлмагай ҳеч иш,
Тирноқсиз бир тугун ечолмас панжа.

405

Эй хожа, таскин топ дил бўлса ношод,
Ўз ор-номусингдан сўрагил имдод.
Ходимингдан ўтган бўлса хатолик,
Собиқ хизматларин ёд айлагил, ёд.

406

Бедил, ёвга камтар, бенишон бўлма.
Ўқ-найза бўлмасанг ҳам, камон бўлма.
Ожизларни топташ бу олам иши,
Бу майдонда зинҳор нотавон бўлма!

407

Шайх бўлсанг ҳеч кимга сен ҳукм қилма,
Одоб сарриштасин асло гум қилма.
Халқ ҳузурига бор тўғри ва ҳалол,
Терс борма, соқолни мисли дум қилма.

408

Эй, тоғсабот, лоф сўз, беимон бўлма,
Хотиржам қил кўнглинг, паришон бўлма.
Ақлинг отганича билиб олавер,
Фаҳминг нуқсонидан пушаймон бўлма.

409

Ишқинг имтиҳони афсундир, афсун,
Телбалик ғуборин таратар Мажнун.
Кулда ўт яллиғи сезилмас, аммо,
Сув урсанг ундан ҳам чиқадир тутун.

410

Борлиқнинг бунёди бемадор нафас,
Ҳаёт кўринса-да эътибор нафас.
Саҳар шабодасин шамолга ёзсанг,
Бу китобга ҳам ип ҳамда тор нафас.

411

Токай қизитайин бозори ҳасрат,
Токай афсона-ю озори ҳасрат?!
Кошкийди бу ғамдан сув бўлолсам, сув,
Пойингга тўкилса не бори ҳасрат.

412

Ҳамкорлик топмади фалак, осмондан,
Либос киёлмадим амну омондан.
Эй дон, сен рози бўл, қутулолмайсан —
Ун бўлиб янчилмай бул тегирмондан.

413

Мажнун ишқда куймиш аввалида ҳам,
Сози куяр нола-нағма қилган дам.
Ишқ лофини уриб яшамоқ хато,
Қанот куйса, учиш куядир боҳам.

414

Оёқларинг нақши икки кўзимиз,
Келишингга муштоқ бунда ўзимиз.
Кўзимиздан кетдинг мисоли нигоҳ,
Аммо бўшамади сендан кўзимиз.

415

Ишқ йўлига кирса оқилу мажнун,
Бутхона, мачитда чалишар қонун[1].
У дунёда пинҳон ишқ ва улуғлик,
Бунда ҳатто тошдан чиқарар учқун.

416

Эзилган ҳар тупроқ сирлар макони,
Тўзғиб тушган ҳар пат учиш баёни.
Боғ қизил, сариғин инкор этмагил,
Ҳар баргу ҳар кўкат рангу ноз кони.

417

Ғазабдан огоҳлик ўтмасдир сенда,
Адоватдан ростлик бутмасдир сенда.
Қилмишинг ўзингга келтирар бало,
Сўзингдан хунуклик кетмасдир сенда.

418

Ориф заҳмат тортиб юрмас қарасанг:
«Бу не жилвасозу, унда қандай ранг?»
Ҳар дарахт меваси, ҳар гул ранги бор,
Ҳаёт нималигин агарда билсанг.

419

Молдорларга қара, фикрлари хом,
Кибру ғурурлари ўзларига дом.
Бундай тошбағирлар узук кўзига
Манглай ажинидай ёздирибди ном.

---

[1] Қ о н у н — чолғу асбоби.

420

Мумсик нону сувин тергайди тежаб,
Аммо ошиёни бузилар ажаб.
Кўзларин ёғ босиб, юмилса майли,
Тўймайди тўплаган молига қараб.

421

Май косаси эмас, чашми фаттонинг,
Май сенинг нигоҳинг, оби ҳайвонинг.
Майхона эшигу, девору хуми —
Кипригинг сояси, қора мужгонинг.

422

Зоҳид майхонадан истаб ҳақиқат,
Тасбиҳдан ҳам кечди, қолди май фақат.
Соқолу ёлу дум, саллани демас,
Охир инсон бўлди бу эшаксифат.

423

Бул кун насими дилдорим келур,
Бўйи гули кўп интизорим келур,
Вақтида олайин жилвасидан ранг,
Кўзгудек кўрсатай, баҳорим келур.

424

Бедил, бунда шоир-сухандон кўпдир,
Биз каму бегона ношоён кўпдир.
Биздан эшитгилу, биздан ибрат ол,
Маддоҳлик ғурури минг чандон кўпдир.

425

Ваҳм мажлисида йўқдир маъноси,
Кимнинг кўнглида гар илм даъвоси.
Маст девона урди кўзасин тошга,
Бошда ҳам қолмади шароб савдоси.

426

Сўз лутфин туёлмас ҳар қандай қулоқ,
Дилимдан ўтказай сезсин ёр шу чоқ.
Булбулдек нолам бир гулга аталган,
Аммо уни тинглар боғ бошдан-оёқ.

427

Иттифоқ бўлса бир-бирига йўлдош,
Адашмай боришар мағрур тутиб бош.
Қайда иттифоқлик топадир завол,
Теп-текис йўлда ҳам пайдо бўлур тош.

428

Ҳиммат камарини боғласа фақир,
Юз айбу нафс итин боғлагай занжир.
Манманлик эшигин беркитар эҳсон,
Бахил табиати бўлади дилгир.

429

Муҳаббат ўрнини босса гар шаҳват,
Ҳавасга айланса гар ишқий суҳбат,
Минг ҳайфдир хашакка интилса оташ,
Жаҳон бойлигидан не олур ҳиммат.

430

То сўз қолипига тушгунча мазмун,
Уни ўйлайвериб дилинг бўлур хун.
Дилга тугун солар юзлаб сакталик
То нола мисраси бўлгунча мавзун.

431

Инсон хаёлидан йиғламайдими?!
Юксак камолидан йиғламайдими?!
Гардун бир дам кўрса ўзин тупроқда,
Айтинг, бу ҳолидан йиғламайдими?!

432

Бунда ҳақиқатдан нишон кўрмайсан,
Ишқда ҳавас, шавқни осон кўрмайсан.
Тупроқ ойна эмас, қанча нур сочма,
Соя кўрасену инсон кўрмайсан.

433

Бедилнинг на кулфат, на ранжи бордир,
Хурсандлик таъбида гул, чанги бордир.
Эрта саҳар барбод этсалар хокин,
Ҳусни ҳангомасин нимранги бордир.

434

Ким ўз мақтовида очар экан лаб,
Кўзларим кўрсатар бизга сурмалаб.
Букун оёғимиз остидаги қум
Кеча оғизларда хўп чайналган гап.

435

Мазах, вақиллашдан тоқ бўлсин юрак,
Ҳар сўзинг арзанда бўлмоғи керак.
Одоб бисотимас масхарабозлик,
Ҳар гал оғзинг очсанг кулги бўлажак.

436

Фуқародан хабар олмас бой олчоқ,
Кибридан кўзига кўринмас оёқ.
Ғурурдан шунчалар кўтарар бошин,
Ҳадемай бўйнидан ҳам кетар узоқ.

437

Кишилар юмганми кўнгил кўзини,
Киприклар очиғу туймас ўзини.
Кўп ҳақ гап айтилди, Бедил ҳам айтди,
Лек тушунмадилар унинг сўзини.

438

Сўз айтмоққа оғзин очса гар ёр,
Масиҳ нафасида ажойиб бўй бор.
Қалампир мунчоқдир ё мушки Хўтан,
Ё атир уфурмиш райҳону гулзор.

439

Мозорим уятли, бепарво ўтма,
Нечук ҳалок бўлдим, бенаво ўтма.
Хижолатдан терлаб ўтди бор умрим,
Мард бўлсанг хокимдан мосуво ўтма.

440

Завқсиз, лаззатсиздир тоатларимиз,
Кекирдак қайғуси рағбатларимиз.
Кеч — емак қистоғи, кундуз — очу ланж —
Шудир рўза куни ҳимматларимиз.

441

Зоҳид кеккайишдан шунчалар қотган,
Дўзах ҳам эритиш эвин йўқотган.
Чайналган чала гўшт, тухум сингари,
Ўтга тушганда ҳам музлаган, қотган.

ДОСТОН

КОМДЕ ВА МУДАН

Моҳир куйчи, жозибали зўр чангда
Қўшиқ куйлар ўзгача бир оҳангда:
Ҳинд элида бўлган эди бир подшоҳ,
Гул узукли, кийган чамандек кулоҳ;
Базму шавқдан мулки ҳаддан ошганди,
Гулшан каби гуркураб у, тошганди;
Баҳордай кенг қулоч ёзиб ҳашамат,
Дабдабага юз тутганди салтанат;
Кайфу сафо, бўлиб даври, айёми,
Ою йилдек айланарди май жоми;
Унинг куни — нозанинлар висоли,
Оқшомидир қорасочлар мисоли.
Саройида яшар эди дилнавоз,
Комде номли бир раққоса сарвиноз.
Шўхлигига юз қиёмат бир ғубор,
Гул ҳуснига ўхшамайди юз баҳор.
Рақс этганда жилва билан у барно,
Мажнун гирдин товус айланар гўё.
Жом майидек енгил кўчар даврада,
Пиёладай айланарди ўртада.
Жом чизиғи рашкдан қондай ёнарди,
Май шуъласи бир ялт этиб, сўнарди.
Рақсга тушиб, қош чимириб этса ноз,
Чанг торига беркинарди куй — овоз;
Бармоғи-ла гар ишора этса у,
Чолғу куйи эриб, бўлар эди сув;
У жазм этиб гар бошласа рақс — ўйин
Ҳамма жойда қўзғарди фитна — қуюн;
Сарвинознинг шаҳло кўзин боқиши,
Жон олғувчи — оламга ўт ёқиши;

Ўйнаб бошин эгганида белига,
Дил тўлқини айланар оҳ селига...
Шўх юзлари терлаганда ярақлаб,
Гўё юзлаб юлдуз чиқар чарақлаб;
Қўшиқлари учса агар ҳар ёнга,
Сўнган умр қайтар эди жаҳонга.
Хулоса, у, гўзалликда ҳур эди,
Икки олам кўрса мафтун бўлурди!
Усиз подшоҳ базми ҳузур топмасди,
Усиз юз минг чироқ-ла нур топмасди.
Худди шундай бошқа узоқ ватанда,
Бор эди бир Мудан отлик созанда.
Нашъу намо чашмаси у, завққа ёр,
Фазлу ҳунар топган ундан ифтихор.
Машқ-у созда илми эди баркамол,
Ойда доғ бор, лек созида йўқ завол;
Авжга чиқса дилни мафтун этарди,
Еру кўкни остин-устун этарди...
Қаердаки у куйласа ҳар қачон,
Тирик ўлиб, тириларди ўлик жон.
Соз-санъатда шундай моҳир бўлса ҳам,
Яшар эди Комде дея дам-бадам.
Ҳунар аҳли суҳбатида ҳар сафар
Эшитарди Комде ҳақида хабар,
Куйлаб дарак пардасининг навосин
Нохун йиғлар тордан топмай давосин.
Гапу сўзнинг либосида жилвалар,
Қулоқ кўрар, аммо ҳайрон дийдалар;
Не эшитса у шўх ҳақида ҳар бор,
Ҳушдан кетиб қолар эди санъаткор.
Дил тортарди у юртга ҳар заҳоти,
Учай деса лек йўқ эди қаноти.
Учган каби худди оҳанг-куй тордан,
Йўлга чиқар, дарак излаб дилдордан,
Девоналик қисмат бўлди бошига,
Дарбадарлик чорлаб келди қошига;

Кўз ёшидай тинимсизу дарбадар,
Дил ўтидан қулоч очиб, йўл кезар.
Ҳушин олган у шаҳарга етгунча,
Тортмади у йўлда азоб озмунча...

* * *

Базму шодлик қаламкаши бу замон,
Қалам найин созлаб этди у баён.
Етганида Мудан ўшал ватанга,
Мужда келди баҳордан боғ-чаманга.
Авжга кирса токи созин жаранги,
Қулоқ куйин берди оёқ оҳанги...
Тонг ортидан ёйилгандай худди нур,
Ҳамма жойда эди ҳар доим машҳур.
Қаергаки етса агар навбаҳор,
У ер бўлар сеп кийиниб, чаманзор.
У диёрдан ғам кетказди қадами,
Кутди уни ҳар томонда завқ дами.
Комде Мудан келишини билган он,
Қанот ёзиб, қайта урди шод жавлон.
Лекин шоҳнинг рухсатисиз кетолмас,
Иложи йўқ, ёр васлига етолмас.
Илму фаннинг устодлари ниҳоят
У куйчидан етказдилар башорат.
Шоҳ базмига у куйчини исташди,
Юз оҳанг-ла сўзлаб шоҳни қисташди:
«Жаннат янглиғ ажиб, узоқ гулшандан
Жой сўроқлаб бу ишратгоҳ чамандан,
Учиб келиб бунда қўнибдир булбул.
Завқу шавқ-ла сиздан сўрабди қабул;
Ўйин-кулги аҳли ундан шод бўлғай,
Шодлик уйи у билан обод бўлғай;
Ҳар ён учса фусункорнинг овози,
Бошланарди фалак чархин парвози,
Навосидан соз куйлари қолар танг,
Зуҳра юлдуз чилдирмаси ҳам гаранг...

Эшитилса таронаси ҳар қачон
Сур[1] сурмадек эрир ундан бегумон,
Куйига ҳар парда бўлғай маҳлиё,
Ҳар соз авжи туюларди паст гўё...
Гар Комдега кимки келса тенг-ҳариф,
Шу мисра-ла тугар эди бу радиф...
Оҳ ким бу табъ фикр баён этолмас,
Бу ўхшатиш тавсифига етолмас».
Уни мақтаб, оширдилар шуҳратин,
Қўзғатдилар кўришга шоҳ рағбатин...
Қисқа бўлди шу чоқ кутиш фурсати,
Тиғиз келиб бўлмади вақт муҳлати:
Гул базминнинг изми билан бирйўла,
Ҳар қулоққа келтирди у ғулғула...
Ҳашаматли шоҳ фармони тарқалди,
Куй қўшилиб шароб билан чайқалди,
Бўлди базмнинг асбоблари муҳайё,
Авжга кирди айшу ишрат, кайф-сафо.
Базм бошлиғи неки бўлса, ясатди,
Дастурхонни қадаҳлар-ла, безатди,
Бехудликка гўё макондир Ҳалаб...[2]
Ўша жойга келди у шишаталаб,
Юз соз бўлди бир завқ-ором қурбони,
Юз майхона бўлди бир жом қурбони,
Хирмон бўлди тўпланиб гул хиллари,
Чаманзорга адашди ранг йўллари.
Шам, чироқдан порлаб ёнар ҳаммаёқ.
Қуёш юзин тутди гўё парда — доғ...
Нурга чўмди замон зулмати шу дам,
Равшанликка шундай бурканди олам...
Келишди базм соқилари, шод мардум,
Қўлларда май, лабда ҳаё, табассум.
Созандалар нохунларин чертганда,

---

[1] Сур — шохдан ишланган карнай; [2] Ҳалаб шаҳри қадим монларда шиша идишлар ясашда машҳур бўлган. Бу мисрада фикр кўзда тутилади.

Тўлқин кўчар қитиқланиб ҳар танда.
Ўғирларди ҳушни шиша қулқули,
Қулоқни кар этар чангнинг куй — йўли,
Базму шароб авжи ошди шу қадар
Кайфу сафо келди кўкка баравар.
Беҳушлар шарм пардасини йиртдилар,
Соялар кун жомини беркитдилар...
Май ранглари қадаҳларда мавж урди,
Кайф нашъаси бошни чулғаб, кўпирди...
Кайфу сафо сустлик кўрсатса бир дам,
Шиша хати уни ушларди маҳкам.
Май — ичкилик қайнаб тошди ҳаддидан,
Фалак хуми тўлқин отди қалбидан.
Бир олам май қадаҳларда қалқиди.
Най хатлари чақнаб, кундай балқиди...
Соз оҳанги май мавжи-ла жўш уриб
Ип тобидай сингиб кетди кўшилиб.

* * *

Базм — йиғинга берганида шоҳ фармон,
Ҳамма кўрди ҳавас кўзгусин шу он,
Санъаткорлар айтмас завқдан ўзгани,
Соқийларнинг шодлик эди сузгани.
Ҳар тарафда майхўрликнинг мавжидан,
Ишрат дами ошди ҳалду авжидан.
Келди Комде ва Муданга шул замон
Маҳоратни кўрсатишга қулай он,
Токи бундай базм-суҳбатда бегумон
Завқу шавққа диллар тўлсин бу замон.
Ҳуш олувчи икки куйчидан шу чоқ,
Қулоқлар кўз бўлди, кўз эса қулоқ.
Ҳуш олувчи бу нағмалар не деюр?
Ва санъатда қандай сеҳр келтирур?
Кайф этгувчи илк пиёла шароб-май
Муданга шавқ ато этди бир талай.
Мана, чангга минглаб фитна ва ғавғо

Олиб келди жон олғувчи куй, наво.
Очилмаган паргор каби оёқлар
Чирмашиб, сўнг бир-бирини қучоқлар,
Қўл қўлтиққа ўғирлатди ўзини,
Кўрсатди бир алиф найдай юзини;
Йиғин қурган шоҳ яқини — пастроққа
Ҳурмат билан Мудан турди оёққа.
На лабидан учар қўшиқ жаранги,
На қалбидан кўчар нафас оҳанги...
Туриб қолди чурқ этмасдан у хиёл,
Шамдай қотиб, хомуш эди ва беҳол.
Нафас забтин тутиб ўзда бу аҳвол
Чуваларди парда каби ўй-хаёл.
Лек кишига бундан баҳра йўқ эди,
Хомушликнинг недур истак, умиди.
Ҳаддан ошиб бу ўй, унга қолмай тоб,
Чекар эди олам ундан изтироб.
Бўғилганди йиғилганлар нафаси,
Парчаланди орзуларин ҳаммаси.
Сабр косаси тўлиб, ваҳшатдир афзун,
Интизорлик тоқати бўлди мажнун,
Бошдан оёқ «ҳув» оҳига ўралди,
Дил тутуни чилвир сочдек буралди.
Ҳар тук ўрни найанбондек[1] очилди,
Куйлар янграб, минг товланиб сочилди.
Соз чаларда бутун аъзо бадани,
Янги олам эди ҳар куй-айтгани:
Ён-биқини куйлаб бўлди арғунун[2];
Тиззаларин вазияти чанг йўсун;
Сочин этди чанг торлари шу чоғи;
Уд[3] овозин тарқатди бош чаноғи,
Ҳар бўғини ажиб бир сас бўлганди,
Нафас сеҳри соз торига уланди...
Бўлди жоду лабдан учган ҳар кулгу
Юз чилдирма ҳалқасига рўбару.
Кетди кўздан безовталик ғавғоси,

---

[1] Найанбон — най ва чармдан ишланган кўп тешикли чолғу тури; [2] арғунун — чолғу асбоби, орган; [3] уд — чолғу асбоби, арфа.

Чалинганди форам танбур навоси...
Не пайтгача урди шундай мавж туғён,
Ҳар тарафдан кўзлар боқмоқда ҳайрон...
Тинглаб шуъла сочган у жоду куйни
Базм ловиллаб эритарди ҳар ўйни.
Йиғилганлар ҳуши тўзғиб, учарди,
Ҳол ўзгариб, жойидан ранг кўчарди.
Ҳар ким бунда ўзидан олд югурди,
Гар ўзига келса эриб — жим турди...
Ранг кетса-да, гарди таҳсин этарди,
Бехудликка завқ-офарин деярди.
Гарчи йиғин қизиб ҳаддан ошганди,
Комде эса ҳайронликда тошганди.
Шаҳло кўзин пирпираган ҳар нози
Эди бошдан айлантирган ниёзи,
Марҳаболи қоши ўйнаб, бўлиб хам
Бошдан-оёқ сажда қиларди шу дам.
Шоҳ бўйнига тақилганди бир инжу,
Эди дарё гавҳарларига обрў...
У гавҳарни ўз бўйнидан олиб шоҳ
Тақди унинг гарданига у ногоҳ...
Қаердаги жило берса санъати,
Кетар эди ҳамкор таъбин тоқати...
Бу қиёмат ҳолни кўриб оқибат,
Комдега шавқ ҳужум қилди ниҳоят,
Чеҳрасида ғунча яшнаб, очилди,
Дунё қадар севинч ундан сочилди.
Оламга дов солиб, чарақлаб кетди,
Ноз ўти яшиндек ярақлаб кетди.
Белини қиличдек букиб ногаҳон,
Юзлаб шайдоларин этди у қурбон.
Маст кўзлари қошин ишорасидан,
Оҳуларни чорлар дашт сийнасидан,
Лабларида ғунча бўлди табассум.
Тонгда япроқ ёзган гулдек у сўлим.
Рангли қўлин ўйнаб кўрсатса агар,
Хинога ранг кирар ундан муқаррар,
Гоҳо сувдек оқиб равон бўларди,
Гоҳ чарх уриб фалаксимон бўларди,

Бора-бора базму сози барқ урди,
Даврага ўт кетиб, оташ югурди;
Чиққанида авжга ўйин жавлони,
Туюларди гўё йўқ устухони.
Ақлу ором кетиб, йироқ бўларди,
Оёқ этак, этак оёқ бўларди...
Машъал эди, унинг шуъласи шу он
Жилва бериб парпирарди ҳар томон;
Турли-туман ишвалари соз эди,
Ҳар кимга бир ўзгача рақс, ноз эди;
Ишва билан қўл силтаса у агар,
Ҳар ким сезар гўё бўйнида чамбар;
Завқ шўхлиги авжга чиққач, ҳамоно,
Бўлар эди борлиғи ноз, дилрабо.
Ёркин эди йиғин ойинасимон,
Ундан бошқа бўлмас эди намоён,
Давра қурган ҳамма, яқину йироқ
Бўлган эди унинг асири шу чоқ...
Лек йиғинни остин-устун қилганди,
Ақл жомини тўлдириб хун қилганди,
Ҳамма эди ул сеҳридан бехабар,
Нималарга элтиб, нима келтирар?..
Мудан ўзин унутиб қўшиқ куйлар,
Оловдаги тақа каби ловиллар.
Сеҳрли куй подшоҳга кўп ёққанди,
Безакларин Муданга у таққанди,
Бошу оёқ фарқин билолмай Мудан,
Комде оёғига ирғитди бирдан:
«Ол, бу ифтихорим, ғурурим нақши —
Оёғингга безак бўлгани яхши!
Сен-чун бошни қўлга олиб турибман,
Лек тақдимга арзимас деб турибман».
Бу қилмишдан шоҳнинг ранги ўзгарди,
Лутф шабнами учқун бўлиб тўзарди,
Ғазаб тери лахча ўтдай қизарди.
Базм бузилиб, унда олов кезарди...
Шоҳ кеккайиб, ғурур, димоғ-ла шу он,
Берди уни қувиш ҳақида фармон:
«Буюк давлат шоҳин базмида бундай,

Ким оёғин бежо қўяр ўйламай?
Базм-ўйинни менсимаса ҳар киши,
Боши кетар, тиғга лойиқ қилмиши!
Шоҳ инъомин у билмади, оқибат —
Боши дорга лойиқ, — лекин марҳамат —
Бўлсин унга, тезда элдан ҳайдалсин!
Юртимизда ном-нишони қолмасин!
Бу беадаб телба куйчи, дарбадар,
Оёғини секин қўйса, у агар, —
Соқчи тиғ-ла йўл кўрсатсин, у маҳал —
Оёғидан боши чопсин тез, аввал.
Кимки уни ёқлаб, бўлса шафқатда,
Ўз бошини ўйлаб кўрсин албатта!
Унга биров афсусланиб, босса ён,
Нафасидан айрилади бегумон!»
Арзга журъат этмай тиллар лол эди,
Бўй эгишдан бошқа гап маҳол эди...
Базму шодлик сози барҳам этилди,
Ҳамма учун қочишга дам етилди.
Бир тўп соқчи етиб келишди шу он,
Жабрга тайёр, йўқдир шафқатдан нишон,
Ҳурмат жомин тўнтаришиб кетдилар,
Сўнг Муданни судраб, олиб кетдилар.
Замон базму куйларидан якбора
Боши узра синдирилди ноғора.
У бисотдан уни сўнган шам йўсин
Қуршаб олди зулмат уни худди тун.
Яшнаб келиб бундай сўлиб кетмоқлик,
Ор-номусдан ерга кириб кетмоқлик.
Судрар эди соқчи уни беомон.
Чанг зулфидай хокка булғаб ҳар томон.
Комде бўлса ҳар тарафга «Мудан» деб,
Ёш оқизиб, келар ортда судралиб.
Кўча-кўйлар кўксин очиб, берди йўл,
Севганига етиб олди шунда ул.
У золимлар оёғига тўкди ёш,
Қора сочин ёзиб, ерга қўйди бош:
«Жаҳон айши эрур давру жомингиз!
Неча замон бўлсин завқу комингиз!

Сўнгги нафас измидадир нажотим,
Шу бир кеча қолган менинг ҳаётим.
Саҳаргача ёнбошимда қолдиринг!
Тонгда ҳайдаб мен билан йўл олдиринг!
Менинг хатом солди уни бу куйга,
Муҳаббатим оташ ёқди кўнглига!
Менинг нозим олиб ақлу ҳушини,
Ўзи билмай қолди қилган ишини.
Агар нафас урилмаса чироққа,
Қайдан ахир бурканар у дуд-доғга?
Ҳусн айблидир, аммо муҳаббат озод,
Ширин ҳусни бўлмиш балойи Фарҳод!
Яшнатмаса оловини шамчироқ,
Парвонани куйдиради ким шу чоқ?
Гуноҳ мендан, унинг бошида ситам,
Кўз ёш тўкса, киприк бўлар жиққа нам.
Муҳлат бериб, айланг менга илтифот!
Шафқат қилиб, бир дам беринг сиз нажот!
Туннинг умри қисқа, ахир кўп эмас,
Тонг нафаси лаб очгунча кўп ўтмас.
Бу — ғам юртин ғариб саргардонидир.
Бу — ибрат чўлининг гард, тўзонидир.
Ёмонликдан агар қилсангиз ҳазар,
Бу ғарибдан қўл олғайсиз муқаррар...»
Уқубатдан асраш учун шу соат,
Олтин бериб кўндирди у ниҳоят.
Илтимосин айтди солиб куйга у,
Муҳлат олиб, сўнг келтирди уйга у.
Шам ёнди-ю, лекин нури бўлмади,
Аниқроғи, унинг қўри бўлмади...
Саҳаргача ёнса-да бу икки шам.
Дил куярди, шуъласи йўқ бўлса ҳам;
Тушганда ҳам юзларига ҳар нигоҳ,
Қуйиларди кўздан ҳасратли ёш, оҳ.
Қанот қоқса сўз қотишга гар нафас,
Варақларди рангсиз варақни бирпас...
Кўз меҳрида сўниб борарди нигоҳ,
Сурма эса қора бахтдан бир гувоҳ;
Кўтаргунча нола ташвиш ниқобин,

Дил тутуни кетказарди лаб тобин;
Дийдор кўриб юрак бўлди чоку чок,
Тун бўйи ёш оқди, кўз бўлди булоқ;
Ғам юртида висол қанот қоқарди,
Юз қайғули шомга ботиб оқарди.
Дийдор дами оғир туюлди бу дам
Ҳеч кимсага бундай туюлмас мотам...
Комде вафо қаноти-ла учарди,
Дилга янги оташ ёқиб кучарди,
У бечора, ожизликдан чекиб оҳ,
Хаста тилдан фарёд кўтарди ногоҳ.
«Эй, айём ғариби, ситамкаш букун!
Шодлик тонгин ўрнин олди қора тун!
Ғарибликда куйиб, кулфат чекарсен!
Танҳолик доғида ёлғиз кетарсен!
Мени деб ватандан топдинг жудолик,
Фалокат келтирди бу ошнолик!
Этагингни маҳкам тутмоғим керак,
Бу дунёдан сен деб ўтмоғим керак!
Вафодорман ишқ-севгингга, ёр, ишон,
Лек қўрқаман сенсиз бўлмай деб қурбон,
Подшоҳ мени яна излаб қолғуси,
Бошимга у янги ғавғо солғуси.
Бу истакка қўяр бўлсам мен қадам,
Сени қурбон этган бўлурман у дам.
Борлиғимдан чекар хижолат нафас,
Вафо қони учун товон тўланмас...
Ҳалок бўлсам, дийдор кўриш қайда бор?
Тирик қолсам, ҳаёт тилсим, жафокор!
Умидсизлик доғи дил қоним эрур,
Ўлик мен ё тирик гумоним эрур!
На сенга ноз этиш учун бор имкон,
На менга бор ёлворишга вақт-замон...
Лекин кетиб бардош умиди чангдан[1]
Ғубор бўлиб учарди бу оҳангдан.
Оҳ қайларга тушса йўлинг, сафаринг,
Нари кетмас, ёрим, дилдан назаринг!

---

[1] Чанг — бу ерда чангал, яъни қўл маъносида.

Гул васли-ла етар бўлсанг муродга!
Бахтим рангин унутмай ол сен ёдга!
Агар эсса чаман, гулзорга шамол,
Хушнуд бўлиб, шунда мени эсга ол!
«Бундан олдин мени шундай, эй дилдор
Қурбоним бор дея эслагин ҳар бор».
Жўшқин ариқ сувин тополсанг агар,
Ё булоққа етиб, бўлсанг баҳравар,
Аҳволимни кўриб турарсан унда.
«Кўз ёшим акс этар у сув — тўлқинда!»
Нима билан шод айласанг дилингни,
Ёд этарсан бағри хун севгилингни!
Тутган эдим этагингнинг гардини,
Этак қоқиб, оширдинг дил дардини.
Вужудим қарорин олдинг сен мутлоқ!
Энди мен қайда-ю, этагинг тутмоқ?
Кўзгум эдинг, намли кўздан кетарсан,
Кўзгусизман, кимга нигоҳ этарман?
Гулимдан ранг кетди, бу не боғ экан?
Ерга май тўкилди, бу не доғ экан?
Жон қалбида сенсан, бироқ жон сен-ла!
Дилда сену, лекин дил ҳамон сен-ла!
Дилсиз, жонсиз қандай яшай жаҳонда?
Ўз ҳолимга йиғлагайман ҳар онда!..
Кошки рангдан қанот боғлаб учолсам,
Хушхабар-ла гулшанингни қучолсам.
Лекин бағрим қон бўлди-ю, йўқ созим,
Ранг кетди-ю, ортда қолди парвозим.
Кимдан сўрай, бир хабарким, муҳаббат
Дил карвонин қайга элтар шу соат?
Қўл-қанотсиз мен каби нотавонга,
Хаёлда ҳам шафқат этсанг бу жонга:
Сабо эсса менга йўллатсанг салом
Дарак топиб, олсин дейман дил ором...
Тирикчилик гарчи азоби жондир,
Сендан дарак излаш менга дармондир...»
Ғам шамъидан сўз оташи сочилди,
Шу сабабдан дард қопқаси очилди...
Мудан тинглаб бу дам мунгли навони,

Синдирди дил шишасини шу они.
Кабоб этди бағрин Комде оташи,
Симоб этди унинг хаста қараши.
Кўз ёши-ла дил кўрини очарди,
Кўзида ёш, лекин шуъла сочарди.
Туғён уриб дилига у мушавваш,
Таъсир этиб, ёнди мисоли оташ:
«Васлинг эрур офатимнинг чақмоғи!
Жон қийноғи доду фарёдим доғи!
Гарчи ҳолим хароб, гарчи куярмен,
Ҳарна бўлса дилда ишқинг туярмен.
Ҳамма жойда хаёлимда сен фақат,
То тирикман, сени дерман мен фақат.
Сенсиз тош болишим, йўлимда тикон,
Қора кунлар борлиги менга аён.
Чўлда тунлар йўл тополмай бир ўзим,
Зулмат ичра сўнгай менинг юлдузим.
Чароғим йўқ, дард-доғимдан сўрама!
Қалбда доғинг, чароғимдан сўрама!..
Бу кенг чўлда санаб ҳар бир қадамни
Излагайман бахтим кулган у дамни.
Бундан бошқа армоним йўқ жаҳонда,
Кўзим ҳар дам термулиб сен томонда...
Хижолатдан бўлдим девонасимон,
Сув эдим-ку, лекин жўшиб бўлдим қон.
Хижолатлик арзи-ҳолим бор сенга,
Сўзим қайнаб, этгай дил изҳор сенга:
Дилинг ниёз арзидандир бениёз!
Сабрим элтиб, қачонгача бундай ноз!
Сабр билан ҳар ким дилга берса қўл,
Севинч ойинасин кўргай албат ул.
Қўлдан кетса мурод сурати агар,
Беқарорлик келтирадир муқаррар.
Сабри билан киши мақсадга етар
Чунки у сабр ташвишлардан ор этар.
Сабр жойида ҳовлиқишга йўл бўлмас,
У — висолдир, у ҳар кимга қўл келмас.
Сабр йўлини таскин йўли дегайлар,
Мурод-мақсадга у билан етгайлар!..

Сабр азобин чекиб, қийналиб беҳол
Жавоб берди, кейин келтирди мисол:
«Мағрур бу тождорлар ишратга ботиб,
Талтайишиб, кўкка кулоҳин отиб,
Худди шамдек пучхаёл димоғидан
Хабарсизлар бир кун сўниш чоғидан.
Гердайиш-ла қанча машғул бўлса ҳам,
Ҳаё тортиб, бошларини этмас хам.
Бу гердайиш тубан, беҳаёликдир.
Эзгуликдан холи бир расволикдир.
Улар не истаса бўлурми бажо?
Дил иқболи ё бўлурми муҳайё?
Иқбол нима? — Кўриш демак йироқни,
Кўкни тутиб, ҳовучламоқ тупроқни...
Қўлга олиб фисқу фужур бозорин,
Билмас халқдан четлаб, охири борин.
То бўлмаса улар куни қоронғу,
Кўз олдига қарамаслар, одат шу.
Шамчироқни етмагунча то саҳар,
Ёқмоқ бўлиб, ундан олмаслар хабар...
Ҳашам димоғидан бошингда бало,
Ноғора-туғ хаёлидан қил ҳаё!
Кўтармасин қанча ғавғо ноғоранг,
Бўш ҳаводан бўлак унда йўқ жаранг...
Бўш нарсадан ожизларга шу йўсин
Баланд келиб, дўқ уришлик ҳайф бўлсин!..
Ҳашаматли айшу ишратли диёр,
Бадбўй жундан тўлган унга бод-ғубор.
Туғ, ҳашами баравардир тупроққа!
Қўланса дум тукқан попик —байроққа!
Не билан фарқ этар подшоҳу гадо,
Гадо оғир, шоҳ енгилтак доимо...
Улуғ эрур гарчи шоҳлар даргоҳи,
Ундан юксак гадоларнинг кулоҳи...
Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон...
Мардлар чиндан бел боғласа ҳар маҳал,
Бахти кулиб, топгай орзуси амал.
Қатъий бўлса марднинг аҳду журъати,

Кўкни ерга туташтирар ғайрати.
Ҳиммат ори озу— кўп деган хаёл,
Ғайрат бўлса ҳиммат келур бемалол.
Ким кўрсатса азму ғайрат жаҳонда,
У кишининг кўнгли қолмас армонда.
Менинг ҳам бир ёлворишим бўлғуси,
Ширакайфман, кўзга ёшим тўлғуси:
Кўп вақтдирки, эшитганман бир хабар
Шавқим қулоғида оҳангга ўхшар.
Кўпни кўрган донишмандлардан бир кун
Бир ҳикоя аён бўлди мен учун.
Эшитганман, узоқ шимол томонда,
Бормиш файзли бир дарахт биёбонда,
Тубий-ю[1] Сидрадан[2] эмиш асл-зоти
Киши лол бўлармиш кўрган заҳоти,
Орзу ипи эмиш илдиз, пояси,
Дил комин берармиш унинг сояси...
Етса унинг гар этаги чиноргa,
Умид гули яшнаб, етгай баҳорга,
Тол шохини ўз бағрига олган дам
Букилмайди мева юки ортса ҳам.
Соясида ҳар ким топса жой — қарор,
Қуёш каби бахти бўлур барқарор.
Ҳар ким етса унга ҳушсиз, бедармон,
Ақл, мадори бетакаллуф топгай жон...
Изласам, мен ўша дарахтга етсам,
Шояд соясидан мен бахтга етсам.
Унинг ҳимматига менман интизор,
Бахт йўлида шундай ғайрат, аҳдим бор.
Унга ета олсам жаҳон комимдир,
Ҳамма жойда севинч қадаҳ-жомимдир,
Агарда мен бу мақсадга етмасам,
Оҳ сингари барбод бўларман у дам».
Сўнг чиқарди қўйнидан бир ажиб гул,
Сеҳррангу баҳор янглиғ эди ул:
«Бу тилсим нафасим саноқчисидир,

---

[1] Тубий — жаннатдаги афсонавий дарахт номи; [2] сидра осмондаги афсонавий дарахт номи.

Амонат умримнинг хабарчисидир.
Элтма унга нозу неъматли кўклам!
Элчи, хабар йўллатмоққа ташвиш ҳам!
Гоҳ-гоҳи сен иқбол даъвати билан
Хаёл боғин кўру гулзорин айлан!
Мени изла ҳар бир ғамли ҳолатдан,
Англаб олгин очиқ-ойдин шу хатдан!
Шу ажиб гул яшнаб кўринса доим,
Соғ-саломат, бехатардир ҳаётим.
Агар унинг ранги бўлса заъфарон,
Билгин у вақт мендан йўқдир ном-нишон!»
Вақту муҳлат шамчироғи ўчарди,
Панд, насиҳат дилдан тилга кўчарди.
Жўнаш тўзонидан берди у хабар,
Қўнғироқ дер яқинлашди тонг — саҳар,
Дилни ёққан васлу ҳузур карвони,
Мақсад сари йўл бошлади шу они,
Бошдан-оёқ видолашув сўзидан,
Сўнгги нигоҳ учар эди кўзидан.
Дил чокининг парчаларин орқалаб,
Тонгдек видо қучарди юз қайталаб,
Умид дарахтини тугиб хаёлга,
Таваккал деб тонгда юрди шимолга.

* * *

Ғамли ҳижрон куйчисининг ҳамроҳи,
Ишқ йўлида бўлди мунгли куй-оҳи,
Ситам даштин жафокаш тупроғи у,
Ғам водийсин карвон қўнғироғи у.
Ҳукмин унга раво қилди табиат,
Тортди Комде васли ўрнига фурқат[1]...
Қўнғироқда изтиробли юз оҳанг,
Фарёд чекиб карвон бораради аранг.
Юрган сари кўп тортарди азоб-оҳ,
Алам билан ортга ташларди нигоҳ...
Оёқлари қаварди-ю, бўлди қон,

[1] Фурқат — айрилик, ҳижрон.

Шимар эди уни чўлларда тикон.
Тафту тоби қолмай, азоб тортарди,
Жигар-бағри куйиб, қалбин ўртарди,
Токи умид ниҳолига етгунча,
Хас — тиконга урди кўксини қанча.
Томирига этак чокин тикди у,
Соясини макон этди — шу орзу.
Тортиб қанча ҳазин, нола, қайғулар,
Қалбга қувонч истар эди орзулар...
Келиб юз дашт азобига рўбарў,
Мажнун каби паришон ҳол бўлди у,
Бехудликдир унинг куйлаган сози,
Куй қонунин парчалади овози.
Куйламоқчи бўлиб очса лабини,
Комде дарди чулғар эди қалбини.
Шох баргини қимирлатарди шамол,
Азоб чекиб, оҳ тортарди, бемажол.
«Чаққон бўлма сен бу қадар, эй санам!
Кафтинг нозли, мунча серзавқ дойра ҳам!»
Бирор оҳу ҳуркиб қолганда бу дам,
Юрагида оловланарди алам:
«Нега чўчиб, ёнмоқдасан, не қисмат?
Чўлда ҳеч ким йўқдир, қайдан бу даҳшат?»
... Бемор каби қўл-оёғин отарди,
Бехудликдан ғўлдураб, сўз қотарди:
«Бу жойингдан қўзғолмагин, эй Мудан!
Комде ўйнар, баҳра олгин сен ундан!»
Девонадек унинг тили ғўлдурар,
Ўз-ўзича ажиб суҳбатлар қурар,
Бошқа-бошқа сўз айтарди ҳар сафар,
Тўқир эди у пойма-пой мисралар.
Сўзи бўлди гоҳ ғалати, бемаъни:
«Комде, келдим, айт, хоҳлайсан нимани?!
Мен унчалик сендан жудо эмасман,
«Буён келгин», хижолатин чекмасман!»
Гоҳи дерди: «Етиб боргай саломим,
Мендан сенга еттай хабар-паёмим.
Мен кетганман, лекин сен деб ёнаман,
Узоқдаман, лекин ёр ёнингдаман».

Гоҳи дерди: «Қўшма дардни дардимга,
Тиконмидинг, қадаласан қалбимга?
Токай озор етар ҳаловатимга?
Йўл қўйилар токай ҳалокатимга?»
Гоҳи дерди: «Рақсдан қолдингми, ҳайҳот,
Мен хастага этмадинг бир илтифот!
Дил талпиниб, орзу ҳалок этилди,
Хаста жонга ўлим пайти етилди».
Гоҳи дерди: «Қани, қўшиқ бошлагин!
Паришонман, келиб дилни хушлагин!
Тоқат келса — барҳам егай интизор,
Яхшироқдир ундан кўра бир ғубор».
Гоҳи дерди: «Нега юракни тилдинг?
Жисмимга ўт ёқиб, қиёмат қилдинг!»
Дил дардига икки бу хонахароб
Тополмасди мурувватли йўл, ҳисоб.
Гоҳи дерди: «Ошна эмас сенга дил
Бу маконим сенга бўлолмас манзил.
Сен мабодо келганмидинг кетиш-чун,
Келиб, менга ҳамроҳ бўлдинг не учун?!»
Гоҳи дерди: «Келгин, бирга куяйлик!
Зулматдамиз, чироққа ўт қўяйлик!
Давр зулмати чўчитмасин мунча ҳам!
Ёритайлик олов бўлиб уйни ҳам».
Гоҳи дерди: «Қайда меҳру қайда кин?
Бир соатча менга яқин келмагин!
Қуёш бўйлаб ранг олади кўланка,
Қил дош бермас, унга тушса аланга».
Гоҳи дерди: «Келу жуда тезроқ кел!
Кетиб сабрим, кўнглим сенга илҳақ, кел!
Саҳар чоғин гарди, хушнуд фурсати
Энди бошқа келмас, ўтди муҳлати».
Гоҳи дерди: «Мендан хабар сўрама!
Бедимоғман, бошқа сафар сўрама!
Мен у қадар беҳуш бўлмай юрармен,
Овоз келса дарҳол ҳозир бўлармен».
Гоҳи дерди: «Кўзинг мунча термулар?
Сурма бўлдим, йўлингдаги гард улар!
Ноз сепига бино қўйма мунча ҳам!

Хабардор бўл, фурсат ғанимат бу дам!»
Гоҳи дерди: «Табассуминг не учун?
Нафасимдир лабим узра мисли хун!
У ой қайси рангда тутган эрди жом?
У саҳардан кимнинг куни бўлди шом?..»
Гоҳи дерди: «Ёнбошимдан нари тур!
Тўкма ғамдан сен қонимни, шу бўлур!
Муҳаббатим катта бир офат бўлди,
Бу ишқ эмас, балки қиёмат бўлди...»
Гоҳи дерди: «Кўз олдимда турма сен!
Халал берма, дил ойинам синмасин!
Чирой эмас, бунда ўзинг, сен фақат,
Нечун сенга керак бўлди бу хилват?»
Гоҳи «хубу» гоҳи эса «йўқ» дерди,
Нима деса бари ул «Комде!» эрди.
Хоҳ у савол, хоҳ у жавоб қилса гар,
«Комде, Комде!» деяр эди ҳар сафар...
Хуллас шуки, чўлда ошиқи бедил
Дарахт соясида топди жой — манзил.
Дилозор шавқ бўлди унга таржимон,
Маъшуқасин номи тилида ҳар он.
Чўзиқ каманд ёйилиб ҳар томонга
Дом кучини кўрсатарди ҳар ёнга.
Саҳро бўйлаб барча қушу ҳайвонот
Тилларида овоз қолди лолу мот.
Мунгли созин такрорлашиб, этди ёд,
«Комде» дея бари чекарди фарёд.
Юз тил бўлди бир сабоқнинг қурбони,
Бир ҳикоя бўлди, «Қушлар достони».[1]
У жафокаш номин этиб дилга жо
Минг оҳангда чуғурлашар доимо.
Қариб бир йил шу йўсунда бир баҳор
Ўтиб кетди бир фаслга интизор.
Ўтди умри уйқусизу бетаом,
Тоби айниб, ҳолдан кетди батамом.

---

[1] «Қушлар достони» — «Мантиқ ут-тайр» қушлар тилидан ёзилган китоб бўлиб, шарқ мумтоз шоири Фаридиддин Атторнинг машҳур асаридир.

Бирор томоқ тотмай лаби қуришди,
Оч-наҳорлик қалби билан уришди.
Тоқат ранги сўниб, ҳеч тоб қолмади,
Тил лол бўлиб, ҳадду ҳисоб қолмади.
Нола эди қалбдан чиққан ҳар нафас,
Эснаш тонгин қалбдан уфурар нафас.
Заифликка ўрнин берди куч-мадор,
Жудо бўлди у кўмакдан ҳам ночор.
На бор эди лабда нафас қудрати,
На тирноқда бошни қашиш ҳолати.
Лабга келса гар бир нафас, туну кун
Йўл кезарди худди тонгдек у бутун...
Ҳаётидан гарчи умид қолмади,
Ишқ ҳаёти эди, ўлим олмади...

* * *

Бу аҳволдан айтувчи у ҳикоят
Бир йилдан сўнг бундай деди ниҳоят,
Ўтиб кетди умидсизлик замони,
Тун ўрнига кулди қуёш жаҳони:
Иттифоқо бир шоҳ чиқиб шикорга
Унинг йўли тушди шундай диёрга.
Биёбонда кўрди қайғу, тўполон,
Зўр эди юз қиёматдан у туғён.
Ҳар томондан ғам ғубори ёғилар,
Танқисликдан юрак ўйнаб, бўғилар.
Димоғига урилган ҳар шабада
Келтирарди дилга баҳордан баҳра.
У саҳрода кўринган ҳар лола, гул,
Юрак чокин қизил қони эди ул.
Тароватдан тўлқин урган ўт шу дам,
Кипригига олмиш кўз ёши — шабнам...
Маст уйқудан уйғонмасдан ўт-ўлан,
Тупроқ ялаб, оҳ чекар ер бағридан.
Умидсизлик торларидан бунда соз,
Тортишуьдан тарқатарди мунг-овоз.
Чангу ғубор тўзғиб, қалқиб турарди,

Дил толпиниб, телбаланиб урарди...
Шоҳ етганда қушлар базми томонга,
«Комде» куйи тарқаларди ҳар ёнга,
Тўти, зоғдан тортиб пашшага қадар
Бир товушни такрорларди баравар.
«Комде» дея чуғурлаган бу оҳанг
Шоҳ ташвишин этагига урди чанг.
Бу нағмани тинглаб бўлди беқарор,
Талпинарди дилда ҳасрат, ғам, озор,
Сафардаги одамларга қараб шоҳ,
Ёниб қалби, деди бўлингиз огоҳ:
«Бу мунгли куй ҳар юракни йиғлатар,
Дардли дилдан чиққан оҳни эслатар.
Ҳар томонда «Комде», номи не наво?
Билиш керак бу не наво, не бало?
Табиати хира бўлиб шоҳ турди,
Воқеани текширишга буюрди.
Ҳақ — адолат отин этдириб жавлон,
Ҳар томонни қидиртирди шоҳ шу он.
Мақсад излаб у ҳар томонга кетди,
Бора-бора у дарахтга ҳам етди.
Кўрди ердан чиққан илдиздек, дарахт —
Остида бир ётган одамни шу вақт.
Фарёд чекиб тилка-пора бадани,
Девонадек танимас ҳеч нарсани,
Туз тотмайин, мадори йўқ, қотишган,
Қорни бориб орқасига ёпишган.
Тани қуриб, унда йўқдир ҳусну ранг,
Бўйни турар қуруқ томирдай аранг.
Ўлик, аммо нафас қалқир томоқда,
Тирик эди, лекин боши тупроқда.
Иссиқлиги оловланар нафасда,
Талпинарди патсиз қушдек қафасда.
Отдан тушиб борди унинг қошига,
Келди гўё сув қоқ ариқ бошига.
Ҳолсизлигин эҳтиётлаб, атайлаб,
Сўнг кўтарди бошин ердан авайлаб.
Унга кўмак, тадбир излаб қайғурди,

Усту бошин тозалашга буюрди.
Ёрдам учун маслаҳатлашди подшоҳ,
Шарбат тутди, бемор топсин деб шифо.
Томир қурир эди, сувга қондирди,
Шам ўчарди, уни қайта ёндирди.
Нафаси нам олиб, лабин қимтиди,
Ҳаракатга келиб, аста интилди.
Овозига нафас очди то оғуш,
«Комде» дея яна бошдан кетди ҳуш.
Юрагида тўлган оҳин такрорлаб,
Ўшал номни айтди-ю, сўнг ёпди лаб.
Такрор этган фарёдини ўйлаб шоҳ,
Бўлди унинг мавҳум сиридан огоҳ:
«Фироқ доғидан у куйган, бағри қон,
Ёрдан ўзга унга кўринмас жаҳон.
«Комде» дея бунда қушлар чуғурлар,
Унинг севги мактабида ўқурлар.
Оҳу нола чекиб нақадар сози,
Бор қушларга таниш бўлмиш овози.
Қанча умр керакким дил чекиб оҳ,
Жонворларни ўзига қилса ҳамроҳ».
Ул ғарибга чора излаб шоҳ ўзи,
Шафқат истаб, бундай бўлди сўнг сўзи:
«Шамол йўлига, эй дуч келган чироқ!
Айт-чи, кимдан тушди бундай ғавғо-доғ?
Аҳволингдан бўлай огоҳ, хабардор!
Айт-чи, қандай ҳолга бўлгансан дучор?
Фазилатнинг ҳимоятли қўли бор,
Ожизларга таъсир қилиш йўли бор».
Тил чиқариб, сўзга кириб аста у,
Қимирлатди лабин, тили хаста у.
Худди тиғга тортилгандай қалтираб,
Айтмоқ бўлди, лекин жуфтлолмади лаб.
У жафокаш ғарибнинг ҳол, қисмати,
Таъсир этиб, келди шоҳнинг шафқати,
Ҳиммат этиб, ичди улуғвор қасам:
«Бу жойдаки тўлмиш оловли ситам,
То тирикман, кезиб бунда юртни мен,

Сўндиргайман, ёндирилган ўтни мен.
Эшитмасам бу ғарибнинг оҳини,
Нима дерлар салтанатнинг шоҳини!»
Яхши ният билан жазм этиб шу дам,
Ғайрат камарини боғлади маҳкам.
Чопар билан у шоҳга хат юборди,
Ғазаб билан қаттиқ талаб юборди.
Бир ғарибни қон қақшатган ситамгар —
Шоҳга шафқат бўлмас, деб этсин хабар:
«Мурувватни билмас ифлос бу танинг!
Зулму ситам сенинг турган-битганинг!
Ҳайф эмасми бу вафодор бу ёқда
Зулминг билан тўзғиб ётса тупроқда.
Хусусанки, ягонадир бу одам,
Кўрган эмас унинг тенгини олам.
Бу ситамкаш санъатини ўйласанг,
Тенги йўқдир, унга ақлинг қолар танг,
Кимки уни эслаб келтирса ёдга,
Ҳаттоки жон берса қолур уятга.
Агар бўлса сенда заррача инсоф,
Ҳақ-ҳуқуқин этар эдинг эътироф.
Иззат, ҳурмат қадрин билмай ҳар киши,
Тартибсизлик бўлса унинг ўй, иши.
Ҳоли узрин излаш керак хулқидан,
Одоб келмас ҳушсизларнинг қўлидан.
Телбалик ҳам одобдир муҳаббатда,
Лекин ғурурли кўз бўлур ғафлатда...
Шундай эрур донишмандлар ҳикмати,
Қаҳрдан устун турар шоҳлар шафқати.
Ҳар кишининг бўлса хоҳиши бахтда,
Бундай ғариб бошин силар албатта.
Фарёдини қалбинг сезганда агар,
Комде билан қолдирардинг муқаррар...
Базм тузувчи бермай йўл парвонага,
Нурсизланган шамни элтди хонага,
Олов кетди бой эктирган пайкалга,
Чунки бошоқ бермади камбағалга,
Айт-чи, қандай ахир сенсан Сулаймон!

Чумолидан ҳам сўрайсан ҳақу дон?
Бу бойликдан хурсанд бўлсанг мабодо,
Асоси йўқ, бари бўлар тез адо,
Бундан кейин айбингни ювсанг агар,
Сени бу иш қасослардан қутқарар.
Билсанг агар ҳақли Мудан даъвоси,
Дилим эзар унинг чеккан жафоси.
Сен Комдени бизга юборсанг агар,
Шод этардинг бизни жаҳонлар қадар,
Агар бунга қарши бўлсанг у замон,
Ўзингдан кўр, қололмайсан тинч-омон!»
Чопар кетди, унинг кетидан шу дам,
Одамлари билан қўзғалди шоҳ ҳам.

* * *

Чопар етиб хабар бергач у чоғи,
У золимнинг кўтарилиб димоғи,
Деди: «Сен тез хавфли жойдан жўнаб қол!
Сафсатачи ваъзхонингга етиб ол.
Жўна тезроқ, тилингга тиғ етмасдан
Ва елкангдан токи бошинг кетмасдан!
Бу хил таҳдид-ла сўз очиб хотиндан,
Сен яхшилик кутма мардлар зотидан.
Тилга олмас мардлар қўрқоқлик отин,
Шармандалик гар берса ҳар ким хотин.
Елкамда то омонат бош бор экан.
Азму ғайрат билан ёнар дилу тан.
То қолгунча танда сўнгги нафас — дам,
Комде юзин кўрмас ҳатто ойна ҳам.
Шоҳлар феъли қатъий, истамас товон,
Қилмишидан улар бўлмас пушаймон...
У нопокдан, у ким телбаю мажнун,
Юрагимда бурқсиб ётар ўт-тутун.
Тож эгаси ўлим куттан кишига,
Эрк келтирса, бу эҳсон қилмишига.
Раҳму шафқат тақозоси эди бу,
Қилинмади ўлимга у рўбарў.
Айт-чи, бугун уни оқлаб келдингми?
Гуноҳини мендан ёқлаб келдингми?

Беҳудага ўзни этарсен, ночор!
Шоҳ қўшинин кучин камситма зинҳор!
Бу йўл тупроғида сингиб ётар қон.
Жанг бошланса, билгин, бўлар беомон.
Сулҳ хоҳиши бўлмаса сен томонда
Тиғим ўткир, мени кўргин майдонда».

* * *

Фитна-ғавғо тонги чархлатди тиғин,
Авжга келтирди у фалак гардишин,
Бу гардишдан тинчлик изи йўқолди
Юлдузлардан ҳар ён ёлқин тарқалди.
Бу ёлқиндан қуёш бўлиб зимзиё,
Найза тақди заррин қалпоқни гўё.
Икки шоҳнинг қайнаб-тошди ғазаби,
Бўлди тўфон — қон селининг сабаби.
Сулҳ даъватин ип-ришгаси узилди,
Жангу жадал қайнаб, тинчлик бузилди.
Олти ёқдан кўтарилди тўполон,
Омон қолиш йўлин йўқотди ҳар жон.
Имконият жойи тору танг келди,
Майдон аро камон ўйнаб, жанг келди.
Тиғ дамига нафас қанот қоқарди,
Ўқ йўлига тинчлик тўзғиб, оқарди,
Жангу жадал жаҳди тортди зўр наъра,
Келди икки қиёмат куч — рўпара.
Авжга чиқиб карнай, ноғора саси,
Эшитилмас эди дунё ғалваси...
Тўс-тўполон кўтарганда тўп-қурол
Қиёматнинг ранги ўчиб, бўлди лол...
Гумбур-гумбур тўпдан ер ағдарилди,
Юрак эмас, ҳатто тоғлар ёрилди...
Тинчлик қочиб, ўрнин босиб хавф, хижил,
Бўлди соғлик йўқлик гардига манзил...
Темирчининг босқонидай ўт пуркаб,
Фалак таъби олов сочар ловиллаб.
Довюраклар у тор йўлдан ўтсалар,
Иликлари худди ўқдек сочилар.
Оғир гурзи зарби қошу қовоқни —

Элтиб, унга қўшди оёқ-тирноқни.
Ур-йиқитда мардлар жонини ҳар гал,
Хамирдан қил тортгандай олар ажал...
Қаттиқ жангда бошларни тиғ узарди,
Қон селида бош пуфакдек сузарди.
Лаблар ўти булут каби қуюлар,
Кесилиб қўл, оёқ тоғдек уюлар...
Оҳ иплари бўлди бадандан жудо
Тўқувчининг мокисидек дил гўё...
Болта пушти бериб оғир зарбалар
Паҳлавонлар устухонин майдалар.
Учар эди темир совут парчаси,
Тўкилгандай ғалвирдан сув барчаси,
Икки қилич келганида дуч, туташ,
Юз қиёмат очар эди ўт, оташ.
Тўқнашганда ҳар гал икки зил қалқон,
Тўққиз фалак бош беркитар шу замон.
Рустамсимон мардлар тортса ҳайқириқ,
Танг қоларди унга қарши кўп милтиқ...
Бир-бирига қўйилиб бош бетиним,
Ҳолдан кетиб гурзилар ҳам қолди жим...
Найза қирғин майдонида тўкиб қон,
Ундан бўлак тик қолмади ҳеч бир жон...
Учар эди ўқлар қўшин томонга,
Дуч келганни олар эди нишонга.
Юз минг жаҳду жанг-ла олдинга қараб,
Ташланарди шердай ҳар икки тараф.
Танасидан жудо бўлган ҳар бир бош,
Тикка туриб ёв-ла қиларди талош...
Либос ичра бадандаги ҳар аъзо,
Оғиз очган гўёки бир аждаҳо...
Тиғу қилич бўлди арраларсимон,
Қон мавжида урар эди у жавлон...
Лола каби жўш урарди ҳар томон
Лахталанган жигар ҳовучлаб қалқон...
Олишувдан битди қувват, дармонлар,
Нигоҳлардан йироқлашди мижгонлар...
Ярим нафас олгунча бермай омон,
Ажал ели эсиб келарди ҳар он.
Аммо шундай фожиали дамда ҳам,

Қасос ўти сўнмас эди бир дам ҳам...
Бир-бирини чорлаб, ўлим кутганлар
Тўйди бари, бирга қалашди танлар.
Ўлганларга тутиш учун сўнг мотам,
Икки ёнда соғ қолмади битта ҳам.
Ҳамма ўлим паноҳига югурди,
Жанг ерида тупроққа юз ўгирди.
Қолмади сўнг бу жангда азачи ҳам,
Қора кийиб тутди кейин қон мотам.
Қаердаки бўлса золим, бадкирдор,
Бир куни у енгилиб, сўнг бўлар хор,
Кам учрайди уким золим давлати —
Ёқасидан тутмас қазо офати.
У золимнинг хоки бўялди қонга,
Мудан шоҳи етди ғалаба — шонга,
Ғарибларга кимки кўрсатса ёрдам,
Қора кундан қутулғуси у ҳар дам,
Қаердаки бўлса иқбол қўрғони,
Ожизларга ёрдам унинг нарвони...

* * *

Мадҳ этилиб вафо аҳлин армони,
Шундай тугар икки дилнинг достони.
Қайнаб-тошган тўфон қайтди изидан,
Фитна-ғавғо кетди олам юзидан.
Бахт изловчи шоҳ қозонди зўр зафар,
Омонликдан берди оламга хабар.
Бу зафардан Мудан шундай шод, хуррам,
Бунчалик файз бермас боққа баҳор ҳам.
Севинчидан учиб бошқа осмонга,
Талпинарди қушдай ўзга жаҳонга.
Шунинг каби Комде ҳам шод, бахтиёр,
Чаман бўлиб, яшнар мисли гулбаҳор.
Мудан ёдгорлигин сири бўлган гул,
Жилваланиб баҳор сари олди йўл.
Ҳар дам унга бир яхшилик билдирар,
Ҳар бир нафас бир янгилик келтирар.
Ҳужра этди ундан ўзига гулшан,
Кўз хонасин этди у билан равшан.

Эртаю кеч этди уни зиёрат,
Гоҳ кўриб, гоҳ ҳидлаб, оларди роҳат.
Уни қучоқласа, гулгун бўларди,
Унга боқса агар, тўлқин урарди...

* * *

Подшоҳ истаб муҳаббатда имтиҳон,
Ўйга чўмиб, этди фикрини баён:
«...Мудан қалбин ёндирган бу ўт, фироқ,
Комде кўнглидан у жой олмиш нечоғ?..
Хотирида борми ёнган бу гадо?
Унутдими ёки қилмай у вафо?»
Фитначи бир ходимни у танлади,
Ғамли хабар элтишни тайинлади.
У фитначи сездирмасдан гап-сухан,
Синаш учун десинки: ўлди Мудан.
Ишқ жомини лим тўлдириб заҳарга,
Чопар кетди синов истаб шаҳарга.
Кўчаларда тўзон бўлиб еларди,
Оҳи билан дилни тиғдек тиларди.
Дерди: «Келдим ибрат биёбонидан,
Келдим жангу тўфон, ғам жаҳонидан».
Икки подшоҳ қирғинидан сўзларди,
Эр-аёлга қисса айтиб бўзларди.
Узоқ-узоқлардан кўтариб фиғон,
Охир у кўчада бўлди намоён.
Комде ўшал оҳу фарёд куйидан
Чироқ каби балқиб чиқди уйидан...
Шодлигидан уй кўринди унга тор,
Дарак излаб, аҳвол сўрар интизор:
«Эй, ҳангома айтган бир оз тур, яна!
Сўзла уни, бўлди қандай афсона!
Топган бўлсанг бирор хабар Мудандан,
У муждани билдир, яширма мендан!
Мискин дилим ҳасратида бўлди қон,
Севганимнинг ҳоли қандай, эт баён?!»
Чопар дилдан оҳ тортиб сўнг дер: «Шошма,
Тинчлик дунёсига сел бўлиб тошма!

Мен Муандан хабардорман, сўрама!
Бағримга ўт қалаб, ундан сўрама!
Айтмай десам, юрак-бағрим куяди,
Айтай десам, дард дилимни ўяди.
Безовтаман, қандай чора ахтарай?
Бардош этиб ёки ўйлаб, жим турай?
У ситамкаш оғир жангда тўкиб қон,
Орзусига етолмай бўлди қурбон!
Бу воқеа бўлди бизга зўр мотам
Аза тутди унга подшоҳу ҳашам».
Чопар дардли сўзин тугатмасданоқ,
Комде ранги худди бўздай бўлди оқ.
Куйган қалби ёниб бадтар ўт олди,
Бехуд бўлиб, унинг ҳуши йўқолди.
Қони танда совуб, тўниб борарди,
Карахт бўлиб қотиб — сўниб борарди.
Девоналик унга юзин ўгирди,
Тинчсизланиб ҳужрасига югурди,
Етиб ўшал гулга юмди мужгонин,
Ўлим билан боғлаб аҳду паймонин.
Маҳрум бўлди ёр кўксининг армони,
Мотам тутиб, кўзин ёпди мужгони.
Тушмас эди кўзи гул — сирдошига,
Не балолар келтирар у бошига?..
Сўнги нигоҳ ҳукми билан кўз юмди,
Ҳасрат чекди бехудлигу у чўмди...
Роҳат баҳорида кўрди шундай нур,
Умр бўйи кўрмаганди бундай нур.
Нафас кетиб, қайтди йўқликдан яна,
Ҳид бўлди-ю, кезди у гул айлана.
Ҳайрон эди, сеҳргар не етказди,
Не оҳанг-ла пардадан куй кетказди?
Аниқ эди «чопар сўзи, сўрови,
Эди ишқим имтиҳони, синови.
Оҳ ким севги йўлида ул бевафо,
Элтмади ишқ уйидан ғубор ҳатто.
Ёр ўлимин билиб, тупроқ бўлмади,
Тандан жон кетди-ю, ҳалок бўлмади...»
Бошин эгиб қўлтиғига хам бўлди,

Хаёлида вафо мужассам бўлди.
Деди: «Комде, кимки изласа мени?
Вафо истаб, пок сақлагай севгини!
Сенда орзу яшамоқлик бўлса ҳам,
Маҳшаргача аммо менинг кўзим нам.
Мудан учун қурбонликка кетарман,
Сен эшикда қол, мен якка кетарман».
Ўйлаб, фаҳми беэътибор қолмади,
Ишқда ўзга ҳолу мадор қолмади.
Комде энди этолмас тобу тоқат,
Унинг учун қолди фақат садоқат.
Имтиҳончи то ўрнидан тургунча,
Мотам-аза уйда бошланди шунча...
Хулосаким, чопар ўксиб лол қолди,
Сир билолмай, паришон аҳвол қолди.
Ўз беҳуда қилмишидан тортиб ғам,
Хаста дили ҳасрат-ла тўлди шу дам.
Хабаркашлик оғир гуноҳ келтирди,
Синов элтиб, уят ва оҳ келтирди.
Бир уятки, кетмас унинг ҳеч доғи,
Артар уни фақат ўлим тупроғи.
Шоҳ қошига минг афсус-ла югурди,
Ёш оқизиб, йиғлаб, ерга бош урди.
Уни тинглаб ҳозир бўлганлар шу он,
Лабин тишлаб, лабда нафас бўлди қон.
Ҳар бир киши қайғу-мотам-ла шу чоқ,
Сочар эди кафтлаб бошига тупроқ...
Ноумид ул Мудан ҳозир бўлганди,
Минг интизор билан нозир бўлганди.
Йиғинаро бундай аҳвол, ғам кўрди,
Тинглаб ажабланди — нима ҳам кўрди.
Маъюсланиш пайдо бўлди йиғинда
Қут ўчмоқлик видоъ бўлди йиғинда[1].
Бу воқеа янги жафо келтирди,
Одамларга янги ғавғо келтирди.
Уйилган кул тўдаларин шуъласи
Қайта бошдан тўзғиб, бурқсир нафаси.
Подшоҳ мулзам, қолмади ҳеч ихтиёр,

[1] Яъни Мудан ҳам ўлди.

Бошдан-оёқ бўлган эди интизор.
Тинчсизланиб, тўфон урди хаёли.
Ижирғаниб, сўз айтишга йўқ ҳоли.
Қўл ортини тишлай бериб паришон,
Худди қассоб кундасидай этди қон.
Ёқасини йиртиб, қилди минг пора,
Тирнай бериб, этди кўксини яра.
Бу фожиа ибратидан қошига,
Маҳшар каби мотам келди бошига.
Буйруқ берди: «Улким икки вафодор,
Бир-биридан жудо бўлмасин зинҳор!
Мен сабабчи бўлдим бундай фироққа,
Мен билан бир топширинглар тупроққа!
Талаб этар мендан шуни адолат,
Мен ўзимни четлатишга йўқ ҳожат.
Тупроқ ости бўлсин жойим, тилагим,
Бўлсин улар қўлида бу этагим.
Хазон бўлди бу феълимдан икки ёр.
Ажал бир гап, мен қотили жафокор.
Бу шаҳидлар мендан жафо кўргандир,
Синов тиғим билан қурбон бўлгандир...
Тириклайин ётгум керак тупроққа,
Оқлай ўзим, токи тушмай қийноққа!
Бу хил ситам қонга баҳо сўрамас.
У қасосдан бошқа қазо сўрамас.
Гар ўзимдан ўч олмасам, қиёмат —
Кунгача шарм ўтидадир адолат.
Ҳар ҳолда мен юрмай, ўлганим маъқул,
Бундан бошқа иложим йўқ, фикрим шул!»
Шоҳ таъбидан пайдо бўлган бу савдо.
Сарой узра қўзғатди кўп можаро:
Ҳар бир лабдан оҳу фарёд учарди,
Юракларга қайғу-мотам кўчарди.
Шоҳ ҳукмидан бош тортолмас ҳеч киши,
Қабул бўлмай қолмас асло ҳар иши.
Ҳукамолар бу аҳволни ўйлашди,
Илож излаб, фикрларин сўйлашди:
«Сен қуёшдек балқиб яшнарсан бу он!
Бир мўйингга фидо бўлгай юз минг жон!

Муҳлат бергин ва тадбирга ихтиёр,
Қалтис йўлга яна бўлмайлик дучор!
Ҳақиқатни айтсак, улар ўлмаган,
Қон тўхтаган, лек ҳаёти сўлмаган.
Озми-кўпми касалликлар бу маҳал
Етказмаган улар умрига халал.
Подшоҳ, сиз агарда берсангиз фармон.
Чорасини биз топармиз — бу осон.
Ғайратимиз сарфланиб бу тадбирга,
Агар чора тополмасак тақдирга,
Шоҳ одами бўлган ҳамма бор одам,
Тупроқаро ётса майлидир у дам.
Сен истасанг агар ҳалок бўлмоқни,
Мақбул кўрар ҳамма ўлим, тупроқни».
Шундан кейин берилди шоҳ фармони,
Умид билан изланар дард-дармони;
Дўстлик меҳрин барча ҳикмати билан,
Аъзоларин бириктирди жону тан.
Тайёрланди икки гўзалга ҳаммом.
Баданлари бу жойда олди ором.
Улар учун, ўтмай бир неча соат,
Ўлим кетиб, қайтди ҳаёт ниҳоят.
Дил иссиғи бўлди нафас анҳори,
Чечак отиб, кулди нафас баҳори...
Яна боғда гул кўрсатди юзини,
Дўстлар кўрди биргаликда ўзини.

* * *

Бу жаҳонда кам учрайди икки ёр
Бундай қайта яшаб, бўлса бахтиёр.
Гул эдими ёки баҳор бўлишди,
Ким билади, қандай ошкор бўлишди?
Шу хил тасвир ила, куй тамом бўлди
Ва афсона бу ўринда шод ўлди.

МУНДАРИЖА

Дебоча 3

Ғазаллар

«Бўлибди ғамга ошён...» *Э. Воҳидов таржимаси* 5
«Заҳм ўлди яна чашми...» *Э. Воҳидов таржимаси* 6
«Паришон хотирим деб...» *Э. Воҳидов таржимаси* 7
«Ишқ доғи каби...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 8
«Ёд этиб шавқингни...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 9
«То туғилдим...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 10
«Ёниқ матлабларим бергай...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 11
«Токи чаман томонидан...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 12
«Кўзларингга, тенгсизим...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 13
«Зор қанот қоқсамки...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 14
«Эй фазлу камолоти...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 15
«Ёниқ дил гавҳари...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 16
«Сенсиз ташланса боғга...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 17
«Шарҳ этиб мавж борлиғин...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 18
«Икки кўз гавҳарингдан...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 19
«Ҳақ дебон дил макрин...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 20
«Чин камолот ихтиёр қилмоқчиман...»
М. Абдулҳаким таржимаси 22
«Ғамларимни оҳ, қилиб таъсир...»
М. Абдулҳаким таржимаси 23
«Кибр ила мардлик ғурурин...»
М. Абдулҳаким таржимаси 24
«Ишқ аҳли агар...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 25
«Оҳ, жилвасини анинг...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 26
«Жунун, айт, қайдасан...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 27
«Фоний бўлсам-да бақо...» *М. Абдулҳаким таржимаси* 28
«Кўз ёшларимни мижжаларим...»
М. Абдулҳаким таржимаси 29

«Ойна каби неча...» *А. Маҳкам таржимаси* 30
«Ул» демагимиз ҳам мену...» *А. Маҳкам таржимаси* 31
«Қазо бош хатига...» *Ж. Субҳон таржимаси* 32
«Амал найранги бор...» *Ж. Субҳон таржимаси* 33
«Агарки дил маҳви...» *Ж. Субҳон таржимаси* 34

Рубоийлар

1 — 439-рубоийлар. *Ш. Шомуҳамедов таржималари* 35
440—441-рубоийлар. *Ғафур Ғулом таржималари* 108

Достон

Комде ва Мудан. *Назармат таржимаси* 109

Адабий-бадиий нашр

Мирзо Абдулқодир Бедил

ШАВҚИНГНИ ЁД ЭТИБ

Ғазаллар, рубоийлар ва достон

Нашр учун масъуллар: *Мизроб Бўронов, Назира Жўраева*

Муҳаррир *Ҳикоят Маҳмудова*
Мусаввир *Анатолий Бобров*
Бадиий муҳаррир *Рустам Зуфаров*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Галина Отаскевич*

ИБ № 4295


Босишга 14.02.2005 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108$^{1}/_{32}$.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 7,56 шартли босма тобоқ.
8,5 нашр тобоғи. Жами 5000 нусха. 47рақамли буюртма.
27—2005 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30//700128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Бедил, Мирзо Абдулқодир.
Б46 Шавқингни ёд этиб...: Ғазаллар, рубоийлар ва достон/Мирзо Абдулқодир Бедил;/Тўплаб нашрга тайёрловчи Жонибек Субҳон/. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005 — 144 б.

Бедил — форс-тожик мумтоз шеъриятининг забардаст вакили, руҳият ғазалиётининг ўхшаши йўқ намояндаси, жамият ва табиат сирсиноатларини файласуфона таҳлил ва тадқиқ этган буюк шоир бўлиб, ғазал ихлосмандларининг ҳар бир янги авлоди уни янгича кашф этиши муқаррардир. Унинг шеърий фикрлари, ташбеҳлари ва сеҳрли тили ўз ифорини ҳамиша уфуриб туришига аминмиз. Ундан илғаб оладиган маъноларимиз маънавиятимиз сандиғига қўшилган дуру жавоҳирлар кабидир...

ББК84(0)9





10000 c.

